

Muassislar:  
**O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
O'zbekiston yoshlar ittifoqi**

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:  
**Sirojiddin SAYYID  
Minhojiddin MIRZO  
Nodir JONUZOQ  
G'ayrat MAJID  
O'razboy ABDURAHMONOV  
Farrux JABBOROV**

Jamoatchilik kengashi:  
**Qahramon QURONBOYEV  
Iqbol MIRZO  
Murodilla ESHMATOV  
Muhammad ALI  
Rustam NOSIROV  
Rustam QOBILOV  
Ahmad OTABOYEV  
Shuhrat SIROJIDDINOV**

Bosh muharrir:  
**Faxriddin HAYIT**

Bosh muharrir o'rinbosari:  
**Nurilla ChORI**

Mas'ul kotib:  
**Sa'dullo QURONOV**

Mas'ul muharrir:  
**G'iyosiddin O'NAROV**

Adabiy muharrir:  
**Husan MAQSUD**

Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Chilonzor tumani,  
Bunyodkor ko'chasi, Adiblar xiyoboni,  
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi binosi.  
Indeks 100066  
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz  
Veb sayt: www.yoshlikjurnali.uz  
Tel.: (0371) 231-20-58, 231-20-59

**Navbatchi muharrir:** G'.O'narov  
Bosishga 24.07.2019-yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz formati: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>8</sub>  
Nashriyot hisob tobog'i: 8,7  
Indeks – 822.  
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007-yil 4-mayda  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi  
tomonidan № 0253 raqami  
bilan ro'yxatga olingan.  
Jurnaldan ko'chirib bosilganda  
"Yoshlik" dan olindi" deb izohlanishi shart.  
"SILVER STAR PRINT" MChJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Buyurtma № 41. Adadi: 1480  
Toshkent shahri, Uchtepa tumani,  
22-mavze, 17-uy.

## MUNDARIJA

### MINBAR

**3** Ulkan karvon – yuksalish yo'lida

### SAFAR OCHERKI

**4** Ona zaminning oltin chashmasi

### ESSE

**11** Faxriddin Hayit  
Osmon yerga yaqin

**44** Oqiljon G'ofurov

Sharqiroq O'rikli soy ertaklari

### JAMIYAT VA BIZ

**16** Sanjar Rajabov  
Yurt ravnaqiga daxldorlik  
hissini tuyib

### NAZM

**18** Odil Hotam  
Afsonalar so'ylar har tun saksovu...

**26** Dilara Xoliqova  
Ayriliqdan ma'no to'qir vaqt...

**57** Abdumajid Jo'rayev  
Toleingdan aylanay, Vatan!

### OCHERK

**22** Faxriddin Xudoyqul  
Xosiyatli kunlar saodati

### BADIA

**28** Odilbek Ortiqov  
Yulduzlar langar tashlaydi



Muqovada:  
**Ahmad TO'RA**  
olgan surat.

3





31



48



25



34

### SO'ZOYNAK

**31 Saydi Umirov:**  
Adabiyot – fidoyilar bilan barhayot

### JARAYON

**34 Shodi Otamurod**  
Beshta tashabbusning yana bir ifodasi

### BIRINCHI UCHRASHUV

**36 Shahriyor Shavkat**  
Ay, fuzul yuragim, qichqiriqni qo'y...

**38 Tillaniso Eshboyeva**  
Sochilib ketaman og'riqqa, she'rga...

**39 Munisa A'zamova**  
Shom kiyar oq-qora to'n...

**40 Suxrobjon Avalboyev**  
Yozuvchi nima qilardi...

**43 Anvar Jabborov**  
Muhabbat ahlidan ko'hna va o'lmas  
bir masal bo'lg'ay...

### PUBLITSISTIKA

**48 Sa'dullo Quronov**  
Muruntov hayratlari

### ORAMIZDAGI ODAMLAR

**52 Husan Maqsud**  
Tillani toblagan peshona teri

### IFTIXOR

**58 Sherzod Xudoyqulov**  
Davron oshayotgan dovonlar

### E'TIROF

**60 Sa'dulla Quronov**  
Umr hikmatini anglash baxti



# УЛКАН КАРВОН – ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон – буюк мақсадларни кўзлаб улуғ йўлга отланган карвон. Ислохотлар эса тараққиётнинг равон йўли бўлиб хизмат қиляпти. Янгиларга тез сингиб кетадиган, кутганимиз каби осойишга эга бўлишга тобора кўникиб қолдик. Миллий юксалиш йўлидаги хайрли хабарлар ҳаётимизнинг озуғига айланиб бораётир. Мамлакатимизда барча соҳалар фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Ҳаммаси халқ, мамнунлиги, Ҳақнинг розилиги учун... Шу боис давлат халқ манфаатига хизмат қилиб, аҳолининг ҳаёт сифати ошиб бормоқда.

Инвестиция, инновация, янгича ёндашув асосида янги корхоналарни ишга тушириш, саноатни ривожлантириш, хизмат сифати, иш унумдорлигини ошириш – буларнинг барчаси замирида аҳли юртнинг яхши ҳаёт кечирishi, мазмунли умргузаронлик қилишини таъмин этишга қаратилган. Барпо этилаётган уйлар қанчадан-қанча орзуманд оилаларни ватан ичра “ватанли” бўлишига, кексалар тили билан айтганда, “туб кўйиб, палак ёзишига” хизмат қиляпти.

Ниҳол эксанг, бир кун дарахтга айланади. Уни парвариш этадиган оддий деҳқон. Улғайиб мевага кирса, ҳосилидан баҳраманд бўлувчи халқ, соясида сояловчи ҳам, дуо қилиб меҳр билан сийловчи халқ. Жонажон юрт кундан-кун ривож топяпти. Йўлбошчининг раҳнамолиги, меҳнаткаш, танти халқнинг чеккан заҳмати бу юксалишнинг асосидир. Изғиринни изғирин, саратонни саратон, саҳрони саҳро, тоғу тошни тоғу тош, тунни тун, демай меҳнат қилаётган фидойи элнинг ҳали орзулари юксак! Эл-юрт корига яраётган заҳматкаш бу инсонлар замонамизнинг, дориломон кунимизнинг қаҳрамонларидир.

Президент Шавкат Мирзиёев ижод аҳли – шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар билан кўп бора учрашди. Хусусан, 2017 йилнинг 3

август куни Юртбоши ижодкор-зиёлилар билан суҳбатда бундай деганди: “Неча йиллардан бери масала қўямиз – замонавий қаҳрамон образини яратайлик, деб. Лекин бирорта жиддий натижага эриша олдикми?”. Президентимиз қалам аҳли зиммасига мазкур вазифани юклар экан, “Бундай бунёдкорлик ишлари, мен ўйлайманки, ҳар қандай ижодкор учун илҳом манбаи бўлиб, янги асарлар учун мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин. Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган мана шундай қурувчи ва муҳандислар, дала заҳматкашлари ҳақида, жонкуяр муаллим ва шифокорларимиз, жасур ҳарбийларимиз, навқирон ёшларимиз эришаётган ютуқ ва марралар ҳақида сизлар ёзмасангиз, Ватанимиз тарихининг бадиий солномасини сизлар яратмасангиз, ким яратади?”, деган эди. Албатта, давлат раҳбарининг куйиниб айтган бу сўзлари қалбида Ватанга муҳаббати жўш уриб турган ҳар қандай ижодкорни илҳомлантиради, унга куч-қувват бағишлайди, янги асарлар учун ғоя беради.

“Ёшлик” журналининг ижодкорлари ҳам меҳнат қилиб, эл корига яраётган халқ, Ватан қаҳрамонларини излаб топиш, уларнинг адабий-бадиий қиёфасини яратиш ва кенг оммага таништиришни мақсад қилган. Шу маънода, нашр ижодкорлари Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти билан яқиндан танишиш, Қизилқум кенгликларида заҳмат чекиб, халқимизнинг турмуши фаровон бўлиши, мамлакат хазинасини бойитиш учун меҳнат қилаётган инсонларнинг қалбига кўз ташлаш мақсадида ижодий сафарда бўлди.

Журналнинг ушбу сонидан сиз уларнинг фидокорона меҳнати, ҳаёти, ҳис-кечинмалари, орзу-умидлари акс этган эссе, шеър, ҳикоя ва публицистик мақолалар билан танишасиз.

ТАҲРИРИЯТ

# ОНА ЗАМИННИНГ ОЛТИН ЧАШМАСИ

Ёз серёгин келган баҳордан улги олдим, муқаддимаси гоҳ ёмғирли, гоҳ булутли, гоҳ шамолли кунларга айланди.

Қизилқумнинг баҳорини кўриш иштиёқимиз бор эди-ю, насиба экан, ижодий сафаримиз июн остонасида бошланди. Тулпорни суғордик, эгар-жабдуғини мустаҳкам қўндириб, кун пешиндан оға бешовлон йўлга тушдик. Нигоҳимизга қўнган тасвирдан гурунгни жонлантириб, дилимизни қувнатиб, иштиёқимизни сийлаб, “ҳайё-ҳуйт” деб боравердик. Йўл бўйининг ажиб манзараси дилни равшан этар, гоҳ илиқ ҳаво кўзга уйқу илитади. Ёзда кундузнинг феъли кенгаяди, қош қорайиб, кун ботганда Навоий шаҳрига кириб бордик... Шаҳар четидаги меҳмонхонада кўним топиб, тонг оттирдик.

Ҳали кўнглимизда кўзи ёримаган сафар таассуротларининг ҳаяжони каллаи сахарлаб киприқдан уйқуни учирди. Меҳмонхона торгина кўчада жойлашган, ҳовлида дилни яйратиб сайр қиламан десанг, бошинг қўшнининг деворига санчилади. Йўлхалтани қўлтиқлаб, офтобпанада соялаб тургандик, ёнимизга микроавтобус келиб тўхтади. Филмлардаги репортёрлар каби бўйнига фотоаппарат осиб олган бир таниш чеҳра улов эшигини суриб очдида, ерга хатлади. “Эй, Азамат-ку...”, дедим ичимдан қувониб. Азамат билан университетда олдинма-кетин ўқиганмиз. Кейинги киши “Кончилар ҳаёти” газетаси муҳаррири Низомиддин Садриддинов экан. Зумда машинага чиқиб олдик, ҳол-аҳвол сўраш гала-говурга айланди. Ҳайдовчи Зокир ака ҳам кўпни кўрган,

бамаъни инсон экан, у кишининг фазилатларини сафаримиз давомида кашф этиб бордик. Дастлабки манзилимиз Навоий давлат кончилиқ институти бўлди...

## БЎЛАЖАК КОНЧИЛАР ЗИЁ МАСКАНИ

Ижодкорнинг дилини китоб яйратади, шу боис кутубхонани хуш кўради. Аслида ёшлиқнинг жилоси ҳам китобдир. Бунга яхши англаган таълим муассасаси жонқуярлари бизни институтнинг ахборот-кутубхона маркази томон бошлади. Замонавий марказнинг барча заллари талабалар билан гавжум: кимдир сабоқ билан оввора, кимдир китоб, кимдир газета-журнал варақлаган... Электрон кутубхона залида талабалар янада бисёр. Пешайвонда ўрнатилган сенсорли улкан таблодан дунёнинг етакчи олий ўқув юртларининг ахборот-кутубхона марказлари билан боғланиш, зарур адабиётларнинг электрон шаклини кўчириб олиш мумкин. Ана, замонани қаранг! Олий таълим даргоҳининг мураббийлар кенгаши раиси Рисолат опа Исломова, Ахборот кўрсатиш бўлими бошлиғи Муҳаббат Тошева муассасада яратилган шароитлар ҳақида тўлқинланиб гапирар, уларнинг кўзларида ифтихор нур бўлиб порлайди.

Баъзан ҳафталаб, ойлаб ташкил этилган тадбирларда самимий руҳни сезмайсиз, баъзан шу дам, шу нафасда бошланган кеча нафис мажлисга айланади. Кутубхонанинг катта залида туйқусдан бошланган шеърият кечаси чинакам адабий тадбирга йўл очди. Институт қошида “Парвоз”

талабалар театр студияси аъзоси Бектош Қодиров, “Ёш ижодкор” клуби аъзоси Дилшод Муҳаммадовнинг чиқишлари даврага самимий рух берди. Хусниддин Абдурахимовнинг қўшиқлари бироз бўлса-да дилни ҳузурлантирди. Адабиётга, санъатга ошуфталик бор қалбларда ҳаётга иштиёқ, юртга муҳаббат ортади. Бўлажак кончилар диёримизнинг тоғу қирлари, сахрою кенгликларидан маъдан қидиради, қазиб олади, элга тортиқ этади. Кончилар тошу тупроқ билан сирлашади, диллашади. Аслида улар ҳам ижодкор!

Шу ўринда мазкур олий таълим муассасаси ҳақида: Навоий давлат кончилик институти 1995 йили ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда мазкур илм даргоҳида 92 нафар профессор-ўқитувчи талабаларга сабоқ бериб келади. Улардан 10 нафари фан доктор ва профессорлар, 54 нафари фан номзоди, доцентлардир.

Таълим масканида кончилик, энерго-механика, кимё-металлургия, Зарафшон умумтехника (Зарафшон шаҳрида) каби тўртта факултетда 2 минг 500 нафардан ортиқ талаба таҳсил олади.

Илм даргоҳидаги тўртта ўқув лабораторияси бўлиб, барчаси энг янги замонавий техник воситалар билан жиҳозланган. Қолаверса, дунёнинг йирик халқаро компаниялари билан мустақкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.



Шунингдек, Навоий, Зарафшон ва Олмалик шаҳарларида жойлашган йирик ишлаб чиқариш корхоналарида институтнинг кафедралари, кафедралар филиаллари ташкил этилган.

Айтганча, институтнинг мазкур ахборот-кутубхона маркази Навоий кон-металлургия комбинати тизимидага 11 та кутубхонанинг фондиди электрон тизим орқали бирлаштириб туради. Мазкур зиё маскани 550 мингдан ортиқ китобни ўзида жамлаган. Электрон нашрларнинг умумий сони эса, 23 мингдан ошиқ.

Бўлажак кончиларга ҳайрату ҳавасимиз ортиб, навбатдаги манзилга отландик.

### **КОМБИНАТНИНГ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ**

“Фарҳод” маданият саройи. Мазкур иншоот Навоий кон-металлургия комбинатининг маданий қиёфасини акс эттиради. Гулзорлар, фавворалар ўзига хос кўрк бериб, жисму жонни қувватлантиради.

Бугунги кунда комбинат тизимида 9 та маданият муассасаси, шунингдек, болалар ижодиёт уйи фаолият кўрсатмоқда. Уларда бир юз

етмишдан ортиқ бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва тўғарақлар ишлаб турибди. Шулар орасида “Фарҳод” маданият саройининг алоҳида ўрни бор. Ушбу маданият саройи ўзининг салобати ва ички имкониятлари билан юртимиздаги бошқа маданият масканларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Мазкур бинога кираверишда, ўнг томонда буюк бобомиз Алишер Навоийнинг бетакрор “Хамса” асари қаҳрамонларидан бири – Фарҳод қиёфаси тасвирланган: билаклари куч-қувватга тўлган, кўзидан ўт чақнаб турибди, кўлида тоғу тошни бир зарб билан ёргувчи паҳлавон қуроли... “Фарҳод ва Ширин”да тасвирланганидек, Фарҳод тоғ тошларини юниб, сув чиқараётган ҳолатда тасвирланган. Аслида, комбинат тизимидаги тоғ-кон ишчиларининг ҳар бири бугунги кун фарҳодларидир...

Мамлакатнинг юраги каби уриб турган мазкур комбинатнинг босиб ўтган йўли – ўзига хос тарихи бор. У тарих нафақат халқимиз, балки жаҳон аҳли, сайёҳлар, кончилик мутахассислари, ёшлар учун маданий ҳордиқ, улкан билим ва сабоқ бўлиб хизмат қилади. Олтин қазиб олиш бўйича дунёнинг йирик корпорацияларидан бири бўлган Навоий кон-металлургия заводи музейи ҳам “Фарҳод” саройида жойлашган. Маданий муассаса 2013 йил 6 декабрда ўз фаолиятини бошлаган. Музейдан қадимги даврлардан то бугунги кунга қадар кон-металлургия тарихи бўйича экспонат, комбинатнинг мустақиллик йилларидаги ютуқлари акс этган ноёб



тарихий ҳужжатлар ва фотосуратлар, макетлар ўрин эгаллаган. Музей доимий экскурсиялар, турли тадбирлар ўтказиладиган гавжум масканга айланган. Ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида доимий равишда ёзувчилар ва шоирлар, меҳнат фахрийлари, давлат мукофоти совриндорлари билан учрашувлар, маънавий-маърифий ва бадий кечалар ўтказиб келинмоқда.

“Фарҳод” маданият саройининг “Бахтли болалик”, “Ширин”, “Марварид”, “Соната” эстрада-рақс, “Садо” доирачилар ансамбллари бўлиб, турли байрам ва тантаналарда ўз чиқишлари билан қатнашиб келади. Бундан ташқари, Зарафшондаги “Олтин водий” маданият саройининг “Атлас” студияси ҳамда “Афсона” рақс ансамбли, Учқудукдаги “Учқудук” маданияти уйининг “Елес” вокал гуруҳи, “Ритм”, “Ситора” рақс ансамбллари, Зафарободдаги “Ёшлик” маданият уйининг “Зебо” рақс, “Шок” рақс гуруҳлари ҳам турли танловларда қатнашиб, довруғ топган. Комбинат маданият муассасалари ижодий жамоалари орасида ҳар йили “Қизилқум санъат гунчалари”, “Қизилқум овози”, “Қизилқум оҳанглари” танловлари ўтказиб келинади. Барча маданий тадбирлар комбинатнинг ижодий жамоалари томонидан ташкил этилади.

Тизимда ишчи-хизматчиларнинг манфаатларига эътибор қаратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларига кўмак бериш, муаммоларини ҳал этиш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий хизматдан фойдаланишга катта эътибор берилган. Тиббий-санитария бўлими ва унинг жойлардаги бешта бўлинмасида ишчилар ва уларнинг оила аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Уларда тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бизни ажаблантиргани комбинатда маънавий муҳит анча яхши экан, айниқса, ёшлар ўртасида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтириш, уларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш мақсадида китобхонлик маданиятини оширишга эътибор қаратилаётгани қувонарлидир.

Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилиши учун барча қулайликларга эга, энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган “Металлург”, “Кончи” ва “Нуробод” санаторий-профилакториялари, “Зарафшон” пансионати, “Тўдакўл” дам олиш базаси фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2019 йили Жиззах вилоятининг Зомин туманида 150 ўринга мўлжалланган санаторий ишга туширилди. Бу масканнинг бир қисми, яъни 50 кишилиқ ўрни ижод аҳли учун йил давомида тинимсиз хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, Зарафшон шаҳрида “Нептун” сув ҳавзаси капитал таъмирланди, Навоий шаҳридаги “Сўғдиёна” стадиони реконструкция қилинди, Зафаробод кўрғонида “Янги ҳаёт” спорт мажмуаси ва ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ёшларнинг дам олиши, эҳтиёжи, қизиқиш ва интилишлари ҳисобга олиниб, Учқудукда “Келажак” ёшлар маркази кўркам маскани ишга туширилибди. Зарафшон ва Зармитанда болалар аквапарки, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Зафаробод кўрғонида барпо этилган бири-биридан гўзал мусиқали фавворалар ҳам барчага завқ ва хузур бағишламоқда.

Корхонада ишчи-ходимларнинг болаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ёзги таътил мавсумида шаҳар ташқариси ва шаҳарда жойлашган “Паҳлавон”, “Болажон”, “Сармиш”, “Сўғдиёна”, “Зарафшон” ва “Келажак” каби 11 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар йили ўн мингдан ортиқ йигит-қизлар мириқиб дам олади.

Комбинат маъмурияти ва касаба уюшмаси Кенгаши комбинат ишчи-ходимлари, уларнинг оила аъзолари орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доимий эътибор бериб келади. Комбинат ихтиёрида бешта стадион, бешта бассейн, елканли спорт базаси, 80 дан ортиқ спорт заллари ва майдончалари мавжуд. Бизда алоҳида спорт турларига ихтисослашган жисмоний тарбия-соғломлаштириш клублари ривожланган, чунончи: Навоийда “Сўғдиёна”, Зарафшонда “Алпомиш”, Зафарободда “Ёшлик”, Нурободда “Меҳнат”, Учқудукда “Лочин”, Маржонбулоқ ва Заркент кўрғонларида “Ёшлик” спорт мажмуалари фаолият кўрсатмоқда.





Рости, сизга сўйлаётганларимиз хамир учидан патир. Комбинат фаолияти акс этган кўргазмаларни томоша қилиб, адо этолмадик. Қизиқарли лавҳалар кишини ўзига ром этаверади. Аммо вақт ҳакам, сафаримиз давомида кўришимиз, суҳбатлашимиз зарур бўлган маскану мажмуалар, фидойи ишчи-хизматчилар бисёр. Кўксимизнинг бир бурчаги шошиб турибди...

### НАВОИЙ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ

Ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича Марказий Осиёда ягона бўлган Навоий машинасозлик заводига соат 18:00 да етиб бордик. Бизнинг заводга боришимиз кундузги иш вақти кечги иш вақти билан алмашаётган пайтга тўғри келиб қолганди. Ҳамроҳимиз Низомиддин ака заводнинг иш тартиби ҳақида сўз очиб қолди: “Завод ходимлари 4 сменада ишлайди. Сабаби, бу завод маҳсулотларига катта эҳтиёж бор. Бундан ташқари, улкан салоҳиятга эга заводнинг бир соатга ишдан тўхташи ҳам давлатимиз иқтисодига сезиларли таъсир ўтказиши турган гап”, дея изоҳ берди. Завод ичкарасига кирганимиздан сўнг Низомиддин аканинг гаплари муболағадан холи эканлигига амин бўлдик. Зеро, завод чиндан ҳам улкан эди.



Бизларга завод муҳандиси Руслан Турсунов ҳамроҳлик қилиб, иш жараёни билан таништира бошлади. Унинг айтишича, бу жойда асосан, комбинат эҳтиёжидagi импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Комбинат металл конструкциялари, ностандарт ускуналар, турли модификацияли металл кесувчи станоклар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар бўйича катта ҳажмдаги буюртмаларни бажаради. Содда қилиб айтганда, заводда бурғуловчи қурилма, юк машиналари, кўтарма кранлар ва бошқа қурилмаларнинг турли эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Яна бу заводда металлга ишлов берувчи станокларнинг бир нечта моделлари, ёғочга ишлов берувчи станоклар эса икки модификацияда чиқарилади. Шунингдек, аниқлиги 5 классгача бўлган темир чархпалак (шестерна)лар тайёрлаш бўйича буюртмалар бажарилмоқда. Зарурат тугилса, чиқарилаётган барча станокларнинг моделлари шу жойда таъмирланиб, уларга сервис хизмати ҳам кўрсатилади. Завод энг сўнгги русумдаги замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, асосан



компьютерлашган ускуналарнинг аксарияти ёш кадрлар томонидан бошқарилади.

Асосий ишлаб чиқариш бўлимларини кўздан кечириб бўлганимиздан кейин Рустам Рашидович бизни заводнинг ишчи-ходимлари маданий ҳордик оладиган ва спорт билан шуғулланадиган бинолар томонга бошлади.

### ҚИЗИЛҚУМ ОРАЛАБ ТҮРТ СОАТ

Эртаси куни тонг саҳардан Зарафшон шаҳрига қилинадиган сафарга тайёргарлик кўра бошладик. Келишганимиздек, соат 06:00 ётоқхона ташқарисида бизни “Кончилар ҳаёти” газетаси муҳаррири Низомиддин ака билан ҳайдовчи Зокир ака кутиб олди. Шунда Низомиддин ака, “Кончилар ҳаётини яқиндан билишни истасангиз, уларнинг нонуштаси





билан ҳам танишишингиз керак-да” дея бизларни комбинатга қарашли ошхоналарнинг бирига олиб борди. Нонуштадан сўнг “қайдасан, Зарафшон!” дея йўлга отландик. Ҳайдовчимиз Зокир аканинг айтишича, Навоий шаҳридан Зарафшон шаҳригача 250 км масофа йўл босишимиз керак. Ўртача тезликда юрсак 4 соатда манзилга етиб оларканмиз. Тўғриси, кечагина Тошкентдан Навоийгача қарийб 500 км масофали йўлни босиб келганимиз учун, аввалига, бу галги сафар бироз толиқтириб қўядигандай туюлди. Устигаустак, шу 4 соатни кимсасиз саҳро оралаб ўтиш зарур – йўлда томоша қилиш учун кум барханлари-ю саксовулдан бошқа ҳеч нарса йўқ...

Лекин илк таассурот алдамчи бўлади деганларидек, биз ҳам хулоса чиқаришга бироз шошибмиз. Аниқроғи, ҳамроҳимиз Низомиддин ака ҳақида унутибмиз. Низомиддин ака ижодкор, журналист одам. Касбининг тақозоси билан бутун комбинатда кирмаган эшиги қолмаган. Эҳ-ҳе, бу одам ўтган узоқ йиллик фаолияти давомида не-не раҳбарлар билан, комбинатнинг каттаю кичик ходимлари билан ҳамсуҳбат бўлмади дейсиз... Хуллас, бу одам Зарафшонга етиб борганимизча бизларни зериктирмади. Ижодкор эмасми, гапга жуда уста экан. Суҳбат пайрови қайси тарафга бурилмасин шу мавзуда соатлаб гапириши мумкин. Биз ҳам вақтдан унумли фойдаланиб, Низомиддин акадан НКМКнинг бутун фаолияти, тарихи ҳақида кўп нарсани билиб олдик. Бундан ташқари, ҳамроҳимиз йўлда учраган кон объектлари, ҳудуд номлари ва овуллар ҳақида ҳам алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтди. Бир сўз билан айтганда, мақсадимизга мувофиқ йўлда ўтказган вақтимиз ҳам бесамар кетмади. Тушгача навқирон Зарафшонга кириб келдик.

Зарафшон – ўз бағрига юз мингга яқин аҳолини сиғдирган каттагина шаҳар. Атиги,

эллик йиллар муқаддам бу жойларнинг чўлу биёбон бўлганига кишининг сира ишонгиси келмайди. Шаҳарга эндигина қадам қўйган одамнинг хаёлига биринчи келган ўй ҳам шу бўлади.

Зарафшон шаҳрининг тамал тоши 1965 йилда қўйилади. Шу йили кончилар учун бир нечта уй қурилади. Йиллар давомида бу посёлка кенгайиб, 1972 йилда Зарафшонга шаҳар мақоми берилади.

Ҳозирда шаҳар ҳар қачонгидан-да гуллаб-яшнаган. Шаҳарда аҳолининг эмин-эркин, сифатли ҳаёт кечириши учун барча шароитлар яратилган. Маданият ва спорт мажмуалари, кўнгилочар боғлар, замонавий супермаркет ва ресторанларни кўрган одам кичикроқ шаҳар учун бундай ҳашамдорлик нега керак экан деган хаёлга ҳам боради. Аммо бироздан сўнг шаҳар аҳолисининг ойлик моддий даромади анча юқори эканини эслаб, бу ҳашамдорликнинг сабабини англагандай бўласиз.

Зарафшонда бизнинг жамоани Марказий кон бошқармасининг матбуот маркази ходимлари кутиб олди. Тушлиқдан сўнг шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини айланиб кўрдик. Сўнг биз бошқарма фаолияти, хусусан, ўз меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўла олган ишчи-ходимлар билан таниша бошладик. Улар орасида Алишер Ҳамидов, Исрофил Жалилов, Мусо Комилов, Охунжон Носиров каби комбинатнинг фахри ҳисобланган ишчи-ходимлар бор эди. Шаҳарда қилган асосий ишимиз





шу инсонлардан интервью олиш, улар ҳақида тайёрланадиган эссе ва мақолаларга материал йиғишдан иборат эди.

Вақтимиз – тигиз. Маслаҳатлашиб, шу куннинг ўзида Учқудуқ шаҳрига жўнаб, тунни ўша жойда ўтказиш ва эртасига тонгдан Учқудуқ кончилари ҳаёти билан танишишга қарор қилдик.

## **ДУНЁГА МАШХҲҲР УЧҚУДУҚ**

Учқудуқнинг шон-шуҳратини фақатгина олтин ва уран конлари билан боғлаш адолатдан эмас. Зеро, ўтган асрда бутун дунёни ларзага солган “Учқудуқ” деган ном “Ялла” гуруҳининг шу номли машхур кўшиғидан таралади. Шу боис “учқудуқ” сўзини эшитган ҳар бир одамнинг ҳаёлига, аввало, Фаррух Зокиров ва “Ялла” гуруҳи келса ажаб эмас.

Зарафшондан Учқудуққача қарийб 100 км масофа бор. Биз бу йўлни бир ярим соатдан мўлроқ вақтда босиб ўтдик. Узоқдан шаҳар рамзи бўлган учта кудуқ ва савдо қарвони монументларини кўришимиз билан Учқудуққа етиб келганимизни англадик. Бу монументлар олдидан шунчаки ўтиб кетиб бўлмасди. Шу боис биз бу жойда тўхтаб, қарвон туялари билан суратга тушишга қарор қилдик.

Учқудуққа кириб келганимизда қош қорайган, шаҳарнинг рангин чироқлари ёқиб қўйилган вақт эди. Кун бўйи кон ва заводларда меҳнат қилиб чарчаган кончилар эса ҳордиқ чиқариш учун шаҳар бўйлаб оилавий сайрга чиқишган. Фавворалар, кўнгилочар савдо марказлари қаршисида йиғилган тумонат одам шўх кўшиқларга рақсга тушиб, ўйин-кулги билан банд эди. Шўх манзаралар оралаб борар эканмиз, кўп йўл юриб ҳориган танамиздан чарчоқ аригандай бўлди.

Шу кеча Учқудуқдаги “Кончи” сихатгоҳида кўним топиб, шинам ва қулай хоналарда мириқиб ҳордиқ чиқардик.

## **КОНЧИ ОИЛАСИДА УЧ ЭГИЗАК ДУНЁГА КЕЛДИ**

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси аъзоларининг бир-бири билан бўлган муносабатини кўрсангиз ҳавасингиз келади – ҳамма аҳил, бир-бирларининг яхши-ёмон кунларида доим елкадош бўлишади. Кимнингдир уйида тўй бўлса, ҳамма хизматга чопган, ҳатто раҳбар ходимларгача тўйбошидан хабар олиб туради: нима бор, нима йўқ, дегандай. Агар қайсидир ишчи хизматчининг уйида фарзанд туғилса, албатта, комбинат раҳбарияти номидан совға-салом, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиларкан.

Учқудуққа қилган сафаримизнинг илк тонгида мезбонлар Жаҳонгир Ибрагимов исмли 3-Гидрометаллургия заводи ишчисининг уйига борамиз деб қолишди. Сабабини сўрасак, Жаҳонгир бир эмас, нақ учта қизли бўлибди. Исmlарини пиру бадавлат бобо-бувилар Имона, Шукрона ва Ирода деб қўйишибди. Энг қизиғи, Жаҳонгир биринчи марта оталик бахтига эришганда ҳам жуфт фарзанд – эгизакли бўлган экан.

– Шукр, фарзандларимиз соғ-саломат туғилишди, – дейди бешта қизалоқнинг онаси Муборакхон. – Туғилган кунидан бошлаб комбинат биздан хабар олиб туришди. Аввалги эгизакларимиз дунёга келганида ҳам қўллаб-қувватлашган эди. Ҳозир катта фарзандларимиз боғчага кетган. Келишса, ҳар бири сингиллари билан ўйнаб ўтиришади.

Бу оила яшайдиган уч хонали уйга кирарканмиз, қандайдир бир файзни ҳис қилдик. Ҳақиқатан, бола кулгиси янграган уйда файзу барака бўлади. Фарзандларни кутлаб, қайтар чоғимиз ҳаммамизнинг дилимизда қизалоқларнинг онасига ҳавас билан қарадик: юзу кўзидан нур ёғилади, Аллоҳ таолонинг беш нафар қиз билан сийлаганини улуг мукофот билган Муборакхон уч бешик орасида ҳаммамизга ташаккурлар айтди.

## **ЎХШАШИ ЙЎҚ ЗАВОД**

Ибрагимовлар хонадонидан чиқиб мезбонлар билан дунёдаги ноёб мажмуа – 3-Гидрометаллургия заводига йўл олдик. Бу завод олтин олишдаги ноёб технологик хусусиятлари билан машхур экан. Яъни заводда олтин сульфидли маъданлардан бактериал оксидлаш орқали ажратиб олинади. 3-Гидрометаллургия заводи жаҳондаги ўзига муқобил саналган бошқа корхоналар орасида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича энг йириги ҳисобланади.

Биз бораётган завод Учқудуқ марказидан ярим соатлик йўл экан. Қизилқум чўли оралаб борарканмиз йўлда биргина жойда чўпонларнинг ўтову кўринди, холос. Яъни завод кимсасиз чўл бағрида қад ростлаган экан. Аммо заводга яқинлашиб борарканмиз чўлнинг инфратузилмаси тубда ўзгара бошлади. Тез орада адоғи уфққа туталиб кўринмай кетган улкан заводга яқинлашиб қолдик. Қўлимизда барча ҳужжатлар бўлса-да, заводга кириш осон кечмади. Бизни махсус постда ҳарбийлар обдан текширишди, сўнг ичкарига киришга рухсат беришди. Бизни заводнинг бош муҳандиси қарши олиб, завод бўйлаб қиладиган экскурсиямизга бошчилик қилишини айтди. Шундан сўнг завод бўйлаб ичкарилаб боравердик. Биринчи

бўлиб кондан олиб келинган рудани майдалаб берадиган бўлим фаолиятини кузатдик. Бу жойни ўзимизда тушунарли бўлиши учун тегирмонхона деб номладик. Бу ерда ақл бовар қилмас катталиқдаги улкан цилиндрсимон қурилмалар ичида руда майдаланар экан. Баландлиги тўрт қаватли уйдек келадиган ўнлаб бундай қурилмалар қулоқни қоматга келтириб юборай дейди. Руда бу жойда ундек майин ҳолатга келтирилади, сўнг махсус сув ҳавзасида тиндирилади, кимёвий аралашмалар билан тўйинтирилади. Кейин эса энг қизиғи бошланади – руда бактериал оксидлаш жараёнига олинади.

Албатта, олтин олишдаги бундай ғаройиб технологияга ҳар қанча таъриф бермайлик, унинг иш жараёни ҳақида батафсил ахборот бермайлик, оддий ўқувчи барибир бактериал оксидлаш технологияси нима эканини тўлалигича тушуна олмайди. Аммо озроқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун бу жараённи жуда содда шаклда, илмий услубдан чекинган ҳолда тушунтиришга уриниб кўраимиз.

Одатда, “анъанавий” услубда қазиб олинadиган олтин майда зарра кўринишида бўлади. Бунда олтин зарралари махсус элакка ўхшаш қурилма ёрдамида тупроқ орасидан ажратиб олинади. Лекин минг йиллар давомида олтин қазиб олинаверганидан бундай руда конлари захираси ҳам тугаб бормоқда. Аммо бошқа маъданлар, минераллар таркибида ҳали ҳам олтин кўп. Яна ҳам соддароқ айтганда, олтин зарраси бошқа бир металл заррасининг, масалан, миснинг ичида жойлашиб қолган. Бундай олтинни қурилмалар кўмагида ажратиб олишнинг ҳечам имкони йўқ.

Учқудуқдаги заводда эса сульфидли маъданлар ичидаги олтин бактериялар кўмагида ажратиб олинади. Яъни ўта майда тирик организмлар олтинни қоплаб олган минерал панжараларини “тишлаб”, “Ғажиб” парчалаб ташлайди ва тасаввур қилиш қийин даражада кичкина бўлган олтин заррасига йўл очиб беради. Бу, худди, данак ичидаги мағизни олиш кабидир. Бошқача айтганда, умуман ўзга бир моддадан олтин ҳосил қилинади. Қизиқ, завод муҳандисларининг бундай тушунтиришларидан сўнг афсонавий фалсафа тоши ёдимизга келди. Қадимда алкимёгарлар ҳам ҳар қандай моддани олтинга айлантириб берадиган фалсафа тошини излашган эмасмиди. Афсус, ўшанда улар тажриба жараёнида бактериялардан фойдаланишмаган экан-да. Шундай қилишганида мақсадларига аллақачон етган бўлар эканлар.

Экскурсия якунида келганимизни завод раҳбари Қаҳрамон Ғафуров ҳам эшитгани ва биз билан икки оғиз суҳбат қуриш ниятида эканидан хабар топдик. Шу заҳоти улар билан бўладиган суҳбат ошиқдик.

Қаҳрамон Ғафуров бизга завод тарихи, ҳозирда қилинаётган ва истиқболдаги лойиҳалар ҳақида қуйидаги маълумотларни сўзлаб берди:

1995 йили Учқудуқда бунёд этилган 3-Гидрометаллургия заводи мустақиллик йилларида юртимизда қурилган энг йирик иншоотлардан бири ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида завод бир неча марта модернизация қилинди ва ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Жумладан, 2018 йилнинг сентябр ойида завод мутахассислари изланишлари натижасида майдалаш цехи тегирмон блокларининг ишлаб чиқариш қувватининг иш унумдорлиги 10 фоизга ошди. Бу, хомашёни суткасига 20 минг тоннагача қайта ишлаш имконини берапти. Шу боис заводда ўтган йили маъданни қайта ишлаш йиллик қуввати 6,8 миллион тоннага етди. Ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 102,1 фоизни ташкил этди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан Навоий кон-металлургия комбинатида 2017–2026 йиллар мобайнида қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган дастурлар доирасида 3-Гидрометаллургия заводида ҳам истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. “Кўкпатас” ва “Даугистов” олтин конлари маъданларини қайта ишлаш технологиясини янада такомиллаштиришга қаратилган лойиҳа “Ўзгеорангметлити” институти ҳамда Германиянинг “Энгинеэринг доберсек” компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилди. Лойиҳа қиймати 114 миллион АҚШ доллар бўлган замонавий технологик мажмуа фойдаланишга топширилиши арафасида. Юқори технологик ечимларга эга ушбу мажмуа “Кўкпатас” ва “Даугистов” конларининг олтинга бой маъданларини гидрометаллургия заводида қайта ишлаш имкониятини янада оширади ҳамда кўшимча 150 та иш ўрни яратилади.

Буларни эшитиб юртимизнинг кончилик соҳасидаги салоҳияти жуда катта эканини, истиқболдаги лойиҳалар эса оламшумул бўлишини тушуниб етдик. Шундан сўнг заводнинг меҳнаткаш ва матонатли ишчи-ходимларига куч-қувват тилаб ортга қайтдик.

Шу куни биз “Кўкпатас” ва “Даугистов” конларини ҳам бориб кўрдик. Кун асрга қараб оға бошлаганида яна Зарафшон тарафга, аниқроғи, Мурунгов конига қараб йўл олдик (бу сафар ҳақида “Мурунгов ҳайратлари” номли мақолада ўқийсиз).

Шу билан Ўзбекистон фаҳри, дунёга машҳур Навоий кон-металлургия комбинатига қилган сафаримиз якунига етади.

**“Ёшлик” журнали  
ижодий жамоаси**



# ОСМОН ЕРТА ЯҚИН

**Б** улутларга ёндош улкан краннинг ойнабанд бошқарув қутисида телефон жиринглади. Башорат опа бир назар ташлади-ю, яна диққатини юмушига қаратди. Илгакдаги юкни катта темир ускуналар атрофида гимирлаётган уч-тўрт чоғли муҳандис ва ишчиларнинг имо-ишораси билан оҳиста силжитиб бўлақларни бир-бирига жамлади. Сўнгра муҳандиснинг “бир пас тўхта”, деган ишорасини жилмайиб қаршилади-да, ўзини эркин қўйди. Қўққисдан нотаниш рақамдан келган чақирқ ёдига тушиб, телефонига қўл чўзди. Ўйланиб ўтирмай, рақамга қайта овоз юборди. Уч йил бўлдики, нотаниш рақамдан келган кўнғироклар унинг юрагига қутку солади, қалбининг туб-тубига зирқиратиб оғриқ қўзғайди. Қизи Дилдора ва куёви Отабекнинг автохалокати ҳақидаги хабарни мана шу “кути”да эшитган, ўшанда бу кабина жудаям торайиб кетгандек туйилган эди. Унинг бағридан юлқиниб, ўттиз беш-қирқ метрлик баланд ва тор темир нарвондан қандай шиддат билан тушганини ҳамон ҳис қила олмайди...

– Алло!

– Света опа, бормисиз?! Шимолий кон бошқармасидан Лайло Каримоваман, – шўхчан овозда шошиб ўзини таништиради суҳбатдош.

– Ҳа, Лайлохон, узр, қизгин иш пайтида қўлим телефонга етмади, – кўнглига хотиржамлик туйган бўлса ҳам, овози титраб чиқди.

– Опа, унда сизни яна безовта қилмайин-да, мақсадга ўтайин... Эртага пойтахтдан ёзувчи-шоирлар келар экан, сиз ҳақингизда махсус мақола ёзишади, бир пасда юртга танилиб кетасиз... Шунга тайёр бўлиб келинг-а, Света опа?!

“Лайло ҳам, Света опа, дейишга ўтибди”, – ўй кечди ичидан. – “Исмларим ҳам кўпайиб кетди, ахир, бунинг ҳам ўз юки бўлса керак. Феъл-атворимнинг, кайфиятимнинг турфалиги шунга боғлиқмикин?!”. – Телефондан бақириб юборайин деди: “Света эмас, Севдо!”.

Хўжам ака ва Сабоҳат опа шу қизлари дунёга келганида, онасига уйқаш қилиб, Севдо деб исм қўйган эди. Замонасини қаранг, ўша кезларда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани оилабошининг қачон вақти бўлганида қишлоқ советидан олиб келаверган экан. Хўжам ака ҳам Севдо беш ёшга кирганида тўрт нафар қизалоғига бирданига гувоҳнома ёздириб келибди. Уйга келиб, қизлар ўзларига тегишли ном-нишонини англатадиган икки энлик ҳужжатни талашиб очиб қарабди. Севдо ўрнига Башорат ёзилган эмиш... На куларингни, на йиғларингни биласан?! Остона ҳатлаб чиққанингда сен эмас, ҳужжат тилга киради. Севдо шу соз мактабга чиқди-ю, Башоратга айланди. Аммо мактабдан, ишдан нарида Севдо бўлиб қолаверди. Учқудук – кўп миллатли шаҳар, бу ерга кўчиб келди-ю, яна Севдо исмидан айрилди. Ўрис қўшнилари тилига мослаб, Светага айлантиришди...

Исм-шариф ўзгараверар экан, бироқ инсоннинг қалбини, тақдирини, манглайининг ёзиғини ўзгартириб бўлмас экан.

Лаҳзада чувалашиб кетган хаёлларини жамлади:

– Лайлохон, мен ҳақимда ёзадими? – Бу “топшириқ” дан ҳангу-манг қолди. – Мен ҳақимда... Қайси кароматим учун? – Бу савол суҳбатдошнинг кулгисига сабаб бўлди, шекилли, гўшакдан жозибали “қаҳ-қаҳа” эшитилди. – Нимага тайёрланиб келаман? Бу баҳайбат девнинг устига адрас кўйлақда сув парисидек товланиб ўтиролмаман-ку...

Севдо бошқараётган улкан техникани ҳайбатли девга қиёс этади. У шу девнинг кўзларида яшайди. У билан гаплашади, дардлашади, баъзан йиғлаб ғамларидан сўйлайди. Хуллас, еру осмон ўртасида қалбини очиб-сочадигани шу улкан темир матоҳ.

Шимолий кон бошқармасига қарашли “Шарқий” кон бўлинмаси кран бошқарувчиси Севдо – Башорат Турсунова асли Самарқанднинг Пастдарғом туманидан. Оиладаги тўрт нафар қизларнинг энг эркаси, шўхи; йигитлардек абжири ҳам шу – сочлари кўнғирранг қизалоқ. Томдан сакраган ҳам, дарахт шохидан қулаган ҳам, отаси “маллавоийим”, деса энг аввал ҳозир у нозир бўладиган ҳам – Севдо. Оилада ўғил фарзанд бўлмагани боис ўғилнинг юки унинг елкасига тушар, картошками, пиёзми, қумми, қоплаб елкасига ортмоқлаб, ташиб қўяр, онаси Сабоҳат опа ортидан “ҳай-ҳай” лаб қоларди. Она-да, бундан йигирма йил аввал илк бор кран бошқарувчиси бўлиб, иш бошлаганида Сабоҳат опа қизининг ҳаётидан қаттиқ хавотирланган эди:

– Қизим, аёл бошингга бу иш оғирлик қилади-ёв, кел, шу таваккал ишингдан воз кеч! Кечалари уйқум қочса, сен ҳақингда ўйлайман, бундай баланддан боши айланиб тушиб кетмасмикин, деб...

Севдо волидасини ҳадикдан холи қилиш учунми ёки содда онасининг боладек ёлвориши дилини ёйдими, баланд овозда кулиб юборганди:

– Ҳа, энам-а, бунинг хавотирли жойи йўқ, томдан пастга қарагандек гап...

\* \* \*

Севдо ўрта мактабни, сўнгра техника билим юртини аъло баҳоларда тамомлади. Бир олам орзулар билан юраги ҳапқириб ўқишга ҳужжат топшириш учун пойтахтга жўнади. Тошкент политехника институти (ҳозирги Техника университети) да таҳсил олиш, келажакда ўзи танлаган соҳада етук мутахассис бўлиш орзуси бир

дам унинг қалбини тарк этмас, аксинча, бот-бот ҳаяжонга чулғайверар эди. Бироқ бу ҳаётда ҳамиша голиб бўлавермайсан! Севдонинг кўзлари намланди, иккинчи бор уриниши ҳам зое кетди... Шунда ҳам тушқунликка тушавериш керакмас, албатта, бошқа йўллар ҳам бахт кўчасига олиб чиқади. Сочлари қўнғироқ қизгина Самарқандга қайтди-ю, шаҳардаги “Красний двигател” заводига пармаловчи бўлиб ишга жойлашди. Асосан эр-йигитлар ишлайдиган заводда, уларнинг қаторида туриб, шахд билан меҳнат қилди. Баъзан заводдаги шовқин-сурон уни толиқтирар, кенг далалар бағрида баҳридили очилиб ҳордиқ чиқаргиси келарди. Ҳаш-паш дегунча ана шу шовқин-суронлар билан уч йил ўтибди. Севдо галдаги меҳнат таътилига ариза ёзар экан, Навоийнинг Малик чўлида оиласи билан тарвуз-қовун етиштириб юрган Гулнора опасининг хўжалигига боришни дилига тугиб қўяди.

\* \* \*

Адоқсиз дашту далалар... Чўлда кундузи кўёш қиздиргани билан офтоб ботар маҳал





салқин шабада елиб дилга ором беради. Полиз ўртасидаги одмигина чайлада тортилган қамиш деворларнинг тирқишларидан эсаётган елнинг саси сибизганинг куйини ёдга солади. Нега бунча мунгли? Нега бунча ҳазин? Нега бунча оромбахш?

Севдо офтобнинг ботишини узоқ кузатиб турди. Шу дам алвон қуёшни фарқ пишган тарвузнинг бир палласига ўхшатиб, хаёлида кечган ўйдан бир жилмайиб қўйди. Бехос нигоҳи тушган Гулнора опа синглисининг ўйчанлигидан бир нарсани уққандек бўлди.

– Нималарни хаёл сураяпсан, отамнинг Маллавойи? Йўқ-йўқ, савол беришда адашдим чоғи, кимни хаёл сураяпсан? – Бўрқситиб лой ўчоққа ўт қалаётган Гулнора опа гап тагидан гап отди.

– Опа, нималар дейсиз-а?! – Шафақнинг ранги Севдонинг юзларига кўчди. Кейин иккиси ҳам кулиб юборди.

Чирилдоқлар туннинг кўксини ёрай дейди. Ой ҳарир шуъласини оламга ёйган, юлдузлар жилваси тамомила ўзгача хисларни кўксингга тўкаётгандек туюлаверади. Ўқтин-ўқтин полизнинг узоқ-яқинидан чирсиллаган овоз эшитилади. Ширага тўйинган қовунлар тарс ёрилади. Неъматларини ширага тўйинтирган Эгам инсонни метин қилиб яратган. Одам дарду ўйлари, ғаму ғуссаларини кўтариб умргузаронлик қилаверади...

Қовун-тарвузни дала бошида палакдан узиб ейишнинг гашти ўзгача бўлади. Кейинги куни Навбахорнинг Арабсойидан полизга меҳмонлар келади деган бўлди. Гулнора опа Севдони бир неча бор тергади: “Сочингни турмакча! Эгнингни тўғрила! Янги қўйлагингни кийиб ол!”. Қизгина лолу ҳайрон:

– Опа, дашту далада атлас қўйлак кийиб, қовун-тарвузга ўзимни кўрсатаманми? – Қаҳ-қаҳ отиб кулади Севдо.

Чайлага сув сепилиб жой ҳозирланди. Тупроқнинг иси димоққа хуш урилди. Пайкал оралаб уч йигит юриб келди. Севдо меҳмонларга ўчоқ

бошидан ийманибгина салом берди. Меҳмонлар ҳол-авҳол сўрашиб чайлада чордона қурди.

– Севдо, чанқоқбосдига пайкалдан тилё-рар тарвуздан олиб чиқ! – Гулнора опа жўрттага баралла овозда синглисига буйруқ берди.

Қизгина полиз оралаб кетди. Йигитлар бири-бирига кўз уриштириб жилмайди. Қоши, кўзу киприклари тим қора, сочлари жингалак, барваста йигит ўрnidан сапчиб турди:

– Қиз болани ёлғиз юбориб бўладими? – Кейин ўртоқларига кўз қисиб қўйди. Апил-тапил чанг қўнса ҳам оҳорини йўқотмаган пойабзалини оёққа илиб Севдонинг ортидан жўнади.

Севдо йигитнинг нигоҳларидан ниманидир уққандек бўлди. Унинг узун тим қора киприклари ҳаяжонини ошкор қилиб қўярди:

– Фарқ пишган тарвузни хомидан қандай ажратасиз? – йигит дабдурустан савол берди.

– Мен деҳқон эмасман, таваккал, кўнглим буюрганини узиб оламан, – ажабланиб жавоб қайтарди қиз.

– Бир умр бирга яшайдиган турмуш ўртоғингизни ҳам таваккал танлайсизми?

Севдо гап нимада эканини энди тушуниб етди. Оёғи остидаги тарвузни шартта бандидан узиб олди-ю чайла томонга илдам юрди. Йигит елдай келиб, қизнинг қўлидан тарвузни юлқиб олди:

– Бу сизга оғирлик қилади!

– Тарвуз сизнинг саволингиз олдида анчагина енгил, – Севдо йигитнинг кўзларига боқмай жавоб берди.

– Мен Ўктамми, десам, мендан ҳам гапларингиз анча ўктам экан. Ўктам Темировичман, танишайлик!

Севдо йигитнинг кўзларига бир қаради-ю ичида аллақандай тотли титроқни ҳис этди...

Ўша куни қиз полизнинг энг ширин тарвузини танлабди...

Ўктам Бухоро педагогика институтини тамомлаб келиб, Навбахор туманидаги мактаблардан бирига она тили ва адабиёти фанидан дарс берар экан. Икки ёшнинг аҳду паймони билан барча тўйлар каби ҳали сарпоси, ҳали суруғи кам, деган ширин ташвишлари ортда қолиб, “данғир-дунғур” билан тўй бўлиб ўтди. Ўша паллада келинларга урф бўла бошлаган овропасон оқ либосда эмас, ял-ял товланиб, келинга кўрк берадиган ўзимизнинг султон атласда Севдо маликалардек келин бўлди. Оиланинг тўнғич фарзандига умр йўлдош бўлишнинг ҳам мазаси, ҳам масъулияти бўлади. Қолаверса, шаддодгина қизнинг бир кечада қаймоқдек қуюлиши осонми? Аммо Севдо ҳаётни англаган, ота-онасининг панду насиҳати, тарбия-



сини ўзига юқтирган, меҳнатдан, машаққатдан бўйин товламаган фарзанд эди. Арабсойда икки йил меҳрибон қайнота-қайнонасига хизмат қилди. Сўнгра Ўқтам Темировичнинг иши вилоят халқ таълими бошқармасига кўчди-ю, ёш оила Навоий шаҳрида ижарада яшай бошлади. Ижара уйда кун кўриш, чўғ устида яшашдек гап! Ижара ҳақи, тўловлар... Севдонинг бағрида икки ёш боласи – Дилдора ва Расул... Ўқтам кеча-ю кундуз меҳнат қилиб, ота-онасининг кўмаги билан амал-тақал бир хонали хонадон сотиб олишди. Сўнг бироз кўнгли тинган йигит болалигидаги орзусига эришаман, деб ички ишлар бўлимига ишга кириш учун ҳужжат топширди. Барваста, исми жисмига монанд ўқтам йигитни кўп ўтмай Учқудук шаҳар ички ишлар бўлимига ишга қабул қилишди. Қизилқум гултожи – Учқудук ёш оила учун бағрини очди... Чўлми, боғу роғ, тоғу тошми, қайда илдизинг маҳкам тутса, шу ерда дарахтдай яшаб, яшнаб кетар экансан?!

Севдо Учқудукда кўп қаватли уйларнинг бир хонадонига жойлашар экан, янги қўшниси Роҳатой опа, “хуш кўрдик”ка чиқди.

– Хуш келибсиз!

– Ассалому алайкум!

– Ва алайкум ассалом!

Қаердансиз, келинжон?

– Самарқандданман. Навоий шаҳрида яшардик, иш юзасидан бир-икки йилга кўчиб келдик.

Роҳатой опа мийиғида кулди.

– Яхши, жоним болам. Мен Бу-хороданман. Биз ҳам бир-икки йил яшаймиз деб Учқудукқа келгандик, мана йигирма йилдирки, бу жойни ташлаб кетолмаяпмиз...

Ўша даврларда мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликлар барчанинг ҳаётига, оилаю рўзғорларга из қолдираётган эди. Маошлар тортилар, чўғи камдек туюлар, ҳаёт юки ортилган аравани тортишда киши



оқсарди. Қолаверса, Севдо фарзандлари Дилдора ва Расулни болалар богчасига бериши зарур эди. Турмуш ўртоғи билан келишди-ю, билим юртидан олган дипломи ва меҳнат дафтарчасини қўлтиқлаб Тоғ-кон техникалари жиҳозларини таъмирлаш цехига борди. Кадрлар бўлими мутахассиси обдон ҳужжатларга қараб чиқди.

– Башорат Турсунова, сиз пармаловчи бўлиб ишлаганмисиз?

– Ҳа!

– Қиз бола бошингизга оғирлик қилмаганми?

– Йўқ!

Севдо қисқа фурсатда мазкур цехнинг фаол ишчисига айланди. Бегона жамоага тез сингиб кетди. Венера опа, Жулдуз, Шура опалар билан туғишгандек опа-сингилга айланди. Албатта, пармаловчи бўлиб ишлаш аёл киши учун оғир: саккиз соат ускунанинг олдида тик туриш, унинг қулоқни қоматга келтирадиган суронига бардош бериш, кечқурун уйда фарзандлар тарбияси, уй-рўзғор юмушларини бажариш кишини толиқтиради. Айниқса, болаларнинг шамоллаб, иситма қилган дамларида бу юк, хавотир янада ортар,

баъзан “дод”, деб юборгиси келади. Шундай пайтда Ўқтам Темирович Севдога далда бўлади. Адабиёт муаллими мутахассиси эмасми, баъзан мана шундай баралла шеър ўқийди:

*У алвон лоззорни  
жуда-жуда кўрар хуш.  
Балки қирмиз лолалар  
ранг олгандир қонидан.  
Жилмаяди бағоят  
тушида ҳам бояқиш.  
Кўзини юмиб ўтар  
гул дўкони ёнидан.*

*Фалак шундай камсукум  
этган соҳибжамолни.  
Бир завқига минг бир байт  
булбул тўқир қасида.  
Қобирғамдан яралган,  
десанг маъсум аёлни  
Асра уни то ҳаёт  
қобирғанг орасида.*

2002 йилнинг бошида Шимолий кон бошқармаси кран бошқарувчилиги учун ўқув курсларини ташкил этди. Севдо ушбу олти ойлик ўқув курсида ўқиб тажриба орттиришни дилига тугди-да, машғулотларга қатнай бошлади. Саккиз соатлик иш вақти, ундан сўнг икки соатлик машғулотлар ундан сабр-матонат, ирода,



куч-қувват, шижоат талаб қилди. У мақсадни мустаҳкам қилди. Тушлик дамларида бўш қолган кранларга яшириниб чиқар, вужудидаги ҳадикни энгиш учун баландликдан ерга боқиб, руҳини тобларди. Ўтмаган кун, битмаган яра борми? Бари ортда қолди. Мана йигирма йилга яқин муддат бўлибдики, митти инсоннинг ақлу закоси билан бунёд бўлган улкан ғаройиб темир махлуқот унинг дўсти, сирдошига айланди. “Шарқий” кон бўлинмасига келадиган бурғуловчи ускуналарни тузатади, вагонларга ортади, туширади. Улкан булдозер ва эксковаторларни жамлайди. Биз у ноёб техникаларнинг суратини кўрганмиз, холос. Карерда кеча-кундуз тиним билмай ишлайдиган бу темир махлуқларнинг ҳар бири етти вагонга жой бўлади. Қизилқум бағридан маъданга бой тошу тупроқларни кавлаб, юк машиналарга жойлайди, улкан тоғ қилиб уяди.

Севдо ўз ишининг ҳадисини олган, ҳайиқмайди, жасорат билан меҳнат қилади. Эл-юрт корига яраётганини кўз-кўз қилмайди. Оқ кўйлак, қора юбкада ишга келмайди. Нозик кафтларини бошқарув тутқичлари қадоқ қилиб юборганини оламга ёймайди.

\* \* \*

– Меҳнатинг жуда оғир-да, болам, – дейди Сабоҳат опа Севдонинг пешонасидан ўпар экан. – Йўл узок, сал дам олишга имконинг бўлса, ҳориб мени кўргани келасан-а... Шунинг учун айтаман-да:

“Бир қизим қошимда-ю, ўзи Қаршида,  
Бир қизим Қаршида-ю, ўзи қошимда”.

Севдо онасининг сўнгги кунларигача вақт топди дегунча ёнига ошиқди. Онаизорни ўғлим йўқ, деб ўксинмасин, деди.

Ҳаёт ўз ҳукмини айтаверади. Инсон олтинмиди, зеб берса яшнаверади. Қарийди, қартаяди, кейин эса чиптачидек паттани қўлга тутқазиб равона қилади. Ота-онасидан кейин Севдо ишга янада қаттиқ боғланди. Турмуш ўртоғи билан фарзандларининг таълим-тарбиясига катта эътибор қаратди. Қизи Дилдора тиббиёт коллежини тамомлади. Суқсурдек қиз бўлди, эшик қоқиб келувчиларнинг кети узилмади. Бир куни бахт дарвозаси ланг очилди. Отабек Кумушга кўнгил боғлаганидек, Дилдоранинг Отабеги уни севди, ардоқлади. Яшасам, сен-ла яшайман, ўлсам, сен-ла ўламан, деди. Олийгоҳда бирга таҳсил оламиз, Қизилқумнинг сиру синоатларини очамиз, саҳрони бўстон, юртни гулистон қиламиз деб аҳду паймон қилди. Оқ ҳарир либосда келин қилиб олиб кетди. Хокисор онаизор Севдонинг севинч ёшлари қалқиди. Кўп ўтмай яна севинди: Дилдора

“юк кўтарибди”. Яна қувонди: Қизи ва куёви Навоий кон-металлургия институтига ҳужжат топширибди... Бир куни барча шодликларинг юлиб олса, кўнглингни нимталаса, улкан синовларни бошингга парвона айласа, яшатиб ўлдирса, ичингга ўт кетса, киприкларинг ёш кўрмай йиғлар экансан.

Институтга кириш имтиҳонларини топшириш учун йўлга чиққан етти ойлик келин-куёв – Отабек ва Дилдора мудҳиш автоҳалокатга учраб нобуд бўлибди, деган хабар еру кўкни ларзага солди. Қизилқум бошдан адоқ ловуллаб ёнди. Олам бир тутам бўлиб қолди, Севдо кукунга айланди...

Энг аччиқ малҳам ҳам, энг тотли малҳам ҳам вақт экан. Юпанч ҳам, далда ҳам вақт экан. Одамга берилган ирода, бардош Севдо бошқараётган эллик тонналик улкан темир махлуқотда ҳам йўқ экан. Ҳаёт экан, тақдир экан... Наилож?! Севдо ҳамон бир куни Дилдора Отабек билан остона ҳатлаб кириб келади деган ўй билан яшайди...

Саҳрода ҳам баҳор ўзгача тароват билан келади. Саксовуллар, юлғунлар куртак ёзади. Қовжираган чўл майсалари ўрнида яна яшиллик югуради. Ҳаёт уйғонади, умр жонланади. Севдо ва Ўктам ака меҳнати эвазига олган замонавий услубда қад ростлаган намунали ҳовли-жойида қувонч қулоч ёзади. Севдонинг қабатыда, “Шарқий” кон бўлинмасида бурғуловчи бўлиб ишлаётган ўғли Расулжонга муносиб ёр, қайнона-қайнотага суюкли келиннинг чеҳрасидан бахт уфуради... Ўктам Темирович маҳалла раиси сифатида тонгдан идорага шошади. Севдо эса туя ўркакчидек сунъий тоғлар оралаб, олис-олисдан чорлаб турган бир кўзли дев дўсти билан диллашгани йўлга тушади...

\* \* \*

Мухбир Шимолий кон бошқармасининг “Шарқий” кон бўлинмаси кран бошқарувчиси Башорат Турсуновага сўнгги саволини берди:

– Севдо Хўжамовна, касбингиз тақозоси билан кун давомида осмон ва ер ўртасида гўё муаллақ, кабинада ёлғиз ишлайсиз. Бўш қолган дамларингизда хаёлингиздан нима кечади?

– Осмон Ерга бунчалар яқин, деган ўй кечади. Дарҳақиқат, Осмон Ерга яқин...

Севдонинг кўзларида ёш қалқийди. Бу кўз ёшларда барчаси қоришиқ: армон ва изтироблар, шодлигу шукроналик...

**Фахриддин ҲАЙИТ**

# ЮРТ РАВНАҚИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ ТҮЙИБ

**Ж**онажон Ўзбекистонимизда рўй бераётган янгиланишлар шиддати дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотиб, қўлга киритилаётган натижалар юксак эътироф қилинмоқда. Бугун юртимизда ислохотлар кириб бормаган соҳа қолмади. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфасига қўшилиб, одамлар тафаккури, дунёқарши ва ҳаёт тарзи ҳам ўзгармоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган эзгу ғояси замиридаги юрт равнақида дахлдорлик ва ватанпарварлик ҳисси халқимиз ҳаётининг маънавий асосига айланиб, жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи кучга айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли бугунги ёшлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, инновацион ташаббуслари, ғайрат-шижоати, эришаётган ютуқлари билан Ватанга муносиб, садоқатли фарзандлар бўлиб етишмоқда.

Юртбошимиз ташаббуслари билан Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантиришнинг 2026 йилгача мўлжалланган иккита дастури қабул қилинди. Унга кўра, 27 инвестиция лойиҳаси учун 3 миллиард 63 миллион АҚШ доллари сарфланади. Бу лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида улкан корхонада қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ошади ва 31 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

2017 йил 28 мартда Президентимизнинг Навоий вилоятига ташрифи чоғида дастурдаги йирик лойиҳалардан бири – “Ауминзо-Амантой” кони негизда 5-Гидрометаллургия заводи барпо этишга бағишланган маросимда рамзий тугмани босиб, қурилишга старт берди. Умумий қиймати

396 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа йилига 5 миллион тонна рудани қайта ишлаш, 5 минг 300 га яқин иш ўрни яратиш имконини беради. Бундай йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши минглаб оилалар, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг турмушини фаровон қилишга замин яратади. Айни пайтда Зарафшон воҳаси улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Режалаштирилган лойиҳалар орасида “Пистали” конини ўзлаштириш, 6-Гидрометаллургия заводи қурилиши, 2-Гидрометаллургия заводи қувватларини ошириш, “Мурунгов” кони 5-навбатини ишга тушириш, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш борасида 7-Гидрометаллургия заводини барпо этиш каби лойиҳалар бор.

Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларга ўз интилиш ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, жамият ва давлат ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун яратилган имконият – юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий устувор мақсадларидан биридир.

Шуни фахр билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон саноатининг байроқдори – Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнат қилаётган 16 минг нафардан ортиқ ёшлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозирги кунда замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ғайратли ва шижоатли, интеллектуал салоҳиятли, ватанпарвар ёш кадрларга корхоналар бошқарувида муҳим вазифалар ишониб топширилмоқда. Улар комбинатни ривожлантириш доирасида олиб борилаётган барча ишларда ташаббускор, ҳар бир масалага янгича ёндашувлари

билан ажралиб туради. Комбинатда фаолият олиб бораётган ишчиларнинг ўртача ёши 37 ёш бўлиб, уларнинг 32 фоизини 30 ёшгача бўлган раҳбар ва мутахассислар ташкил этмоқда.

Интилувчан ёшларимиз эса ўзларининг инновацион ғоя ва ишланмалар, рационализаторлик йўналишидаги ишлари юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшиш учун тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иқтисодий тежамкорликка эришиш учун доимий изланишлар олиб бориш, ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион ишланмаларни жорий этиш талаб этилади. Жорий йил бошида “Яхши инновацион ғоя ва рационализаторлик таклифи” танловининг ўтган йилги якунлари сарҳисоб қилинди. Танловда 32 нафар ёш мутахассис олтин ва уран ишлаб чиқариш технологиялари, кон ишлари, механика, энергетика, автоматика, транспорт соҳаларида татбиқ қилинган 45 та рационализаторлик таклифлари баҳоланди. Таъкидлаш жоизки, бу таклифлар 9,7 миллиард сўм иқтисодий самара бериши кутилмоқда. Бугунги кунда келажакимиз эгалари бўлган ёшларни бу йўналишга янада кенгроқ жалб этиш, иқтисодий жиҳатдан самарали таклифларни янада ошириш мақсадида комбинатда рағбатлантиришга қаратилган янги Низом кучга кирди. Комбинатимиз ёшлари 2018 йилда устозлари билан ҳаммуаллифликда ишлаб чиққан 187 та рационализаторлик таклифлардан 44 таси комбинатнинг жорий йил учун маҳсулот таннархини камайтириш Дастурига киритилди ва улардан 130 миллиард сўмдан кўпроқ иқтисодий самарага эришиш мўлжалланмоқда.

Комбинатимизда ўзининг ҳалол меҳнати, изланиш ва интилишлари билан нафақат кўпминг кишилиқ корхона жамоаси, балки эл-юртнинг хурмат-эътиборини қозонаётган ёшлар сафи кенгайиб бораёпти. Уларнинг хизматлари “Ёшлар куни” арафасида давлатимиз раҳбари томонидан муносиб тақдирланмоқда.

2018 йилда Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси электрчилангари Истам Қудратов ва жорий йилда эса Тармоқлар ва нимстанциялар цехи муҳандиси, ёш ихтирочи Давронбек Намозов “Мард ўғлон” Давлат мукофотиغا сазовор бўлишди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, комбинат ёшларидан сўнгги йилларда спорт йўналишида Зария Қосимова, Ирода Жуманова, Дилноза Камолова ва Маҳлиё Манноновалар Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлишгани ёшларимизнинг катта ютуғидир. Қолаверса, Хусан Қўлдошев, Достон Қосимов, Феруз Останаев, Нажмиддин Умаров сингари иқтидорли ёш спортчиларимиз халқаро ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда совриндорлар қаторидан

ўрин олган бўлсалар, акаунка Вайсин ва Вас Жубановлар жорий йилда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган халқаро бахшичилик фестивалида фахрли ўринларни эгаллашди.

Юртбошимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш юзасидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус комбинат ёшлари ўртасида кенг қулоч ёймоқда. Комбинат ёшлари ишлаб чиқаришда ўзларининг билим ва иқтидорларини намоён этиш билан бир қаторда спорт, мусиқа, санъат, маданият, адабиёт, ахборот технологиялари, китобхонлик каби соҳаларда ҳам катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланган бешта муҳим ташаббус комбинат томонидан мазкур йилда ташкил этилган “Ёшлар куни”нинг бош мавзусига айланди. Навоий шаҳридаги “Сўғдиёна” булвари ва “Фарҳод” маданият саройи майдонларида уюштирилган ёшлар сайли, ранг-баранг жонли мусиқий чиқишлар, спорт ўйинлари, тасвирий ва амалий санъат танлови, театрлаштирилган сахна кўринишлари, заковат, зукко китобхон, компьютерда беллашувлар, тадбиркорлардан томонидан мастер-класслар ҳамда роботлар жангининг ташкил этилиши ёшлар байрамига ўзгача тароват бағишлади. “НКМК тарихи” музейида бўлиб ўтган мушоирада ёзувчи ва шоирлар билан бир қаторда комбинат бўлинмаларида меҳнат қилаётган ҳаваскор шоирлар ҳам ўз ижод намуналари билан иштирок этдилар. Таниқли адабиётшунос А.Холмуродов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари О.Ҳотамов, Ш.Шерназар каби таниқли ижодкорлар қаторида Ш.Аббосов, Г.Турдиқулова, Б.Ғаниев, Ф.Худдиев, Ш.Сулаймонова каби ёш ижодкорларнинг инсоний туйғуларни самимий сатрлар орқали ифода этган шеърлари адабиёт ихлосмандларига манзур бўлди.

Бугун бутун мамлакатимиз катта қурилиш, бунёдкорлик майдонида айланди. Юртдошларимизга орзу-ҳаваслар қайтмоқда, фахр-ифтихор шодлик ва қувонч қайтмоқда, уларнинг диллари ва тилларида шукроналик ҳисси ҳукмрон. Ўзбекистондек жаннатмонанд юртда, жаҳонда олтин ишлаб чиқариш бўйича кучли ўнналикка кирувчи корхонада ишлаш – ҳар бир комбинат ходими учун юксак шараф. Ёшларимиз буни жуда яхши билишади ва теран ҳис қилишади. Демак, комбинатимиз ёшлари бундан буён ҳам Ватанимиз равнақи, фаровонлиги ва дунё ҳамжамиятидаги ўрнини юқорига кўтариш йўлида янада баракалироқ меҳнат қилишга интилишади.

**Санжар РАЖАБОВ,**

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
НКМК ёшлари етакчилари Кенгаши раиси*





Одил ХОТАМ

## Афсоналар сўйлар ҳар тун саксовул...

\* \* \*

Вақт кўклам шаклида, чечак шаклида,  
Кўзга, кўнгилларга солганча гулув –  
Ўкинчли, ўткинчи умр шаклида,  
Қалдирғочлар сайрар Валфажр – сулув.

Булутлар бешигин аллалар шамол,  
Уфқда тилга кирар чақмоқлар сўзи.  
Олис масофалар очади жамол,  
Ёришиб кетади турналар кўзи.

Етти қат замину етти қат осмон,  
Аро қуёш ҳамон бошлар йўлини.  
Дўзах оловида қуяди гумон,  
Одам бир-бирига тутар қўлини.

\* \* \*

...Қуюнларда сароб чирпирак,  
Муаррихлар қолади доғда.  
Уфқ ортида янғрар гулдурак,  
Булутлар ҳеч кутмаган чоғда.

...Қора оқшом – насиясиз баққол  
Тингламайди кунлар арзини.  
Кўнгил билан кўрасан яққол,  
Тўлин ойнинг ёриқ – дарзини.

...Руҳиятинг элитар уйқу,  
Ажратолмай қоласан рангни.  
Улашасан барчага улғу –  
Тонг аталмиш олий жарангни.

...Фаслларнинг фарқи йўқ, балки –  
Кўксинг аро титраган пурғам –  
Оний лаҳза кетади қалқиб –  
Олтин кузми ва ёки кўклам.

...Минорлардан силқиган сурур –  
Оралайди боғни, гулшанни.  
Дов-дарахтлар бари бўлиб жўр  
Куйламоққа бошлар Ватанни...



\* \* \*

Қизилқум комига тортган карвонлар,  
Чирчирак бўлгандир саноксиз овул.  
Барханлар – уфққа кетган нарвонлар,  
Афсоналар сўйлар ҳар тун саксовул.

Дарёлардан олис, хаёлдан холи,  
Тиллога айланиб, чорлаган сароб.  
Бойлик васвасасин аянч аҳволи –  
Ном-нишонсиз кетган – йўқ хоки туроб.

Кимни йўлдан урган шайтони лаин,  
Боболар жадваллар тузган мукамал.  
Бани башар йўлдан озгани сайин  
Дороларга бу жой кўринган зарҳал.

Авлоддан авлодга ўтган эртақлар,  
Зулм-истибдоднинг занжирларида.  
Одамзодни доим қанча эрмақлар,  
Паҳлавонлар ҳануз ернинг қаърида.

Тузумлар... Тизимлар... Амирлар... Шоҳлар,  
Не-не хуфяларнинг олган жонини.  
Хиёнат, лаънатлар, чекилган оҳлар,  
Вақт санаб улгурмас устихонини...

Замонлар шиддати билмагай тиним,  
Миллат орзулари топмагай завол.  
Кунлар тартибига қўйилар ўктам,  
Олтин ҳақидаги азалий савол.

...Ёруз келажакка чорлаган толе –  
Чекимга тушгансан – мангу маҳримсан!  
Халқлар дўстлигининг метин тимсоли –  
Ноёб комбинатим – чексиз фаҳримсан!..

\* \* \*

Фалакларда қарсиллар чақмоқ,  
Борлиқ яна келар жумбушга.  
Қир пойида чечаклар бодроқ,  
Оқ ўриклар киргайдир тушга.

Бу дунёга бир лайли наҳор –  
Беҳудага келмаганимни...  
Бошим силаб қадрдон баҳор,  
Ўргатади билмаганимни...

## УЛАР СУРАТ ЭМАС...

Фотограф Абдуғани Жумаев  
устахонасида

...Ҳайитгул даштидан эсган шабада,  
Тортқилаб ўйнайди гулдор пардани.  
Янги минг йилликка – сирли сабода –  
Учтут енгиб ўтган не-не зарбани.

...Чингиз Аҳмаров бу... етти гўзал – ишқ –  
Нигоҳи мойбўёқ матода қопмиш.  
Мирзо Улуғбекка санчилган қилич –  
Одил Ёқубовнинг кўксига ботмиш.

...Узлатга чекинган хокисор Орол,  
Балчигидан қолган тупроқ кўмган тўр.  
Бердақ мақбараси шафақлардай ол,  
Халқим кўз ёшидан замин топган шўр.

...Тоглар ўнгўрида қорлар, наъматак,  
Тошкент боғларида авжланар базм.  
Болалар давраси... Тотли сумалак,  
Карнай-сурнайларда азалий назм.

...Ху оппоқ булутга орзу ортилган,  
Излаганин топган Баҳодир Йўлдош.  
Уфқдан уфққа таранг тортилган –  
Камалакдан чиққан Акмал Нур – қўлдош

...Қизилқум бағрида юрган ҳар одам,  
Завра онамиздай дилда соф ният.  
Гурловуқда ўсган ёввойи бодом,  
Ҳар тонг тилар Сизга аъло кайфият.

...Сармишсойдан азал мозийни изла,  
Вужудингга титроқ – чақмоқ ўрмалар.  
Улар сурат эмас, уммонлар узра,  
Мангулик сафарга чиққан кемалар...





\* \* \*

Вақт дарахтин пўстидир йиллар,  
Тарих ўзи гувоҳ, шаҳодат.  
Хотиротнинг дўстидир йиллар,  
Миноралар – боқий риёзат.

Лаҳза – туйнук мангулик сари,  
Вақеликка қора тун – ғилоф.  
Имкон йўқдир имкондан нари –  
Эътиқодга эмасдир хилоф.

Тонг сийлагай юзин музтарнинг,  
Сардафтарин варақлар қуёш.  
Косиб, кулол ва чилангарни –  
Алқагайдир бўронлар дилдош –

Тутқич бермас замонлар зайли –  
Бошлар узра тафаккур байроқ –  
Кўнгил – бовбон, туйғулар сайли –  
“Лазги” – раққос кўлида қайроқ –

Пўртаналар тилида такрор –  
Тирикликка йўқдир иштибоҳ.  
Юрак билсанг мукамал иқрор  
Барчасига ўтмишдир гувоҳ.

Замин, осмон – мозий дояси,  
Эҳтиёжлар онаси тугал.  
То бор экан илм сармоясини –  
Ечилади ҳар қандай чигал.

...Вақт дарахтин пўстидир йиллар,  
Тарих ўзи гувоҳ, шаҳодат.  
Хотиротнинг дўстидир йиллар,  
Миноралар – боқий риёзат.

## МУЗЕЙДА

Вақт тўхтаб қолмаган бунда,  
Бу жой оддий манзилдир, холос.  
Милярд ёшли оқ соч очунда  
Буюмлар бор мангуликка мос.

Кунлар бежаб кўяр таърифин,  
Хотирот бор – сарҳадсиз уммон.  
Бунёдкор халқ улуг тарихин,  
Келажакка етказгай омон.

\* \* \*

Акмал НУРГА

**1.** Замин... Қуёш... Кенг осмон...  
Икки вужуд – икки жон.  
Ҳаёт – азалдан тирик,  
Ўртада туйғу – шамдон.

Зиёсида келажак,  
Орзуларга тўлажак  
Қаршингизда минг йиллик  
Асрлари кулажак.

Капалаклар қаноти,  
Зил армонлар ҳаёти.  
Бошланади ишқ билан  
Инсоният баёти.

Бир боқсанг дил – харсангтош,  
Ки ундан оқар кўз ёш.  
Қуёшдан кейинги ишқ,  
Ишқдан кейинги қуёш.

...Замин... Қуёш... Кенг осмон...  
Икки вужуд – битта жон.  
Ҳаёт – нур билан тирик,  
Ўртада туйғу – шамдон.

**2.** Мусаввирлар алмашаверар,  
Алмашади қил қаламлар ҳам.  
Уйғоқ ранглар ташланаверар,  
Улар ризқи орзу билан жон.

Олис тарих, мозийлар мушки,  
Булутларки оқар рангсиз, сур.  
Тинч кўймагай камалак ишқи,  
Камолиддин Беҳзод, Акмал Нур.

Забт айлагай кўнгилни, кўшкни,  
Қилқаламдан силқиган наво.  
Гул-муҳаббат тўхфасини – мушкни,  
Келажакка йўллайди ҳаво.



\* \* \*

Сўз шаклида кўринар дунё –  
Мантиқ, тўхтам, тиниш белгиси.  
Сочилгани сари нур, зиё,  
Мунофиқнинг қистар кулгиси.

Тову тошда, чўлу саҳрода  
Ҳаётга боқ – чайир ҳикмат жам –  
Асрлардан келар пиёда  
Китобларки буюк, муҳташам.

Одамзодга эмас илова,  
Даҳоларим – асл иймон, нур.  
Ҳамон собит минор, сардоба –  
Бахтимизга бор бўл, тафаккур.

\* \* \*

Унутилган умрми – сандон,  
Тақдирми бу ё аччиқ – тизиқ.  
Имконлардан ташқари имкон –  
Пешонага тортилган чизиқ.

Вужуд аро мусофир туйғу,  
Қай эшикка ураётир бош.  
Қизғиш шамол – уфқдан бурғу –  
Саҳроларни тўзғитган бардош.

...Кўнгил – уммон, тунлар – хўрсиниқ,  
Қизғалдоқлар – шафақ элчиси.  
Ой ўроғи бунчалар ёниқ,  
Қайдан келмиш райҳонлар иси...

Узрлардан қаварган тилми,  
Товонлардан зада узун йўл.  
Ўртар ахир, озурда дилни  
Сандонларга бераётган қўл...

\* \* \*

Табиатнинг ўзи буюк мусаввир,  
Зумда илғаб олар ҳар товуш, унни.  
Чилтор, қилқаламда этади тасвир –  
Ёмғир шивирига беланган тунни.

Нафасида ҳаёт, оҳларида куй,  
Одам нигоҳига муштоқдир жуда.  
Минг бир тус рангларни қалбинг билан  
туй,  
Беканор бўронлар тортар осуда.

Қанотлари ҳорғин ҳар битта дамга  
Чашма, булоқлардан сув келтиради.  
Тўрт томондан кўзгу тутиб одамга –  
Ўзини ўзига таништиради.

Кўпирган ҳадиклар исканжасида  
Қамалдан чиқолмай ҳалакдир вужуд.  
Не тонг, одамзоднинг беш панжасидан –  
Бунёдкорлик балқир, барқарор субут.

Мен ҳам табиатнинг битта зарраси,  
Ҳар лаҳза у билан оламан нафас.  
Ўткир шуғлаларнинг тиги, маррасин  
Кўзлайди кўксимдан ўрлаган ҳавас.

...Унутмайман асал то танда жон бор –  
Абадият сари кетган нур – йўлин –  
Асрларки дадил тутганча чилтор,  
Ҳамон қилқаламга узалган қўлни...

\* \* \*

...Сенга таскин парча оқ булут,  
Вужудингда изнсиз титроқ,  
Дарз кетмаган шишадай субут,  
Ут ёқишга улгурмас чақмоқ.

...Хаёллар-ку, азалий, барҳак,  
Туйғусизлик баридан қийин.  
Ким кузатар булутни илҳақ,  
Ким шеър ёзар минг йилдан кейин.



# ХОСИЯТЛИ КУНЛАР САОДАТИ

**М**асжид олдидаги серсоя тут дарахтини ким экканини бегаму беташвиш болалар билмайди. Аслида бу саволга жавобни ўз шавқу шодонлиги билан югуриб юрган норасидалар англашга ошиқмайдилар ҳам. Онадек меҳрибон, танасига қулоч етмайдиган маъсум дарахт япроқлари шивирлаб шамол билан, қушлар билан сирлашади. Саратоннинг қайноқ кунларида меваси фарқ пишганида борини борлиққа ҳада этади. Болалар ҳам, қушлар ҳам чуғурлашиб, табиатнинг саховати, энатутнинг меҳридан баҳраманд бўлади.

Бир тўп болалар орасидаги қошу кўзи уйқаш акаука – Алишер ва Эркин масжид орқасидаги чоғгина ҳовлида яшайди. Ерга урса, осмонга сапчийдиган тойчоқлар қишлоқнинг энг тошқайнатар, шўх болаларидир. Шўхлигу шаддодлиги бир олам, аммо мактабда аъло баҳоларда ўқийди. Тоғай ака бу икки фарзандини талтайтириб юбормаслиги учун уларнинг ўқишини, ўқишдан бўш вақтида мол-ҳолга ем-хашак бериш, сув тутиш, оғилни тоза сақлаш, яйловда мол боқиб келиш юмушларини назорат қилиб туради. Аммо бола учун ўйинга ҳамиша вақт топилади. Ёз кунини футбол, қиш кунини хоккей... “қий-чув”га тўлиб кетади олам-жаҳон.

Қаҳратон қиш кунлари поёнига етай деб қолган пайтлар. Бир кунини ширин мудроққа кетган энатутнинг тагида қишлоқ болалари тўпланишиб, ташландиқ кўл устида навбатдаги хоккей баҳсларини ўтказишни келишиб олди. Энатут уйқуда ҳам шу жужуқларга меҳрибонлик қилади. Билакдек йўғон шох-шаббалар хоккей таёғи учун зўр даста бўлади.

Бу галги ўйин охирига етмай яқун топди. Изғирин совуқда, янада синовли, қайғули ниҳоялади. Яхшиямки, кўл саёз, акс ҳолда бахтсиз фожиага айланарди. Болалар “қий-чув” билан хоккей ўйнаб турган маҳалда, музли майдон дарз кетди-ю парча-парча бўлиб ёрилди. Аччиқ совуқда болалар бели, кўкрагига сувга ботиб қолди. Ҳамма ваҳимага туша бошлади. Сўнг барчаси бир-бирига қўл тутиб, ҳавза ўртасида совуқдан оёқ қўли қақшаб, мадори қуриб қолган дўстларни тортиб олди. Дўсти Нарзи Али-



шернинг укаси Эркинни сувдан чиқариб олишда қанчалик куюнчаклик қилганини ҳамон илиқ хотирлайди. Инсон баъзан болаликдаёқ ҳаётнинг сабоқларини, илиқ ришта ва эзгу фазилатларини англайди. Шу-шу Алишер дўстлик аталмиш неъматни қадрлайди...

Тоғай ака ҳарбий хизматни Украинада ўтаган. Кўнгил, унинг озуқи муҳаббат миллат танламайди: навқирон аскар хушрўй украин қизи Клавдияни бир кўрганидаёқ ошиқ бўлиб қолган. Аҳдини маҳкам тутиб Работқозига олиб қайтган. Бу жуфтликдан икки ўғил, бир қиз дунёга келган. Алишер – Тоғай ака ва Клавдия опанинг тўнғич фарзанди. 1969 йили Бухоронинг Фиждувон тумани Работқози қишлоғида туғилган. Тоғай ака уста қурувчи, Клавдия Ивановна қурилиш корхоналарида бир умр ҳисобчи, кадрлар бўйича мутахассис бўлиб ишлаган.

Болакай мактабда ўқиб юрган кезларида ўзбек-тожик тиллари билан бир қаторда онаси ёрдамида рус тилини ҳам яхши ўзлаштириб борди. Теннисга меҳр қўйди. Спортни жон-дили билан суйгани учунми, келажакда ҳарбий бўлишни кўнглига туйди. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги авиация олий ҳарбий билим юртида ўқишни юксак орзу деб билди. Баъзан орзулар орзулигича қолади. Аммо ҳаёт тиниб-тўхтаб қолмайди. Отасининг маслаҳати билан саҳро бағрида яшнаётган гўзал кент – Учқудуқ шаҳрига ишлаш учун келади. Мўйлаблари энди сабза урган ўн етти ёшли ўспирин Йўл-эксплуатацион участкасига масофали йўл ишчиси бўлиб иш бошлайди. Бироз ўтиб Шимолий кон бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводига, бир йил ўтиб Навоий сут маҳсулотлари заводи энергия хизматида электрикка шогирд тушади.

Алишер Ҳамидов эсдаликларини шундай ёдга олади:

“Баъзан гўрлик қилиб, тайсаллаган, тарбияда қаттиққўл бўлган отамнинг ҳам измига кирмаган дамларимиз бўлган. Ўшанда отам айтардилар: “Бир кун келади, ҳеч бўлмаса, қариб кўлингга ҳасса тутганинда, ҳассанинг учи найзага айланиб кўксингга ботганида, падарингнинг насиҳатлари тўғри эканини эслайсан”... Отам ҳаётининг сўнги кунларида ўн кун хасталиқдан безовта бўлдилар, биз парвонадек ҳаракатда бўлдик. Аммо тақдирнинг инсон манглайига битилган ҳукми бор: ота-она ўлими фарзандга мерос... У кишининг ҳар бир сўзлари, пандлари, маслаҳатлари кеча айтилгандек шууримизда бўлади: “Гуфтанки нашуд, болам, монки равад”, яъни, айтдимки,

болам, бўлмадим, ўз ихтиёрига қўй, бўлмаган нарсани дўндириш мушкул... Албатта, ҳар қандай муаммо вақти келиб ечилади. Падаримнинг бу насиҳатларини ҳаётини ифодасига кўп бор дуч бўлиб келаяпмиз...” .

Вақт ҳаялламай, барча йигитлар қаторида Алишерга ҳам ҳарбий хизматга чақирув қоғози келди. Йигит киши учун ҳарбий хизматни ўташ шараф, бурч, у чексиз қувонди.

Ўша йиллар қўшни Афғонистонда киргинборот уруш кечар, бўйи етаётган фарзандларининг кўзига боқиб, ота-оналар таҳликага тушар эди. Тунлари мижджа қоқмай, ўғилларининг омонлигини тиларди. Аҳён-аҳёнда узоқ-яқиндан жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган йигитлар, бежон тобутда қайтиб келгани ҳақида хабарлар эшитилиб, қалблар ларзага келарди:

“Фалакнинг гардиши билан Афғонистонда уруш ўчоғида хизмат қилдим. Уруш... Атрофда ўлим шарпаси изғийди... қанча-қанча дўстларимдан лаҳзада жудо бўлиб қолар эдик. У дамда жонга ишонч йўқ эди. Кутилмаганда ўлим билан юзма-юз бўлиш ҳеч гап эмасди... Баъзан даҳшат, баъзан ўкинч, баъзан алам билан уйкуга кетар эдик. Ана шундай оғир дамларда ҳовлимизга яқин масжид олдида ўсган улкан тут ва унинг атрофида гимирлаб юрган онам тушларимга кирар, бу дамба-дам такрорланар эди. Уйғонганимда оғзимда ўша тутнинг мазасини ҳис қилардим. Ундан болалигимдаги каби тўйиб егандек, куч-қувватга тўлардим. Бу менга насибам бутун эканини англатар, ҳали узоқ яшашимга ишора бераётгандек туюлар, қалбимда ҳаётга муҳаббат жўш уради. Яратганнинг қарами кенг эканини ҳис қилар эдим...”

Ҳарбий хизматдан қайтган куним, ота-онам шу тут дарахти остида мени кутиб олди. Худди мен тушларимда кўрган манзаранинг гувоҳи бўлдим. Отам бағрига босиб шу хосиятли дарахт қаршисидан ҳовлимизгача кўтариб кирди:

– Энди сени ҳеч қаёққа юбормаймиз!

Падаримнинг титроқ тўла шу гапидан икки йил бағрига тикон қучиб яшаганини англаб олдим...” .

Йигитни синовлар жасоратли қилади. Остонадан, оиладан ташқарига қадам ташлагандан тақдир имтиҳонлари қаршилайди. Бу дамда истайсизми, йўқми, ҳаёт тажрибасига эга, қалбингизга яқин инсонлар кўмагига эҳтиёж сезасиз: оилада ота-она соябонингиз. Ҳарбий хизматнинг машаққатларидан ташқари, руҳий беҳаловатлик дамларида катта лейтенант Деревягин, старшина Рамазон оға катта далда



бериб турганини собиқ аскар энтикиш билан хотирлади...

Алишер Ҳамидов 1989 йилдан яна Навоий кон-металлургия комбинати тизимида иш бошлайди: лифтларга хизмат кўрсатиш бўлинмаси электр монтажчиси, электр механиги, уста бўлиб касб сирларини ўзлаштириб, ўрганиб боради.

Бахт кимга олисдан, кимга яқиндан насиб этади?! Қалбга ўт пуркаган илк муҳаббатнинг олови баъзан умрга татийди. Унга аҳд билан эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Алишер синфдоши Шоирага кўнгили қўйганини ўзи ҳам сезмай қолган эди. Гоҳида дўстона муносабатлар муҳаббат устига ҳарир парда каби тортилади. Гўё сезилмагандек, ич-ичингда илдиз отиб кетаверади. Мактабни тугаллагандан сўнг ҳам йигит шу гўзал қизнинг ёди билан яшади. Алишер Шоира билан аҳду паймон қилди, данғиллаган тўй бўлди, икки ёрти бир бутунга айланди...

Алишер Тошкент давлат техника университетиде таҳсил олди. Имкониятлари қулоч ёйди. Амалий ва назарий билимлари уни малакали кадрга айлантирди. 1995–2005 йилларда Ўқув курслари комбинати ишлаб чиқариш таълим устаси, кадрлар тайёрлаш бўлими муҳандиси каби вазифаларда ишлади. Бошқарувдаги лаёқатини инобатга олиб, комбинат раҳбарияти Алишер Ҳамидовни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши (ҳозирги

Давлат бошқаруви) академиясида таҳсил олиш учун тавсия этди. Мазкур олий билим даргоҳи Алишер аканинг ишга, ҳаётга қарашларини бутунлай ўзгартириб юборди. Бир йил мобайнида мамлакатдаги энг таниқли устоз олимлар, давлат ва жамоат арбобларидан, чет эллик нуфузли мутахассислардан сабоқ олди. Ўзи каби улкан мақсадларини дилига туккан, ҳаётга, илмга, эзгуликка ташна дўстлар ортидирди. Нуфузли олий таълим масканини тугуллаганда Алишер Ҳамидов академия дипломи билан бирга Голландия университетининг молиявий бошқарув бўйича мутахассислигига ҳам эга бўлди.

Етук мутахассис бошқарув пиллапояларида юксалиб борди. 2005–2010 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатининг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари, кейин комбинат раҳбарининг умумий масалалар бўйича, кадрлар ва умумий масалалар бўйича ўринбосари лавозимларида ишлади. Комбинат тизимидаги тармоқ корхоналарини ривожлантириш бўйича Навоий машинасозлик заводининг “Лазурная” дам олиш базасига раҳбарлик қилди.

Айни дамда Алишер Ҳамидов Марказий кон бошқармаси директорининг кадрлар ва умумий масалалар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Турмуш ўртоғи Шоира опа билан бахтиёр оила бунёд этган. Шоира Ашурова Навоий

Алишер Ҳамидов ёшлар даврасида



машинасозлик заводи Марказий завод лабораториясида меҳнат шароити назорати муҳандиси бўлиб ишлайди. Ўғиллари Фаррух ва Фируз ҳам ота-онаси касбини танлади. Тўнғич фарзанд “Навоийҳамкорқурилиш” корхонасида раҳбар, Фируз айни дамда Навоий давлат кончилик институтида таҳсил олаётир.

– Бой мумтоз адабиётимизни қадрлайман, – дейди инсон ақлу зийнати – китоб ҳақида сўз очар экан Алишер ака. – Айниқса, Алишер Навоий, Бобур, Махмуткули асарларини севиб ўқийман. Қизилқум шунча маъданларни ўз бағрига босиб сокин, вазмин ва камтарин кўрингани каби, бобокалонларимиз яратган асарлар ҳам улкан тафаккур хазинасини бағрига босиб туради. Яна бир жиҳати Қизилқумда Навоий асарларидаги каби қанча-қанча Фарҳодлар ишляпти. Юрт равнақи, эл турмуши фаровонлиги учун тоғу тошни ёриб, қумни эритиб хазина яратяпти.

Алишер ака ҳақиқатни хуш кўрувчи, хиёнатни қораловчи, яхшилиқни энг яхши фазилат сифатида қадрловчи инсон:

– Ўзинг ўзгага қилган яхшилиқни шу заҳоти унут, аммо сенга қилинган яхшилиқни зинҳор ёддан чиқарма, ҳар куни бир ёдга ол”, – дейди ўйланиб. – Аммо кўлингни ҳамиша кўкка тутиб, қушнинг тумшугига нажот истаб боққан полапондек ҳамиша бировдан нарса кутиб туролмайсан, мурувват ҳам доимо қилинавермайди. Ҳақиқий эҳтиёжмандлар бор, уларга қўл узатсанг, қалбига таскин берсанг, ўзинг ҳам ҳаловат топасан. Инсоннинг безаги эса меҳнатсеварлик. Меҳнат – яхши ҳаёт кечириш, тўкин яшашнинг асосидир. Алишер ака бу борада ҳам отасининг ҳикматларини ёдга олади: “Токай берар Ҳотамтой, сен бермасанг эгам – Худой!”.

Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси тизимида бугун ўн саккиз минг тўққиз юз ўттиз икки нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Қарийб йигирма мингта... эҳ-хе, қанча конлар, корхоналар, заводлар, мактабу боғчалар, соғломлаштириш объектлари... Ҳаёт чархпалакдек айланаверади. Демак, ҳаракат бор, ҳаракат борми, эҳтиёж мавжуд. Эҳтиёж мавжудми, муаммолар ҳам талайгина. Уни бартараф этиш учун баъзан тунни тонгга улаб ечим топиш зарур.

– Тизимдаги кадрларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Улар орасида иқтидорли, истеъдодли, ихтирочи йигит-қизлар кўп, – дейди ёшлар борасида фикрларини баён этар экан Алишер Тоғаевич. – Бугун дунёда технологиялар

шиддат билан ривожланиб бормоқда: кончилик соҳасида ҳам ҳар куни бир янгилик. Дунёдаги рақобатга бардош бериб фаолият олиб бориш учун ёшларнинг иқтидорига, куч-ғайратига таянамиз. Эшик қоқиб, иш сўраб келаётган ўғил-қизларнинг иш ўрганиши, технологияларни ўзлаштириши учун улкан базамиз бор, бироқ, баъзан айрим ёшларимизда масъулият етишмаётгандек туюлади. Ахир, янгиланаётган Ўзбекистонимизни дунё саҳнига олиб чиқадиган ўзимизнинг ўғил-қизларимиздир...

Ёшлар ҳақида сўз юритганимда, менга касбим сирларини ўргатган Сувон Раҳимов, Шариф Ургучов, Маҳмуд Муҳаммадович, Рашид Нуриддиновлар кўз олдимга келади. Айниқса, кончилик соҳасининг билимдони Қувондиқ Санақулов ўрта мактабдаги илк устоз каби соҳанинг илк деталларидан бошлаб билим берган. Ҳар бир инсоннинг эришган ютуғи устозларидан олган сабоқлари, ўгиту пандлари билан боғлиқ...

Қизилқумда қум барханлари мавж уриб турган уммонни ёдингга солади. Қанча сир-синоатларни бағрида яширган уммон. Ростини, бу саҳронинг уммондан нима фарқи бор?!

Зарафшон атрофида баҳорнинг қай лаҳзаларида чўл лолалари гиламдек ёзилганини кўрганмисиз? Биёбонда шундай манзара намоён бўлишини тасаввур эта олмайди инсон. Аммо мўъжизалар содир бўлаверади...

Алишер ака Қизилқум кенгликларини кўнглига кўчириш учун чўл бўйлаб саёҳатга чиқади. Гоҳ чўл лолаларини денгиздек чайқалганини томоша қилса, гоҳ дўстлари, ўғилларини қанотига олиб овга отланади. Албатта, эр киши учун овчиликнинг ўз завқи бор, одам ундан қувватланади... Гоҳида Мурунтов конини баланддан, Ернинг илдизи кўриниб қоладигандек хаёл билан кузатади. Она Заминнинг бағри кенг, бисоти хазинага бой! Миллиард йиллар аввал виқор бериб турган тоғларни қартайтириб, бағрига босиб ётибди. У барибир ОНА! Алишер аканинг хаёллари болалик хотираларига уланади... Энатут. Шохларида ғужғон ўйнаган қушлар, соясида ғала-ғовур қилаётган болалар...

**Фахриддин ХУДОЙҚУЛ**



**Дилора ХОЛИҚОВА**

1985 йилда  
Навий вилоятида  
туғилган. Навий  
давлат педагогика  
институтининг  
ўзбек филологияси  
факультетини  
тамомлаган. Ёш  
ижодкорларнинг  
“Зомин семинари”  
иштирокчиси.

\* \* \*

Осмон маним, демасман,  
Ой ўғриси эмасман.  
Юрагимга ёзилган,  
Бир нурни изляяпман.  
Кўнглим нурдек ёритган,  
Кимнидир эсляяпман.  
Ёмғир маним, демасман,  
Булут таним, демасман.  
Томчи дилим илитган  
Навони изляяпман.  
Ишқни таниган сарим  
Худони эсляяпман.

## Айрилиқдан маъно тўқир вақт...

\* \* \*

Кўзларимда, кўзим ичида,  
Ўй суради тилга кўчмас сир.  
Фақат сизга севги ҳақида,  
Ўқиб бергим келаверар шеър.  
Кўзларимда, кўзим ичида,  
Шўр тубига қулайди денгиз.  
Согинишнинг алам, ўчида,  
Сочларини тарар пари қиз.  
Кўзларимда, кўзим ичида,  
Айрилиқдан маъно тўқир вақт.  
Тўкилолмай киприк учиди,  
Умид излаб умидланар бахт.  
Кўзларимда, кўзим ичида,  
Аллақачон бошланган сўроқ.  
Ишқ бош эгар иймон курсида,  
Умидларнинг танида титроқ.  
Кўзларимда, кўзим ичида,  
Ой кезинар тунлари ёлғиз.  
Ер шарининг менсиз бурчида  
Ойга боқиб ўлтирасиз сиз.



\* \* \*

Саболарда сочин тараб сир келади,  
Тегирмони тош йўнар тақдир келади,  
Пайти келса, дарду шодлик бир келади,  
Шу йўллардан мени сўраб шеър келади.

Қир бағрига чоғиб борар қизғалдоқлар,  
Қиш гардини ёғиб борар қизғалдоқлар.  
Товонимни ўғиб борар қизғалдоқлар,  
Кўнғил деган тоғларимдан сел келади,  
Шу йўллардан мени сўраб шеър келади.

Ҳар тонг қуёш йўлларига боққаним бор,  
Шеър суйдирди, Худойимга ёққаним бор.  
Она тупроқ дарсин дилга уққаним бор,  
Бу диёрга бир йилда юз пир келади,  
Шу йўллардан мени сўраб шеър келади.

Осмонимга турналар хат битиб кетди,  
Гиналарни сойга отдим, йитиб кетди.  
Согинчларнинг шамолида ҳувиллар тонг,  
Майсаларнинг кўзёшини ютиб кетди.  
Умр бир кун аламларга тор келади,  
Юрагимни уйғотгувчи шеър келади.

## САРЛАВҲА

Шунчаки, кўзимга нимадир тушди,  
Шунчаки, кўнғлимни этолмадим тош.  
Бу кеч барча юлдуз бир йўла учди,  
Бугун юрагимга қўл солди қуёш.  
Ёняпман, муз қотган сабрлар сели,  
Кўзимдан йўл очди мендан кетгани.  
Юлдуздек миллион йил кутгандим сени,  
Бағрингда бир лаҳза ёғиб ўтгани –  
Осмоним!

## ЎЛМАЙДИГАН ҲИС

Арқони чириган соғинчнинг,  
Ҳажрлар ҳукмида узилар.  
Осмонга кўз тиксам умидвор,  
Томошаталаб ой сузилар.

Моҳтобим, ҳолимни баён эт,  
Булутлар тўсган кўк кўзини.  
Қулоғи битган ой эрта-кеч  
Ойнага солади ўзини.

Сўкилар тикилган ишончлар,  
Яна дор томонга судрашар.  
Осмоннинг кўксини тўлдириб,  
Нажотсиз юлдузлар мудрашар.

Бу кеч дор узилмас, сезяпман,  
Уқилган бу ҳукм – сўнгиси.  
Рух чўкиб борару, умиднинг  
Улгиси келмайди, ўлгиси...

\* \* \*

Кундан-кунга тўлишар ҳажр,  
Ҳар тун кўкни кезади бесар.  
Согинганинг сезяпман, ахир,  
Согинганим ҳис этсанг агар,  
Кел...

Тун кўксиди йилтирар умид,  
Кўкни оққа чулғар ёлғиз шам.  
Сабрларнинг билгани – сукут,  
Сукутларнинг тилини билсанг,  
Кел...

Лабларимни елимлади тун,  
Чигирткалар қилади байрам.  
Ёнарқуртлар жилмаяр маҳзун,  
Телба булоқ йиғлайди сим-сим.  
Кел...

Тун кўзингдан бўлсин хижолат,  
Тонг дилингда кўрсин оқликни.  
Сўнг мен учун бир фурсат ажрат,  
Ургатиб кет унутмоқликни  
Кел...

# ЮЛДУЗЛАР ЛАНГАР ТАШЛАЙДИ

**М**ашинадан тушишим билан нон ёпиш учун обдон қизитилган тандирнинг ҳароратини ҳис этдим.

Бу гапимдан сўнг мени тоғ бағридаги сўлим гўшада улғайган бўлса керак, деб ўйлагандирсиз. Йўқ. Мен кўпларнинг назарида чўл, аслида суви мўл, серҳосил боғ-роғлар маскани – Шофирконда туғилганман. Болалигим ҳам ўша чаманзорлар бағрида кечган. Кичкиналигимда энг кўп эшитганларимдан бири (балки сизни ҳам онангиз шундай койигандир): “Қизиб турган тандирга қарама, хамир тушиб қолади, болам!” Мен бўлса, югуриб келиб ловуллаб турган тандирга бўйлаб қочардим. Шундан биламанки, тандирнинг иссиқ тафти одамни лоҳас қилади.

Қизилкумга келиб олган илк таассуротим ана шу тафт – тандирдай қизиб турган Учқудуқ.

Очигини айтганда, олифта талаба кўнглига Учқудуқнинг ҳавоси ёқмади. Машинадан узоқламай, яна

ортимга – пойтахтга қайтгим келди. Кўз ўнгимда жонажон университетим – Тошкент давлат техника университети пайдо бўлди. Қайтаману, магистратурага ҳужжатларимни топшириб ўқишни давом эттираман. Кейин аспирантура, докторантура қилиб, бир кун кўрасизки, профессор – Нуриддин Камолов бўламан.

Шу орзулар оғушида бироз туриб қолган эканман бирдан дами чиққан пуфакдай шалвираб қолдим. Ахир, магистратурага ҳужжат топшира олмайман. Чунки Учқудуққа – талаба, университет ва Навоий кон-металлургия комбинати томонидан тузилган уч томонлама шартнома асосида келяман-а! Бундай шартнома ҳам сабоқдошларнинг кўпига насиб этмаган. Қизилкум бағридаги шу шаҳарчага келишга ҳавасмандлар, эҳ-ҳей, қанча эди-я, деб ўзимга-ўзим тасалли бердим. Негаки, бу мўъжаз шаҳарчада ёлғизман – ҳеч кимни танимайман, бирор суҳбатдош ҳам, кўнгил етар одам ҳам йўқ. Шаҳарча ҳам, унинг заҳматкаш аҳли ҳам, мўйи энди сабза ўрган Нуриддин келганини билмайди.

Шаҳарчада ягона мен каби эндигина келганлар кўним топадиган ва яқинда ишга жойлашганлар турадиган “Ишчилар ётоқхонаси”га бордим, жойлашдим. Нафас ростлаб олгунимча кун ҳам ботибди.

Назаримда, кўчада кундузгидан кўра одам кўпроқдай. Улар саратон қуёшидан паналаган болалар ва ишдан ҳориб қайтган ота-оналар эди. Фир-фир чўл шамоли эсади. Бу шамол кўпдан буён истиқомат қиладиганларининг танига роҳат бағишласа, биринчи бор келган кишига ғалати туюлади. Самода бирдан бодирлаб юлдузлар пайдо бўлди. Кечалари осмон Учқудуққа яқинлаб қоларкан. Қўл чўзсанг, етгудай! Одатда кўпчилик тоғларда осмон яқин бўлади, деб билади. Эҳтимол шундайдир-а, аммо бепоён кенгликларда ою юлдузлар ерга яқинлаб қолишини шу ерга келиб ҳис қилдим. Қайси томонга қарама, адоқсиз кенглик. Юлдузлар Қизилқумга лангар ташлаб туради. Беихтиёр хайратга тушасан: қанча

узоққа тикилсанг, шу томонда юлдузлар сахрога ёғилиб ётади.

Туни гўзал ва мафтункор сахро бағридаги шаҳарчада тонг ўзгача тароват билан отди. Қизилқум бағридан оловланиб, гуё ундан куч-қувват олиб кўкка отилади. Баркашдек қуёш қизилқум тусда товланади-жилланади.

Эртаси куни Шимолий кон бошқармасига бордим. Бошқармада ёш мутахассислар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлим бор экан. Яхши кутиб олишди. Сухбатлашдик. Бўлим Шимолий конга йўлланма берди. Бордим. Кондаги мутасадди:

– Бизда иш йўқ, – деди.

Тўғриси, бу гапдан хурсанд бўлиб кетдим: “Учқудуққа келиб, энг яхши гапни сиздан эшитдим”, дедим. Шу куни тушдан сўнг яна бошқармага қайтдим ва вазиятни баён қилдим.

Ёшлар мутахассислар билан ишлаш бошлиғи ва Шимолий кон муҳандиси ўртасида зиддият келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолдим. Эртаси куни яна конга бордим.

Муҳандис: “Сен бола жонга тегдинг, ҳозир ишга қабул қилиш комиссиясини йиғаман, агар комиссиядан ўтсанг, ишлайсан. Ўта олмасанг, Тошкентга қайтиб кетаверасан”, деди.

Муҳандиснинг бу гаплари жон-жонимдан ўтиб кетди. Жуссамни чақмоқ ўргандай бўлди. Хаёлимга: “Наҳотки, мени – кечагина университетни имтиёзли диплом билан тугаллаган навқирон йигитни шу сахрода – кип-қизил чўлда юрган одамлар саволларга кўмиб ташласа, ишга олишмасая”, деган ўй келди.

Комиссия аъзоларининг сўроқ-саволларига жавоб бердим. Бугун ўйласам, жуда жўнгина суҳбат бўлганди. Аммо комиссия аъзолари жавобларимга “тўғри ё нотўғри” деб муносабат билдирмасди. Конга оид харита кўрсатишди.

– Бу нима?

Қарасам, лойиҳа экан.

Аммо ёнидан кондаги ҳозирги ҳолат ҳам шартли белгилар асосида кўрсатилганди.

– Лойиҳа – Лойиҳалаш институти томонидан чизилган.

– Хўш, тушунтириб бер.

– Битта хатоси бор.

Институт бу ерда чизмадан чиқиб кетибсизлар, агар буни инспекторлар кўрса, корхонага жарима белгилаши мумкин.

– Сен бизни текширгани келган инспектор эмассан, чизмани гапир.

– Белгиланган лойиҳадан ташқарига чиқилгандан сўнг, хатосини айтаман-да, яна нима дейишим керак!

Комиссия аъзоларидан бири:





– Бор, чиқиб кет, – деди.  
 Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг чақирди.  
 – Ниятинг қандай? – деб сўради бирпас аввал ташқарига чиқишимни талаб қилган киши.  
 – Университетга қайтиб илмий иш қилмоқчиман.  
 – Илмий изланишни аудиторияда конни харитадан кўриб қиласанми? Кўриб юрибмиз шахтани тасаввур қилолмайдиган устозларингни. Агар ростдан илмий иш қилмоқчи бўлсанг, аввал ишлаб чиқаришни ўрган. Ундан сўнг илмингни қилавер.  
 Кейин билсам бу маслаҳатларни берган киши учкудуклик мутахасисларнинг устози Наим Насимович экан. У кишининг мулоҳазалари маъқул келиб, ишни бошлайдиган бўлдим. Ростини айтганда, талабанинг орзуси ҳам, нияти ҳам катта бўлади.

Бир латифа бор-ку: “Юридик институтида ўқийдиган биринчи курс талабадан сўрашибди. Ўқишни тугатгандан сўнг нима қиласан?”

“Бош прокрор бўламан!”

Иккинчи курсни битиргандан сўрашибди.

“Зам прокрор бўламан.”

Учинчи курсни тамомлагандан сўрашибди.

“Ўқишни тугатиб олайлик-чи...”

Тўртинчи курсида ўқийдиганга ҳам шу саволни беришибди.

“Ака, иш йўқми?”, – деган экан”.

Камина ҳам Учкудукқа борсам бирдан катта одам бўлиб кетаман, деб ўйлагандим. Келдим, кўрдим. Савол-сўроқларга жавоб бериб, экскаваторчига ёрдамчи бўлиб ишни бошладим.

Ҳозир бундай даража йўқ. Яъни нолинчи “разряд”дан “хай-ё-хуйт” деб ишни бошлаб юбордим. Бахтимга конга яқинда янги экскаватор олинган экан. Шу машинада Мансур Ягануровичга “памошник” бўлдим.

Худди “Оқкема”даги Мўмин чолнинг неварасига ўхшайман. Бола тошларни миниб танк қилиб отганидай мен ҳам Мансур Ягануровичнинг ёнида туриб улкан экскаваторни бошқаргим келади. Аммо бошқарувни у киши ҳам бериб қўймайди.

“Нуриддин, ойнани тозала!”

“Нуриддин, мойига қара!”

“Нуриддин, ...”.

“Нуриддин, ...”.

Ягануровичнинг сабоқлари давомида Учкудукқа сингиб кетдим, чоғи. Шу заҳматларни чекиб ишлаётган одамларнинг меҳнати кўриб, уларга меҳр қўйдим.

Орадан кўп ўтмай, шахта усталигига ўтказишди. Ер қаъридан нодир ва камёб бойликларни қазийвериш, кончи ҳам бўлиб қолдим. Бугун ишга кириш учун Учкудукқа келган ўша пайтдаги улкан шаштимдан асло қайтганим йўқ.

Ишлаб чиқаришни кўриб, кончиларнинг муаммоларини ҳис қилдим. Ана энди, илм қилсак ярашади. Бугун ўйлаётганларим орзуманд ёшлик йиллариникидан албатта фарқ қилади.

– Нимаси билан дейсизми?

– Бугунгача кон ишлари бошқа соҳаларнинг ривожига ҳисобидан кўпроқ қазилма бойликларини қазиб олади. Хўш, кончилик ўз ҳисобидан ривожланиш учун нима қилмоқ керак? Шу мен учун катта мавзу бўляпти.

Ҳа, айтганча, мен энди учкудукликман. Шу шахарчада фарзандларим дунёга келди. Оилам билан қизиққан соҳамиз бўйича ишляпмиз. Қизилқум бағрига сингиб, унинг тўшидан юртимиз равнақи учун керакли бойликларни суғириб олаётганимиздан мамнунмиз.

Учкудук оқшомларида ҳар доим юлдузлар лангар ташлаб туради.

**Одилбек ОРТИҚОВ**





Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Сайди УМИРОВ:

# АДАБИЁТ – ФИДОЙИЛАР БИЛАН БАРҲАЁТ





Сайди Умиров пахта теримидаги талбалар даврасида. 1985 й.

“*Адабиёт – инсонни одоб-ахлоқли, иймон-эътиқодли, маданиятли қилиб тарбиялайди.*”

“

*Кўнгил хоҳиши, қалб амри билан ёзган маъқулроқ, эмин-эркин фикрлайсан, табиий, самимий, ишончлироқ чиқади.*

“

*Инсон умри орзулар, умидлар, қайғу ва изтироблар мажмуидир.*

“

*Айрим амалдор, пулдорлар, ўз хатоларидан ташқари, эркатой, тизгинсиз фарзандлари, қариндошлари қилмишлари, қинғирликлари учун ҳам азият чекишади.*

*Оқибатсиз қариндошдан олижаноб “бегона” яхши. Мартабаси, пули, давлати ошиб кетгач, кўп меҳнати сингган, яхшиликлар қилган кишиларини унутган бемехр кимсалар ҳақида эшитганман, баъзиларини ўзим ҳам биламан.*





“ Не ажаб,  
эндиликда китоб кўп,  
имкониятлар катта,  
биноқ ўқийдиган мард  
кам.

“ Қармоққа кичик балиқлар кўпроқ  
илинади, йирикларининг тўрга тушиши  
қийинроқ. Коррупцияга қарши кураш  
жараёнида ҳам шундай ҳолат сезиляпти  
чоғи.

*Не-не машаққат билан  
пиёдани фарзинга чиқар-  
гани гувоҳи бўлганимда  
кичик далилдан катта  
хулоса чиқара олган,  
салмоқли тадқиқот  
битган олим Бегали  
Қосимовни та-  
саввур этаман.*

“ Ношуд қаламкаш арава-  
ни қуруқ олиб қочиб, ярим  
бет, бир бетда айтолма-  
ган гапни моҳир ёзувчи  
кичик бир детал орқали  
айтиши, ишонтириши,  
вақтни, қозозни, қаламни  
тежаши мумкин.

Қийини – гоё, мазмунга ишора қилув-  
чи мос сарлавҳа, илк жумла, хос оҳанг  
топиш: янги, мароқли сарлавҳа бўшроқ  
нарсани ўқишга даъват этса, сийқа,  
зерикарли сарлавҳа яхши, мазмундор  
мақола, очерқдан кўнгил совутади.





## БЕШТА ТАШАББУСНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

*Зоминда Республика ёш ижодкорларнинг семинари бўлиб ўтди*

**Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари бир неча йиллардан буён истеъдодли ёшларни кашф этишга хизмат қилиб келмоқда. Анъанага мувофиқ, 3-5 июл кунлари, сўлим Зомин тоғлари бағрида ўтказилган бу йилги семинар ҳам ўзбек адабиётининг бўлажак эгалари ҳақида ёрқин таассурот уйғотди десак, муболаға эмас.**



Тоғ, доvon, арчазорнинг гўзаллиги, шарқироқ сойнинг шўх, жарангдор овози – барча-барчаси Зомин табиатининг қиёфасини намоён этиб туради. Тоғ каби устозлар, доvon каби ижод машаққати, арчазор каби ёш ижодкорлар сафи кенгайгани, дарёники каби хуш ёқувчи овозлар бугунги ёш шоиру носирларнинг ҳар қачонгидан дадиллигини, самарадорлигини айтиб тургандай, назаримизда.

Таассурот ва ҳаяжонга бой семинарда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан саралаб олинган ёш йигит ва қизлар тўпланишди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 86 нафар ёш ижодкор ҳамда атоқли адиблар номлари билан аталган ижод мактабларидан 14 нафар ўқувчиларнинг иштироки катта байрам ва асосийси ҳақиқий маҳорат дарсига айланди.

Анжуманда бадиий адабиётнинг назм, наср, драматургия, бадиий публицистика, бадиий таржима, болалар адабиёти, адабий танқид йўналишлари





бўйича шўьбаларга бўлинган ҳолда маҳорат дарслари олиб борилди. Иштирокчиларнинг асарларини саралаш ва улар учун маҳорат сабоқларини ташкил этиш мақсадида Эркин Аъзам, Анвар Обиджон, Сирожиддин Саййид, Аҳмаджон Мелибоев, Азим Суюн, Саъдулла Ҳаким, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Абдуқаюм Йўлдош, Зебо Мирзаева, Собир Ўнар, Назар Эшонкул, Рустам Мусурмон, Баҳодир Карим, Луқмон Бўрихон, Баҳодир Қобул сингари устоз шоир, ёзувчилар, драматурглар, адабиётшунослар анжуманда ҳозир бўлишди. Шунингдек, семинарда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоятлар бўлими раҳбарлари қатнашишди.

Адабий-маърифий тадбир сифатида бир неча йилдан ёшларнинг сеvimли учрашувига айланган бу йилги анжуман Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини ҳаётга татбиқ этишнинг яна бир амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлди, албатта.

Семинар давомида ёш ижодкорлар ва устоз адиблар иштирокида адабий кеча ҳамда мушоиралар ташкил этилди, ижодий учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, иштирокчилар бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг “Биринчи китобим” лойиҳасида нашр қилинган китоблари ҳақидаги янгиликдан воқиф бўлишди.

Анжуман бу сафар ҳам янги овозларни кашф қилди. Анвар Жабборов, Нажмиддин Эрматов, Кумуш Ҳамроева, Бибиробиа Саидова, Санжар Эшмуродов, Мафтуна Муҳаммадаминова, Улуғбек Раҳматов, Сухроб Аввалбоев, Салтанат Узоқова... Бу санокни узоқ давом эттириш мумкин. Бири шоир, бири ёзувчи, драматург, адабий танқидчи, публицист... Уларнинг албатта келажак адабиётнинг тараққиётини белгилаб беришига, Ватан, халқ хизматида тайёр авлод етишиб келадиганига ишондик.

Қизгин мушоиралар ёшларни янада бир-бирига яқинлаштиргани, ижодий фикр алмашишга имкон яратгани, ёшлар устозлардан ижод сирларини ўрганганлиги анжуман кўзлаган мақсаддан далолатдир аслида. Зоминнинг хушманзара табиати қўйнига саёҳатлар эса маҳорат дарслари каби уларнинг қалбида узоқ муҳрланиб қоладиган бўлди.

Анжуман якунида маҳорат дарслари иштирокчиларига, устозларга сертификатлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг, Жиззах вилоят ҳокимлигининг, ҳомий ташкилотларнинг, “Халқ банки”нинг эсдалик совғалари топширилди.

**Шоди ОТАМУРОД,**

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир*







**Шахриёр ШАВКАТ,**

Республика ёш ижодкорларнинг Зомин семинари иштирокчиси

## Ай, фузул юрагим, Қичқириқни қўй...

\* \* \*

Кунюндек айланур идишда қаҳво...  
Шаҳарнинг кўзига қўна бошлар чанг.  
Дераза ортида куюқ можаро –  
Борадир кун ва тун ўртасида жанг...

Мен сени ўйлайман, визолим!

Кирадир жанггоҳга ой қўшинлари,  
Қаролиг урилуру шашти нужумга.  
Чақмоқдек зулумот кўксини ёриб,  
Башашвор булутлар ўтар ҳужумга!

Мен сени ўйлайман, визолим!

Ўжар тун сулҳга кўнмайди чоғи,  
Кунчиқар томонга ўллайди жосус.  
Илиниб қоладир ойнанинг ўроғи  
Тилларанг зардоли шохига туйкус...

Мен сени ўйлайман, визолим!

Кўзимдан жилмайди мунис қиёфанг,  
Барибир хулосам узлатга котиб.  
Барибир тинмайди бу муқаддас жанг,  
Барибир зардоли остида ёти-иб,

Мен сени ўйлайман, визолим!

\* \* \*

Солланар шотутнинг барғлари,  
Шаҳарнинг уйқуси буғланар.  
Кишварим,  
Савсарим,  
Қайсарим,  
Елкамни келтирдим –  
Йиғлама!..

Банорас булутлар бир сипо,  
Томчилар ҳавода тивланар.  
Шундоғам фусусим беҳисоб,  
Елкамни келтирдим –  
Йиғлама!..

Хаёлнинг сочлари  
сарсари  
шамолнинг шавқида доғланар.  
Эй маннинг кўзёши кавсарим,  
Елкамни келтирдим –  
Йиғлама!..

Адирда апрелнинг найсони  
Тақмоқда сабуҳий сирғалар...  
Шабнамим,  
Физолим,  
Шаъбоним,  
Елкамни келтирдим –  
Йиғлама!..

\* \* \*

Мен ошиқ эмасман  
 ва ёки шоир,  
 Дейишим ҳам қийин “расо инсонман”.  
 Бир дам ўзингизни ўрганмоқ учун  
 Сизга юборилган парча имконман.  
 Куласиз.  
 Ранжийсиз.  
 Туясиз таҳқир.  
 Мен чидаб бераман бари-барига.  
 Ҳамма ҳавас билан қарайди ахир  
 Умрида кўрмаган ҳаво шарига.  
 Баъзан буғланади тафаккур баҳси,  
 Ечимлар жангларнинг ҳомиласидир.  
 Эҳтимол севги ҳам севгимас асли  
 Ҳиссий хоҳишларнинг ҳосиласидир...  
 Мен ошиқ эмасман  
 Ва ёки шоир,  
 Ўрганиб юрибман дунёни, холос.  
 Менга тақдим этар бир олам фикр,  
 Бир қадар зиддият,  
 Қатра эҳтирос.  
 Феъллим шу –  
 Барчанинг завқига ҳоким  
 Бўлмоқ илинжида айтмоқ кўшиқлар,  
 Аммо бир панд берса менга бирор ким,  
 Унга ёпилади барча эшиклар!  
 Поёнсиз бўшлиқда адашар идрок,  
 Обру деб руҳингни қийнамоқ нечун?!  
 Менга ҳамроҳ керак фикру зикри пок  
 Энг тоза туркулар куйламоқ учун!

\* \* \*

Ҳали сиз гулларни ўпганингиз йўқ,  
 Бир малак сочини ҳидламадингиз.  
 Дарёлар бўйида чопганингиз йўқ,  
 Ярим ой кўксини бутламадингиз.  
 Ҳозларни кучоқлаб йиғламоқни ҳам  
 Очиги, ҳаёлга келтирмагансиз.  
 Товонни қитиқлаб турганда кўклам  
 Ўпкани ҳавога тўлдирмагансиз.  
 Адирда энтиқиб чопмоқ қаёқда,  
 Каштадор ўтовда қимиз симирмоқ,  
 Қаёқда узанги илиб оёққа,  
 Туркона қирларда қирғий қидирмоқ?!  
 Ҳали сиз дунёга келганингиз йўқ,  
 Ҳали сиз гўдаққиз  
 ва ёки ҳолсиз,

пастқам бир кулбада бешон, беҳуқуқ,  
 алаҳсираб ётган мудроқи чолсиз!  
 Уйвонинг, биродар, уйвонинг энди,  
 Қисирлатиб ташланг умуртқаларни,  
 Қиличдай йигитлик маврибга эниб  
 кетганда,  
 бир тутам умр қоларми?!

## ЁЛФИЗЛИК


Шамларни ёқ.  
 Мактуб – столда.  
 Мактубни ёқ хижолат қилмай.  
 Тасвириمنى чизиб хаёлда,  
 Бир лаҳза жилмай...

Муסיқа.  
 Ярқироқ гурубдан  
 Вужудимга ўрмалар фараҳ,  
 Чайқатиб, чайқалиб турибман –  
 Қўлимда қадаҳ!..

Бармоқларим ботар пуштиранг  
 Либосинг чирмашган белингга.  
 Аввал ерга қарайсан аранг  
 Ва менга...

Елкамдан сиргалар қўлларинг,  
 Атрингга лиқ тўлади ўпкам.  
 Менга қандай жоду йўлладинг –  
 Ўпганим-ўпган?!

Бутун умр яшашга шошдик,  
 Киприклардек яқиндир висол.  
 Бир лаҳзада мангу туташдик –  
 Шу ҳолингга қол..!





**Тилланисо ЭШБОЕВА,**  
Республика ёш ижодкорларнинг  
Зомин семинари иштирокчиси

## Сочилиб кетаман оғриққа, шеърга...

\* \* \*

Келманг, менда ҳеч нарса йўқ,  
Топа олмайсиз...  
Руҳимда фақат хазонларнинг шитирлашлари...  
Мен шундай мавҳумман, хаёлдай мавҳум  
Кўнглингизга ураман бирдан.  
Азобман, ўзига сивмаган лаҳза  
Сочилиб кетаман оғриққа, шеърга.  
Тунингизни барибир қилмайман хушбахт,  
Кунингизда қуёшдек жарангламасман.  
Азобга сочилиб сокин тортган дунёман,  
Ёдингизни кезиб юрган хаёлпарастман.  
Келманг, менда ҳеч нарса йўқ,  
Топа олмайсиз,  
Руҳимда фақат хазонларнинг шитирлашлари.  
Тўкилиб-тўкилиб сокин тортган дунёман.

### САРОСИМА

Гўё кимдир келган мени сўроқлаб  
Ёки кимдир кетган мангуга ташлаб.  
Шундай саросима қўйнида бу тун  
Ҳамма нарса остинустин юрак ичида.  
Ё сен келгансан-у, кетгансан зумда.  
Сен руҳимни ёққан мангу саросимасан.  
Мен эса сизиниб яшайман ойнанинг нурига  
Ва сенга дош бергум, эй саросима,  
шу хира ёрувнинг саботи билан.  
Ва мен сени севарман шундоқ хатарли,  
Ҳар лаҳза севарман  
Қайву ва қувончинг жуда узун ҳаёти билан.

\* \* \*

Онажон, мен шаҳардан бораман сизга,  
Ўйларим ичидан келаман елиб,  
Мен сизга бир сокин дунё элтаман,  
Қуёшлар, дарё, тўфонлар  
Ул сокин дунёга урилган келиб.  
Ул дарёга оққан аччиқ ёшингиз,  
Ул тўфонда менинг қаҳрим, курашим,  
Бир қуёш сизга ҳеч элтмаган қуёшим.  
Мен сизга бир сокин дунё элтаман.





**Муниса АЪЗАМОВА,**

Республика ёш ижодкорларнинг Зомин семинари иштирокчиси

\* \* \*

Барчаси менга яқин,  
Барчаси мендан узоқ,  
Янги ой – кўкка тумор,  
Янги ой – ерга тuzоқ.

Номозшом чўккан сойга –  
Парилар базми қизир.  
Қайдандир тиниқ оҳанг  
Қайгадир қирар сизиб.

Рангидан кечиb ранглар  
Шом кияр оқ-қора тўн.  
Салқинлаб бақачалар  
Йўталар ўқтин-ўқтин.

Нимадир яна олис  
Ва недир яқин шунча.  
Мен бўлиб улгурди шом  
Сиз тонг бўлиб келгунча.

## Шом кияр оқ-қора тўн...

\* \* \*

Бу кеча ҳам чалғитиб аранг,  
Чайиб олдим уйқу юзини.  
Хаста нурлар бир-бир эгилиб  
Нигоҳимдан юксалар зина.  
Деразанга урилди шамол,  
Сочларимни ўрганида ой.  
Юлдузларнинг қараши сирли –  
Сен ҳам уйзоқ эдинг ҳойнаҳой.  
Кўзларимни юсам мумкиндай,  
Кўзларингга қараб туришим.  
Баъзан алам қилади бунга  
Кечаларнинг гувоҳ бўлиши.  
Хаста нурлар ва ўша зина  
Чиқиш, тушиш қолмагандай фарқ.  
Фақат ерда кутади мени  
Юзларини ювмаган шафақ.

\* \* \*

Бир тонг келар бедор бўлиб  
Изҳор бўлиб, ҳам хор бўлиб  
Ҳисларидан тўйиб, тўлиб  
Бир тонг келар...

Чинми қулаб кетмаганим  
Етмаганим, битмаганим  
Кутиб-кутиб кутмаганим  
Бир тонг келар...

Яшириниб ўз ростидан  
Кўз остидан, сўз дастидан  
Шу эгасиз жон қасдида  
Бир тонг келар...



**Сухробжон АВАЛБОВЕВ,**

Республика ёш ижодкорларнинг Зомин семинари иштирокчиси

# ЁЗУВЧИ НИМА ҚИЛАРДИ

“Бир дақиқа аввал ўн уч инсон оламдан кўз юмди”.

Бу сўзларни ўқиганимда ўлим ҳақида ҳеч ўйламагандим. Чунки жуда ёш эдим. Аммо бу сўзлар ўн икки ёшли каминани ларзага келтира олганди.

“Бу дақиқада ҳам яна ўн уч одам вафот этди”.

Ростдан ҳам бу сўзлар мени шунчалик ларзага келтиргандики, ўйламасдан йиғлашни бошлагандим. Сўнгра йиғлагандим, йиғлагандим ва яна йиғлагандим. Ҳаётни унутаёзгандим. Менга тикилиб эса тириксан дея олмасдингиз.

“Ва яна ўн уч киши ўлди”.

...

Нима дейишни ҳам билмайман...

\* \* \*

Бу воқеа содир бўлганига, мана, тўрт йил бўлди. Худога шукрки, соғ-омонман. Мактабни ҳам тамомлаб қўйдим. Масъулият нима эканлигини англашга ҳаракат қиламан. Шўхликларим йўқолди. Умуман олганда, ҳаётга ёруғ орзулар билан қадам ташлайман. Лекин менинг руҳиятим ҳалигача бемор. Сабаби, тўрт йилдан бери ҳаёлимда бир гап айланиб юрибди; турганимда ҳам, ётганимда ҳам бир гап; мени қийнаётган бир гап:

“Дунё бўйлаб дақиқасига ўн уч киши ўляпти”.

Булар қандай одам? Нимага ўлишяпти? Нега уларни қутқариб бўлмайди? Нима сабабдан ўлиш деган нарса бор? Ўзи ўлим нима? Ҳеч қанақа жавоб йўқ. Шунчаки, жумла қайтарилаведи:

“Ҳар дақиқа ўн уч киши ўлади”.

Шундан бери бунинг олдини олишни хоҳлайман. Ҳар дақиқа кимлардир ўлишини истамайман. Шунинг учун одамларга ёрдам бериш йўллари қидиришни бошладим. Кўплаб касб-хунарларга қизиқиб кўрдим ҳам, афсуски, улар инсонларни сақлаб қолиша олмас экан, кимгадир фойдаси тегса, кимгадир зарар қиларкан. Шунда касб бўлмаган нимарсаларни ахтара бошладим ва яқинда кўнглим ёлворганини топдим: бу – ёзувчилик.

Чунки ёзувчи ўзининг асарларида жонзотларга тўғри яшаш йўлини ва ҳамма бир-бирини тушуна олишини ҳамда низоларни ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатади. Бу эса одамзотни қутқаради.

“Ҳар дақиқа ўн уч киши...”

Лекин ёзувчилик ҳақида, шунчаки, ўйлаб ўтиришим ҳеч кимни қутқармайди. Шу туфайли ёзишни бошладим.

“Ҳар дақиқа ўн уч...”

Барча яхшиликни ёздим. Кўнглимдаги барини ёздим. Ёмонликдан сақланиш йўллари ёздим.

“Ҳар дақиқа...”

Бу эса менга ёрдам берди. Тўрт йилдан бери қулоғимнинг тагида жиринглайдиган овоз деярли йўқолди. Шу сабабдан ҳам ҳаётга бўлган муҳаббатни, умидни ва тирикликни акс эттирув-



чи сўзларни, ҳамда номларни ишлата бошладим: “Ҳаёт давом этади”, “Гўзаллик инсониятни юксалтиради”, “Мен сени севиб қолдим, Муҳаббат”, “Ҳаётда тирик яшаймиз” ва ҳоказолар.

“...”

Шунда бир нарса эсимдан чиққани эсимга келиб қолди: асарларимни ҳали ҳеч кимга ўқитмабман, фақат ўзим учун ёзибман.

“...”

Шундай қилиб, отамга, онамга, опамга, укамга ва яқинларимга асарларимни бердим. Ўқишларини тавсия қилдим. Бошқаларга ҳам улашишларини тайинладим.

Вақт ҳам ўтаверди. Хурсанд бўлиб юравердим.

“...”

Лекин шошилган эканман. Ёзганларим ҳеч кимга ёқмабди. Ҳатто, қаттиқ касал бўлган одамнинг ажалини тезлаштирибди. Чунки

*“Дунё бўйлаб дақиқасига ўн уч киши вафот этади”.*

Хуллас, ёзувчилик махлуқотларни қутқармас экан. Адашган эканман. Хаёлимдагини тўғри деб, кўзимни каттароқ очмаган эканман.



– Mana endi katta yozuvchi bo'ldim.



Yozuvchining ish usuli.

*“Дунё бўйлаб дақиқасига ўн уч киши вафот этиши керак”.*

Энди эса мен ҳам қачондир ўлишим кераклигини тушуниб етдим ва дод-фарёдлариму оҳ-воҳларимни ёзиб юрибман. Асарларимнинг сарлавҳаларини эса ўлимга бағишляпман: “Қайтиш”, “Бир куни ҳаммамиз...”, “Бақони орзу қилмоқ”, “Яқинлаб келяпти” ва ҳозир ёзаётган эссе “Дақиқасига ўн уч киши ўлаётганида ёзувчи нима қилар эди?”

Энг қизиғи нимада биласизми? Ҳаёт ҳақида ёзганларим одамларга ёқмагани, ўлим ҳақида ёзаётганларимни эса севишади.

*“Дунё бўйлаб дақиқасига ўн уч киши вафот этиши керак”.*

Ўлишсин ҳам.

*“Дақиқа аввал ўн тўрт инсон оламдан кўз юмди”.*

Қутқара олмас эканман... Адашган эканман...

Минг лаънат ҳаётга...

Минг лаънат ўлимга...

Мана шундай сўзлар билан @узадаб каналидаги эсселар танловида ютмоқчи бўлдим ва боя ёзганларимнинг ҳаммаси ёлғон.

Мен ёзувчиликка оид бу йилги барча танловларда қатнашиб кўрдим ва ҳаммасида мағлубиятга учрадим, кўпинча ноҳақлик ва коррупция туфайли. Энди бу танловда ютиш учун галати йўлдан юришга мажбур бўлдим: ёлғонимни бошқаларга ўхшаб яширмасдан алдаганимни айтдим-қўйдим. Бошқалар эса бу танловнинг ҳайъат аъзоларига ёқиш учун ўзларининг ёзувчиликка оид ҳаёт йўллари чиройли бўёққа бўяб беришади. Баъзилар ундай қилмаймиз дейиши мумкин, лекин Тоғай Мурод айтганидек, айтилган сўз ёлғонга айланади-қолади. Мен эса буни тан олдим.

Чунки адабиётда янгилик йўқ, адабиёт ўлди. Дунё адиблари бугунгача ёзилган асарларнинг қаҳрамонларини исмини ўзгартириб, воқеани қайтадан айтиб беришяпти. Ўзларини эса энгилмас қаҳрамондек тасвирляшяпти. Услуг турлича бўлса-да, адабиёт маънавий жиҳатдан ҳарф ҳам ўзгартириш йўқ. Камига ҳеч ким китоб ўқимаяпти.

Мен эса шундай пайтда янгилик қилмоқчиман. Ёлғонларим ва ёлғонларингизни тан олдим. Бироқ бу қилмишим учун менга тош эмас, тошлар отишади. Мени муттаҳамга



чиқаришади, умуман олганда, тўғри қилишади ҳам. Боя айтганимдек ёлғон гапирмайман: мен сиз ўйлагандек яхши одам эмасман!

Бу билан нима демоқчиман: биз ёзувчи бўлсак-да, оддий одаммиз. Шунинг учун ўзимиз яхши бўла турмай, бошқалардан, яъни ўқувчиларимиздан яхши бўлишларини сўрай олмаймиз, яхшиликка ундай олмаймиз”.

Менимча, бу сафар ҳам мен сизни алдай олдим ва қайсидир маънода рост сўзладим. Сал олдинроқ келтирилган шахс ҳам мен эмас, лекин қайсидир маънода – мен. Қандай қилиб дейсизми? Майли, айтаман.

Иккала шахсда ҳам ўзимнинг қайсидир қисмимни кўрсатдим. Бирида тез таслим бўладиган ва ҳаммани ўйлаб юрадиган меланхолик чеҳра бўлса, иккинчисида эса охиригача уришадиган ва ўзининг гапини ҳақ деб биладиган тажовузкор юзимни кўрсатдим. Кўриб турганингиздек, мен ўзимнинг ҳақиқий кўринишимни тўлиқ кўрсатганим йўқ, бироқ кўринишимни кўрсатдим. Сиз эса мени бирданга ё ёмонлаб кетдингиз, ё яхшилаб келдингиз. Бу бир жиҳатдан тўғри, аммо умумий миқёсда олганда мутлақо нотўғри. Чунки қайсидир мушкул вақтда одам ўзгариб қолган бўлиши мумкин, бундан ташқари, яна мени тўлиқ англамасдан мен ҳақимда фикр билдира олмайсиз. Лекин овқатнинг таъмини билиш учун унинг ҳаммасини ейишимиз шарт эмас-ку, дейишингиз мумкин. Аммо бу вазиятда ва қолган вазиятларда ҳам сизнинг “лекин” ингизга менинг “лекин”имга “лекин” топилгандек, яна битта “лекин” топилиб чиқиши мумкин, сўнгра матн “аммо-лекин-бироқ”лар билан тўлиб кетади.

Кўряпсизми, ҳеч қаерда мутлақо тўғрилиқ йўқ. Исбот сифатида шу гапимни ҳам олишим мумкин: “Ҳеч қаерда мутлақо тўғрилиқ йўқ деяман. Бироқ, Худо ҳақида, оламларнинг тузилиши ҳақида мутлақо тўғрилиқ йўқ дея оламизми? Ўйлаб кўрсак, ҳам ҳа, ҳам йўқ.”

Ва яна бир марта кўраётганингиздек, менинг эссемда мутлақо тўғрилиқ йўқ. Сабабини, менимча, ўзингиз биласиз.

Унда бу ҳолатда ёзувчи ёки одам нима қилиши керак? Тушуниш керак.

Бу нима дегани? Мукамаллик номукамалликдан иборат дегани.

Ҳамма хато қилади ва хато қилганлар – қилган хатолари учун айбдор ҳисобланмайди, чунки уларга шундай тарбия беришган. Тарбия

берганлар эса бундай нотўғри тарбия беришни хоҳлашмаган. Ҳозир тарбия бераётганларга ҳам олдин тарбия берганлар тарбия қилаётганларида уларнинг хато қилишларини хоҳлашмаган. Бу эса чексиз айлана ва мана шу айлана токи одамлар буни тушуниб етиб, хатоларни кечириб, ҳамда номукамалликни мукамаллик деб билмаганларигача давом этаверади. Афсуски, буни ҳамма ҳам англаб етмайди. Аммо вазиятни сал-пал яхшилашимиз мумкин.

Шундай қилиб, сўнги сўз ўрнида нима демоқчиман? Ҳеч нима! Ҳа, ҳеч нима демоқчиман, яъни ҳеч нимани тушунинг демоқчиман. Ёзувчи ҳаммани ва ҳеч кимни тушуниб ёзиши керак демоқчиман”.

Эҳ, яна алдангансиз!

Бу шахс ҳам ҳақиқий мен эмас эдим. У йигирма йилдан кейинги ҳолатим эди: машҳур ёзувчи, ҳеч нимани тушунадиган файласуф ва унинг гапларини фақатгина у тўлиқ тушунади.

Мен эса ёзувчилик қилдим. Тўғрироғи, айтган гапларимга сизни ишонтира олдим.

Чунки мен ёзувчиман. Ҳамманинг руҳига кириб яшашим керак, ўзимдан воз кечишим керак.

Шу туфайли ҳам мен кеча ўзимни ўлдирдим. Аммо бу воқеа кечаги кечада рўй бермаган, қайсидир кечада рўй берган, яъни ҳар доим.

Ва ўйлашимча, ёзувчи шундай бўлади; бировларнинг танасида яшайди, шу орқали ҳақиқатни айтади, умуман олганда ҳаммаси бадииятда бўлади. Агар ёзувчи ўзи ҳақида ёзса, бадиий образ пайдо бўлади, чунки ҳаётни кўчириб бўлмайди.

Хуллас, гапим, балки нотўғридир, аммо мен ўзимни шундай ёзувчи деб биламан. Шундай қилиб, @узадаб ҳайъат аъзолари, мен ўзимнинг биографиямни ва ёзувчининг жамиятдаги ўрнини мана шундай берган бўлардим.

Эссе сарлавҳасидаги савол келадиган бўлсак, эссем матни жавобни яширинча айтди: дақиқасига ўн уч киши ўлаётганида ёзувчи (қанчалик ғалати бўлиб туюлмасин) ёзарди, чунки у ёзувчи”.

Тўхтанг, бу сафар ҳам сизни алдай олдим-а?..



**Анвар ЖАББОРОВ,**

Республика ёш  
ижодкорларнинг Зомин  
семинари иштирокчиси

\* \* \*

Ёрижон жонимни ёқмиш "Ёр-а"лаб,  
Ёралайдур бир қараб кун оралаб.

Кун аро кундуз хижил оросидан,  
"Хуснидан берсин закот", – дер зоралаб.

Зора раҳм этса бу қотил кўзлари,  
Мардуми умримни ташлар қоралаб.

Қоралайдурман сифотига қовоз:  
"Йўқдур армоним – босар бир бора лаб!"

Борадирман қўлда май, кўнглим аласт,  
Қўймагайманмумикин овзоралаб?

Бўлмасин оввора, Анвар, бормайин,  
Не қиларман кетса ул: "Эй, бор-а"лаб.

## Муҳаббат аҳлидан кўҳна ва ўлмас бир масал бўлғай...

### УСТОЗ ЭРКИН ВОҲИДОВ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Муҳаббат аҳлидан кўҳна ва ўлмас бир масал бўлғай –  
"Ичига ишқ ўти тушса, киши ҳушдан озар бўлғай".  
Дилим озурдадур, ёрдан қаён фурсат назар бўлғай,  
Сенингсиз менга ком йўқдур, асал тотсам захар бўлғай,  
Сенинг бирлан ширин сўзим, захар ютсам шакар бўлғай.

Хаёл этсам гугурт янглив оловлангай ғариб кўнгли,  
Ёниб бўлғач эгар бошимни ғам-андуҳ бўлиб замбил.  
Ёнарман аста-аста, ёнишим ҳам ҳар қачон бир хил,  
Юзингга бир умр боқсам, тўюрму кўз, қонурми дил,  
На ундан белги пайдо-ю, на бундан бир асар бўлғай.

Аё кўп бора айтдим менга ёрнинг ҳар сўзи малҳам,  
Юзи малҳам, ўзи малҳам, тагин қилган навози ҳам,  
Парирўйим, анисим, дилбарим, ёрим, қилур ваъдам –  
Икки ёр васлини истаб, икки ишқ сўзин эшитсам,  
Икки кўзим кўру, икки қулоғим майли кар бўлғай.

Не айлай, қай маҳал боқсам жамолнинг турса кўзгуда?  
"Надир ҳолинг?!" – дебон тинмай мазахлаб, кулса кўзгуда.  
Бу недир, ҳар кеча зулмат сочингни ўрса кўзгуда?  
Тирилса ногаҳон Фарҳод, юзингни кўрса кўзгуда,  
Кечиб Ширинидан юз йил кўйингда дарбадар бўлғай.

Не ҳам дердим, мажолим йўқ, сенинг измингдаман буткул  
Забоним буд, жаҳоним кул, вужудим буту руҳим кул,  
Ва ле Анварга роҳатдир, муҳаббат, ишқу ҳижрон – шул  
Муҳаббат ногаҳон дилда ёзиб куртак, очибди гул,  
Умидвор Эркининг, жоно, бу гулдан бир самар бўлғай?!



Оқилжон ҒОҒУРОВ

## ШАРҚИРОҚ ЎРИКЛИСОЙ ЭРТАКЛАРИ

*Ҳар кўнгил бир дарё, оқмоқ истаса,  
Ҳар дилда бир чўғ бор, ёқмоқ истаса,  
Истаса, шеър отлиқ чақмоқ истаса,  
Хуш кўрдик, хуш кўрдик, Зомин ёшлари”*

**Маҳмуд ТОИР**

Осуда тун оғушида маънавий-маърифий, адабий-бадиий мазмундаги журналларни мароқ билан мутолаа қилиб ўтиргандим. Ногоҳ “Ёшлик” журнали (6/2017) саҳифаларидан юртимизнинг оромбахш гўшаларидан бири бўлмиш сўлим Ўриклисойда Республика ёш ижодкорларнинг Зомин семинари қайта тикланаётгани ҳақидаги хушxabарни ўқиб, қувончдан бошим осмонга етди. Беихтиёр қалбимга қуйилиб келган ҳиссиётлар ва лаззатли хотиралар суруридан ширин-ширин энтикиб қўйдим.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг адабиётимиз ва ижодкорларга кўрсатаётган эътибори ҳамда меҳри дилимда яна бир бор шукроналик туйғуларини мавжлантириб юборди. Муҳташам Зомин семинари мамлакатимиз адабий ҳаётида улкан ҳодиса; ёшлик ва нафосат, шеърият ва рангин туйғулар байрамидир.

Барчамизга маълум, ушбу қутлуғ адабиёт анжумани айнан Биринчи Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан илк марта 1997 йил июл ойи бошларида Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги ям-яшил арчазорларга бурканган оромбахш Ўриклисой масканида ташкил этилган эди. Хайрли мақсадларни кўзлаб қизгин фаолият бошлаган анжуман асносида ҳар йили янги истеъдодлар кашф этилмоқда, адабиётга янги нафаслар кириб келмоқда; улар юртимиздаги нуфузли маънавият даргоҳларида, илм-маърифат ва маданият масканларида жўшқин фаолият олиб бормоқда.

“Бу гўзал воҳада тугилиб камолга етган улкан маданият намояндалари ҳақида сўз юритганда, энг аввало, XX аср ўзбек шеъриятининг атоқли вакили, нодир истеъдод соҳиби бўлган шоир, драматург, таржимон, олим ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжоннинг ўлмас номи беихтиёр ҳаммамизнинг ёдимизга келади, – деб ёзади муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” номли китобида. – Она юртимиз ҳақида, Ўзбекистон ҳақида Ҳамид Олимжондек “*Чанпар уриб гуллаган боғин, Ўпар эдим Ватан тупроғин*”, дея ёниб куйлаш камдан-кам шоирга насиб этган.”

Шунингдек, адабиётимиз хазинасига салмоқли ҳисса қўшган Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Оқилжон Хусанов каби забардаст адиблар ҳам шу гўзал воҳада дунёга келган.

Туйқус мен ўзимни ноёб хазина топиб олгандай ҳис этдим ва “Ёшлик” журнали саҳифаларида ёритилган Зомин анжумани билан боғлиқ турфа таассурот, хотира, муносабат ва мақолаларни камоли завқ-шавқ ҳиссиётлари билан мутолаа қилдим; фусункор Зомин табиати мўъжизалари акс этган манзарали суратларни томоша қилиб, руҳиятим самовий ҳаловат ҳис этди; баногоҳ кўз ўнгимда ҳаётим китобига зарҳал ҳарфлар билан битилган шуқуҳли Зомин кунлари гавдалана бошлади.

Дарвоқе, йигирма йил муқаддам эди...

Ям-яшил арчаларга бурканган пурвиқор Зомин тоғлари; кўёш тоғлар ортидан кўтарилиб, заррин ёғдуларини меҳр-ла тарата бошлаган латиф палладаги Такали чўққи; баркашдек ойнинг кумуш ёғдуларидан нафосатга чулганган сафоли тун тароватлари; қоялардаги адил арчалар тепасида жимир-жимир милтираётган қаҳқашон юлдузлар фусуни; тошдан тошга урилиб, жўшиб оқаётган шарқироқ Ўриклисой сувлари...

Чин, “бунда булбул китоб ўқийди”...

“Булбулларнинг ҳаёт ва ёшлик нашидасидан завққа тўлиб, “чаҳ-чаҳ” айлаб китоб ўқишлари-ю шеър айтишларини биз жаннатмонанд шу гўшада ўз кўзимиз билан кўрдик, – деб ўз таассуротларини



шарҳи дил этади Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. – Ёш юракларга Зоминсойнинг тошқин мавжлари билан тўлқинланиб киргувчи, Ўриклисойнинг тонгги саболари билан шайдо кўнгилларни жонбахш насимларга тўлдиргувчи бетимсол ва бетакрор бу тоғу тошларнинг ҳар гиёҳ, ҳар майсасидан Ватан иси анқийди...”

Камина ҳам жўшқинрух Зомин семинарида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлган ижодкорлардан бириман. Мен у пайтларда Фарғона вилоят босмаҳонасида мусахҳиҳ бўлиб ишлардим. Тақдир тақозоси экан, вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси, атоқли шоира ва адиба Матлуба Деҳқонованинг тавсияси билан нуфузли семинарда иштирок этиш шарафига ноил бўлгандим.

1998 йил, август... Ҳаётимдаги унутилмас кунлар, бетакрор лаҳзалар ёди бир умр ширин тушдек хотирам кўзгусига муҳрланиб қолди.

Жаннатмонанд Зомин тоғлари мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган олтамиш нафарга яқин ёш ижодкорни ўз бағрига чорлади. Ўриклисойда гир-гир эсаётган майин шабада кўнгилга жўшқин рух бахш этар эди.

Семинарнинг очилиш маросимида Президенти-миз (у вақтларда Жиззах вилояти ҳокими эдилар) ҳамда оташқалб шоир Абдулла Ориповнинг юртимиз маънавияти ва адабиётимиз истиқболи ҳақида айтган илҳомбахш сўзларидан руҳиятимиз тоғдек юксалди. Айниқса, Шавкат Мирзиёевнинг ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга, маънавий камолига қаратган юксак эътибори, ёруғ келажакка билдирган ишонч сўзларидан бошимиз осмонга етди.

Ўз навбатида, юрагида жўшқин ёшлик шижоати, кўзларида ижод завқи порлаётган навқирон ёшларга сўз берилди. Устоз шоир Абдулла Орипов келажак

орзулари ва ижод завқи порлаётган истеъдод соҳибаси Гулжамол Асқаровага сўз берди, у ижодидан гўзал шеърлар ўқиб, таҳсинларга сазовор бўлди.

Тадбирдан сўнг анжуман назм, наср, драматургия, адабий танқид, болалар адабиёти, таржима ва бадиий публицистика шўьбаларида қизгин фаолият бошлади. Ёш шоирлар Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Шарифа Салимова, Муҳаммад Юсуф, Абдували Қутбиддин, Умида Абдуазимова, Шарофат Ботирова каби устоз шоирлардан маҳорат дарсларини тинглаб, қимматли фикрларидан баҳраманд бўлишди, устозлар эътирофидан кўнгиллари тоғдай ўсди. Камина иштирок этган наср, адабий танқид ва бадиий публицистика бирлашган шўьбаларида ёш ижодкорлар Пиримқул Қодиров, Мурод Абдуллаев, Сафтер Нагаев, Раҳимжон Отаев (Отаули), Абулқосим Мамарасулов, Собир Ўнар каби устоз адиблар, зукко адабиётшунослар қўлида маҳорат сабоқларини тинглаб, қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олиб, кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Бу эртакнамо маъво бағрида жўшқин кайфиятда ўтаётган семинар мундарижасига файзли давралардаги адабий гурунглари, оқшомги гўзал мушоиралар, Ватан ишқи билан ёнаётган юраклардан отилиб чиқаётган мусаффо туйғулар фаввораси беқиёс зебу оройиш бахш этар эди; юрт меҳридан ранг олган шеърлар эзгулик, меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат туйғуларини соҳир оҳангларда тараннум этарди. Ўриклисойда янграётган дилбар шеърлар, дилрабо газалларни гўё қорли тоғлар, анбар бўйли гул-гиёҳлар, хушилҳом булбуллар, қумрилар, кабутарлар тингларди!

Латофатли Зомин табиатининг юрак торларини чертувчи анвойи гул-чечаклари, тоғрайҳон ва жамбиллари, зангор арчаларнинг ифтор ислари нақадар



хушбўй, дилтортар эди! Юраги кабутар мисоли кўкка парвоз этмоққа ошиқаетган ёш ижодкорлар бундаги кўз қамаштирувчи нафосатни савқи табиий ҳислар билан васф эта бошлади. Бу нафис ашъорларда сервиқор Зоминтоғ мўъжизалари, шилдир-шилдир Ўриклисой куйлари, хушхол қушлар хониши, гул-ги-ёҳлар таровати, она Ватан ишқи, улуг аждодлар сиймоси жўшиб куйланарди. Оқшомги нафис мушоиралардан кўнгиллар масрур...

Ҳамон кечагидек кўз олдимда. Мана, юрагида улуг аждодларидан туйган самовий фахр-ифтихор туйғулари, она-Ватанга буюк муҳаббат туйғулари мавжга келган ёш Шуҳрат Орипов даврага чиқиб, соҳир битикларини қалби тўлқинланиб ўқий бошлади:

*“Мен қадок қўлларингга юрагимни тутарман,  
Ҳар бир қарич ерингни кўзларимга суртарман,  
Эркингни бир умрга дилдан куйлаб ўтарман,  
Муқаддас саждагоҳим, дунёим, борим, элим,  
Шавкатим-шоним ўзинг, номусу орим, элим!”*

Илкис Шуҳратжоннинг кўзларида ёш қалқди...

Чуқур ватанпарварлик руҳи, юртга садоқат туйғулари самимий порлаб турган мисраларни тинглаб, барчанинг дилида муборак ҳиссиётлар жунбушга келди. Олқишлар, қарсақлар узоқ давом этди. Шеър руҳидан қалби таъсирланган Абдулла Ориповдай буюк устоз-да Шуҳратжонни бағрига босиб, самимий қутлаб кўйди.

Шундай давом этарди нафис мушоиралар. Элга сўз айтмоқ иштиёқида ёнаётган оловқалб ёшлар навбатма-навбат даврага чиқар, шеър-ғазаллар ўқишар, шуқуҳли лаҳзалар шавқи хотираларга бир-бир нақшланиб борарди. Озода Бекмуродова, Гулжамол Асқарова, Мухтасар Тожимамадова, Қаҳҳоржон Йўлчиев, Бурҳон Шермуҳаммад каби ёшлар гўзал шеърлар, дилбар ғазаллар ўқирди, шарқироқ Ўриклисой ёшлик беғуборлигини куйлаб, оҳиста шилдирар эди.

Ушбу семинарда янада чирой, мазмун бахш этган бир жиҳат хусусида алоҳида тўхталмоқ керак.

Оқшомги мушоиралардан бирида завқи жўшган Абдували Қутбиддин, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо каби машҳур шоирлар самимий, дўстона руҳда мусобақа уюштиришди. Улар навбатма-навбат ўз ижодларидан гўзал шеърлар ўқишар, даврада қарсақлар янграр, бири-биридан ўзаман дерди қувноқ шоирлар. Кўнгилларга завқ, даврага кўрку латофат бағишлаган уч устоз-шоир мушоираси поён билмасди. Пировард улуг устоз Абдулла Орипов оҳиста ўрнидан туриб:

– Сизларга каттакон раҳмат, – дея лутф қилди юзида самимий табассум ифодалари жилва қилиб. – Ростини, ҳаммамиз мазза қилдик, тўғрими, ёшлар? Мен ҳакам сифатида мусобақани дуранг деб эълон қилман. Агар кўнмасанглари, учалангиз ҳам голибсиз, ана!

Даврада яна қарсақ овозлари янгради. Барчанинг юзида самимий табассум жилва қилди. Уч устоз-шоир ҳам мамнун табассум қилиб, бир-бирларига голибона қўл беришди.

Наср намояндалари даврасидаги ижодий мулоқотлар, қизгин адабий гурунглари ҳам теран мазмун касб этарди. Ёш наср аҳлининг семинарда тақдим этган ижод намуналари атрофлича кўриб чиқилди; ютуқ ва камчиликлар юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар айтиб ўтилди. Хусусан, истеъдодли ёш ёзувчи Жаҳонгир Холмирзаевнинг ижод намуналари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. От ўрнини той босар деганларидек, Жаҳонгирнинг ҳикоялари ҳам отаси, машҳур адиб Шуқур Холмирзаевга хос ёрқин услубда битилган эди. Жаҳонгир кейинчалик ҳам талай пишиқ-пухта ҳикоя, эссе, бадиал ва қиссалар битди. Лекин, афсуски, бешафқат ўлим бу истеъдод соҳибини барчамизни қайғуга солиб, орамиздан бевақт олиб кетди...

Камина бир вақт “Фарғона китоб олами” дўкониди янги адабиётларни кўздан кечираётиб, бирдан қувониб кетдим: “Сўнгги романтик”. Жаҳонгирнинг китоби! Қиссалар, ҳикоялар ва бадиаларни ўз ичида мужассам этган, ёшларимизнинг бугунги ҳаёти, маънавияти, орзу ва интилишлари ёрқин тасвир этилган ушбу китоб Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилибди. Илоҳим, Жаҳонгирнинг руҳи шод бўлсин.

Семинарнинг учинчи, сарҳисоб куни маданий дам олиш соатларида устозлар ҳамроҳлигида Зомин шаршарасини томоша қилдик. Завқи янада жўшган ёш ижодкорлар дилқушо табиат лавҳаларини таъриф-тавсифлаб, гўзал шеърлар ёзишди, таассурот, кечинма, бадиалар битишди.

Нихоят, барчамиз кутган ҳаяжонли лаҳзалар келди. Шўъбаларда машғулоти олиб борган устозлар ёшлар ижоди юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини айтишди. Голиблар номи эълон қилиниб, олқишлар янгради. Барча ёш ижодкорларга эсдалик совғалари улашилди.

Зомин анжумани унутилмас таассуротларга бой бўлди. Хайрлашув онлари етгач, юракларда соф, самимий ҳислар жунбушга келди. Иштирокчи ёшларнинг юзларида миннатдорлик ва хуррамлик ёшлари балқиди. Шундайки, ҳеч ким бу эртақнамо маъвони ҳаргиз тарк этгиси келмас, дилбар табиат кучоғида баҳра олиб, узоқ вақт қолиб кетгиси келарди.

Шуурдаги таассуротлар камалакдек сержило, қалбдаги шукроналик туйғулари жаҳон-жаҳон: биз, катта адабиёт остонасига кириб келаётган ёш ижодкорлар Зомин семинаридан сўзга муносабат, ижод масъулияти, инсонийлик, бағрикенглик ва меҳр-садоқат сабоқларини ҳам ўрганиб қайтдик; устозлар эътибори ва юрт меҳрини янада чуқур ҳис этдик. Меҳридарё устозлар билан ҳамсуҳбат бўлиб,

қимматли маслаҳатларини олиш бахтига мушарраф бўлдик. Бу равиш етук устоз шоир ва адиблар билан ижодий мулоқотлар дунёқарашларимиз уфқини кенгайтириб, беқиёс маънавий озуқа берди, ижод имкониятларимизни очиб юборди.

Не саодатки, адабиёт оламига порлоқ орзулар билан кириб келаётган ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашда Зомин сабоқлари ўзига хос ижодий мактаб вазифасини бажариб келмоқда.

Не тонгки, юрт равнақи, маънавияти, навқирон авлод камолоти йўлида Давлат миқёсида юксак эътибор билан ташкил этилган мухташам Зомин анжуманининг нуфузи ниҳоятда баланд, улугвор. Модомики, эзгу ва қутлуғ мақсадлар йўлида улкан фаолият бошлаган Зомин семинари жуда кўп истеъдодларни кашф этиб келмоқда. Улар бугун адабиётимизда ўз овози, ўз созига эга ижодкор. Бу ўринда Уйғун Рўзиев, Нодир Жонузоқ, Шодмонқул Салом, Адиба Умирова, Беҳзод Фазлиддин, Ойдиннисо, Ойгул Асилбек қизи, Дилрабо Мингбоева, Умид Али каби кўплаб иқтидор эгаларини самимий эътироф этмоқ керак.

Дарҳақиқат, мазкур семинар иштирокчилари орасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланган ижодкорлар етишиб чиқмоқда.

Камина бирга иштирок этган семинардош ёшлардан Гулжамол Асқарова, Озода Бекмуродова ҳамда Мухтасар Тожимаматова каби истеъдодлар бугунги кунда элга таниқли шоира бўлиб етишдилар. Истеъдодли шоир, Фарғона давлат университети ўзбек филологияси адабиёт кафедраси ўқитувчиси Қаҳҳоржон Йўлчиев узоқ йиллик самарали илмий изланишлари натижасида филология фанлари бўйича фалсафа доктори унвонига эришди; шоир, филология фанлари номзоди Масъуджон Сулаймонов ҳозир Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бўйича махсус муҳбири, “Маънавият” газетаси бош муҳаррири лавозимида қизгин фаолият олиб бормоқда.

Мен яна хотирам кўзгуларида бир умр ширин тушдек муҳрланиб қолган Зомин анжуманида ёшларга ижод сирларидан сабоқ берган устозлар ижодини ҳам матбуот саҳифаларидан мунтазам кузатиб бораман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, иқтидорли шоира Шарифа Салимованинг “Шарк юлдузи” (8/2016) саҳифаларида эълон қилинган “Тўмарис” достонини камоли мамнуният туйғулари билан, такрор-такрор мутолаа қилдим. Модомики, қадим аждодларимиз массагетлар юртига ёвуз мақсадларда бостириб кирган Эрон шоҳи Кир ИИ (Кайхисрав) бошчилигидаги босқинчи қўшинлар-

га қарши Ватан озодлиги ва эрк йўлида мардона курашган малика Тўмарис матонатидан бутун дунё хануз хайратда; ҳатто Ҳеродот ва Данте каби жаҳоний улуг сиймолар ўз асарларида қахрамон момомиз матонатини мардона куйлаганки, бундан қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари янада юксалади. Тўмариснинг сувратию сийрати кўз олдимизда улугвор қиёфада гавдаланади:

*“Ҳамон кетаётир от чоптириб ул,  
Массагет тугини кўтарганча шан.  
Ахир, битта номи она Тўмарис,  
Яна битта номи она ва Ватан!”*

Атоқли адиб ва адабиётшунос устоз Отаулининг “Шарк юлдузи” журнали саҳифаларида эълон қилинган “Қиссалардан ҳиссалар” эссесини ҳам катта қизиқиш билан мутолаа қилдим ва дилимда муаллифга чуқур ташаккур изҳор этдим.

Чиндан ҳам, “мустамлака тузумнинг турфа тазйиқ ва тақиқларига қарамай, кўҳна тарихимизга қайта жон ато этишга бутун умрини бағишлаган” Миркарим Осимнинг халқимиз маънавияти, тафаккур тараққиёти ва адабиётимиз равнақига қўшган ҳиссаси беқиёс, улкан. Заҳматкаш адиб Отаули Миркарим Осим асарларини синчиклаб ўрганиб, зукко адабиётшунос назари билан чуқур тадқиқ этибди ва моҳиятан дурдона эссе битибди. Бинобарин, тақризчи, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев ҳаққоний таъкидлаганидек, “Биз асарларни мунаққид-китобхон билан қайта мутолаа қиламиз, аввалги ўқишда эътибор бермаган нуқталарга диққатни тўплаймиз ва охир-оқибатда ҳар бир асар замиридаги бадий ҳақиқатни топиш йўлида талқинчи билан баробар “ишлаймиз”.

Мазкур эссенинг яна бир эгиз номи “Миркарим Осим китоблари мутолааси ёхуд қиссахонлик” деб аталадики, бундан муаллифнинг ғоявий мақсадлари тўлақонли англашилиб туради.

Мухтасар айтганда, закий мунаққид-китобхон Отаули улуг тарихнавис ёзувчи Миркарим Осим қаламига мансуб жами олтита қиссани диққат билан мутолаа қилиб, юксак тарбиявий аҳамияти ва эстетик моҳиятини теран мушоҳада кучи билан тўлақонли очиб берган.

Зомин семинари – ёш ижодкорларни тарбиялаб вояга етказадиган истеъдод мактаби. Кўзда тутилган эзгу ният – ёш авлоднинг буюк аждодларимизга муносиб юксак маънавиятли инсонлар бўлиб камол топиши; ёш ижодкорларга адабиёт, эл-юрт, Ватан олдидаги бурч ва вазифаларини моҳиятан чуқур англантиш. Она табиат ва наботот дунёсига меҳр-муҳаббат туйғуларини юксалтириш.

Ишончимиз мутлақки, аънавий Зомин семинаридан келажакда яна кўплаб адабиёт ва маънавиятнинг чинакам фидойилари етишиб чиқади.



# МУРУНТОВ ҲАЙРАТЛАРИ

**Муболагасиз айтиш мумкинки, Навоий вилоятига қилган сафаримиз бир ён-у, “Мурунтов” конига қилган сафаримиз бир ён бўлди. Зеро, сафар давомидаги энг ҳаяжонли дақиқалар, энг ҳайратга солувчи лаҳзалар шу Мурунтов кони ва карвери билан боғлиқ. Дунёдаги энг катта карверни шундоққина тепасидан туриб қараганда уйғонувчи ажиб таассуротларни сўз билан ифодалашнинг имкони йўқ. Лекин, шундай бўлса-да, уриниб кўришга ҳаракат қиламиз.**

**М**урунтовга қилинажак экскурсия сафари-мизнинг охири кунига тўғри келди. Қизилқум чўллари бўйлаб тўрт кунга чўзилиб кетган сафар барчанинг силласини қурутди. Юрганимизда, турганимизда, кулиб, жилмайганимизда, ҳатто ухлаганимизда чарчоқнинг аломатлари кўриниб турарди. Лекин, шунга қарамай, Мурунтовни кўрмасак бўлмасди. Тошкентдек азим шаҳардан қарийб минг километр масофани босиб келиб, дунёга донғи кетган Мурунтовни кўрмай кетиб бўларканми?! Бир кун келиб бировга Навоий кон-металлургия комбинатиуф борганингни айтиб берсангу суҳбатдошинг шошиб Мурунтовнинг ҳайбати ҳақида сўраб қолса, нима деб жавоб берасан?! Ахир, қариганда набиралар учун чўпчакнамо воқеаларни айтиб бериш учун ҳам ёшликда бундай жойларни кўриб қўйиш керак эмасми?! Йўқ, бундай имкониятни бой беролмаймиз, эмаклар қолсак ҳам Мурунтов карверини кўриб қайтамиз, дедик ўз-ўзимизга. Лекин, буни қарангки, Мурун-

товни кўриш муаммони фақат бизнинг чарчоғимиз эмас экан. Ўзбекистоннинг асосий бойлигини яшириб ётган кон эмасми, у қатъий тизимда кўриқлар экан! Айрим ҳоллар мустасно қилинмаса, бу ҳудудга бегоналарнинг иси ҳам кирмас экан.

Йўл бошловчимиз комбинатнинг “Кончилар ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Низомиддин ака карверни кўриш рухсатини олиш осон иш эмаслиги бот-бот таъкидлаган бўлса-да, бир лаҳза ҳам умидимизни чўктирмадик. Хайрият, Низомиддин ака бир қанча хат-ҳужжатлар қилиб, у раҳбардан бунисига югура бошлади. Орадан бир соат ўтар-ўтмас, рухсатномани кўтариб келди. Рухсатнома қўлимизга тегганида кун асрдан ошиб қолган эди. Зарафшон шаҳридан карвергача анча масофа бор. Тезроқ ҳаракат қилмасак, кун ботиб, карвернинг бутун гўзаллигидан баҳра ололмаймиз. Ана энди, шошганимизни кўрсангиз эди. Аммо йигирма йиллик малакага эга ҳайдовчи Зокир Шомуродов микроавтобусни ишонч билан бошқариб бораркан, кўнглимизда умид учкунлари пайдо бўла бошлади. Конга келганимизда шом кирганди. Бир нечта постдаги текширувлар бироз вақтни олганини айтмаганда карвернинг кузатиш майдонига уфқда қуёш нурлари ва қоронғилик ўртасида кураш кетаётган лаҳзаларда етиб бордик. Ё, Аллоҳ! Наҳотки, инсон боласи шунга қодир бўлса?! Наҳотки, инсон боласи ўз меҳнати ва матонати билан бунга эришган бўлса?! Бир зум ақл шошиб қолди... Нафас бўғизга тикилди... Кўз чаноклардан чиқиб кетаёзди...

Қаршимизда узунлиги тўрт, эни уч километр, чуқурлиги эса етти юз метрга яқин бўлган фавкуллодда улкан чуқурлик турарди. Карер тубигача илон изидай айланиб тушган йўлларда баландлиги 9 метр, узунлиги 20 метр келадиган ва 450 тонна юкни кўтара оладиган “БелАЗ” русумли юк машиналари худди чумолилардай саф тортиб “ўрмалаб” борарди. “БелАЗ”дан ўн марта катта бўлган кўтарма кранлар эса қумурсқадай катталиқда кўринарди. Кўз шунчалик катта техникаларни аранг илғаб оларкан, пастда жавлон уриб ишлаётган минглаб одамларни илғаб олишининг умуман имкони йўқ эди.

Секин-аста қуёш нурлари қоронғиликка мағлуб бўла бошлади. Бирин-кетин пастдаги “БелАЗ”ларнинг чироқлари ёнди. Шу лаҳзада тунги осмон карверга кўчиб тушгандай эди, гўё. Чунки минглаб “БелАЗ” чироқлари худди юлдуздай чарақлаб кўрина бошлаганди.

Ҳайратимиз бироз тиниб, кўзларимиз бу мўъжизакор гўзалликка кўника бошлаганидан сўнг бизга ҳамроҳлик қилаётган кон ходимларидан Мурунтов ҳақида сўрадик. Улар эса бизга кўплаб қимматли маълумотларни беришди.

\* \* \*

Яратганнинг ўзи заминимизни бой қилиб қўйган ва Ўзбекистонга битмас-туганмас миқдорда минерал-хомашё ресурсларини инъом этган. Ўзбекистон олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух, волфрам, табиий газ ва бошқа фойдали қазилмалар захираси бўйича дунёда етакчи ўринларда туради.

Соҳа мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, юртимиз ҳудудида Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча элементлари топилади. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал-хомашё турларини ўз ичига олади. Шундан атиги 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал-хомашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланади.

Юртимиз кончилик тарихи жуда қадим замонларга туташади. Археологик маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида йирик конлар ва рангли металлларни қайта ишлаш, улардан турли буюмлар тайёрлаш Зарафшон воҳасидаги Сўғд ҳудудида тўғри келар экан.

Аждодларимиз нафақат шу юрт, балки бутун дунё кончилик салоҳиятига жиддий таъсир ўтказган. Жумладан, ўз даврининг етук қомусий олими Абу Райҳон Беруний минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқариш ва геодезия фанига асос солди. Берунийнинг бизгача етиб келган “Минералогия” асарида 30 дан ортиқ қимматбаҳо тош ва минералларнинг номлари, уларнинг кимёвий ва физикавий хоссаларини аниқлаш, эритиб синаш, конлардаги мавжуд деярли барча қимматбаҳо тошлар ва турли маъданлар, уларнинг қотишмалари ҳақида илмий маълумотлар берилган.

Юртимиз ҳудудида кончилик соҳаси ўрта асрларда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам ривожланди. Ҳар даврда янги конлар очилди, янги изланишлар олиб борилди.

XX асрнинг 50-йилларига келиб эса Ўзбекистон саноати мустабид тузум исканжасида бўлишига қарамай нисбатан ривожлана бошлади, қурилиш ишлари кенгайди, янги саноат тармоқлари вужудга келди. 1958 йил 1 сентябрда Навоий кон-металлургия комбинати (1967 йил 1 январга қадар корхона Ўрта машинасозлик вазирлигининг 2-сонли комбинати деб номланган) ташкил этилди. Зеро, шу йили жаҳон аҳамиятига молик воқеа юз берди – “Мурунтов” олтин кони топилди. Геологларнинг Ўзбекис-



тон худудида истиқболли олтин конлари мавжудлиги ҳақидаги тахминлари тўлақонли тасдиғини топди. Олтин захираларининг кўплиги жиҳатдан бу кон “Аср мўъжизаси” деб эътироф этила бошлади. Ўзбекистонлик геологлардан И.Х.Ҳамробоев, Ҳ.Т.Тўлаганов, В.Г.О.Гарковес, И.С.Цоколь, З.Л.Палейлар “Мурунгов” олтин конини очишда катта хизмат кўрсатдилар. Айниқса, мазкур коннинг очилишида академик Иброҳим Ҳамробоевнинг ўрни бекиёс эди. Олим 1920 йилнинг 5 майида Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрида таваллуд топган. Ўрта Осиё давлат университетини тугатган. Таниқли геолог олим 27 ёшида фан номзоди, 37 ёшида фан доктори, 54 ёшида эса академик даражасига етади. Иброҳим Ҳамробоев номи “Аср мўъжизаси” бўлган “Мурунгов” конини топган олим сифатида тарихимиз зарварақларига абадий муҳрланди. Қизилқум саҳроси эса йирик олтин конлари жойлашган худудга айлана бошлади.

1964-йилда “Мурунгов” кони олтин таркибли рудаларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш тармоғини яратиш ишлари бошланди. 1967-йил 1-мартда “Мурунгов” карвериди биринчи оммавий портлатиш амалга оширилди ва “Мурунгов” конини очиқ усулда ўзлаштириш бошланди. 1967 йилда академик Ласкорининг лойиҳаси асосида 2-Гидрометаллургия заводи қурилиши бошланди. Кончиларнинг олиб борган ишлари натижасида биринчи марта 1969 йил 21 июн куни тозаланган соф олтин олишга эришилди. 1969 йил 21 июлда эса яна бир оламшумул

воқеа содир бўлди – “Мурунгов” конидан 11 килограмм 820 граммлик соф олтин ёмбиси олинди.

Ҳозирги кунда “Мурунгов” кони НКМКнинг энг йирик олтин қазиб олиндиған кони ҳисобланади. Мазкур кон олтин таркибли рудаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича дунёда ҳам энг катта конлардан бири ҳисобланади. “Мурунгов”дан шу вақтгача икки миллиард метр кубга яқин руда қазиб олинганлигининг ўзи унинг олтин қазиб олиндиған конлар ўртасидаги катта ўрнини кўрсатиб турибди.

“Мурунгов”да қазииш ишлари босқичма-босқич олиб борилди. Ҳар бир босқичда карвернинг чуқурлигига қараб, энг янги техника ва технологиялардан фойдаланилади. Барча асосий технологик жараёнлар – бурғилаш, портлатиш, қазиб олиш ва ташиш бир-бирини узвий тўлдириб боради.

Кондан руда бурғиланиб, портлатиш йўли билан йиллик ҳажми 60 миллион кубометрга тенг кон жинслари қазиб олинади ҳамда уни юқорига олиб чиқилади. Коннинг бугунги кундаги чуқурлиги 600 метрга яқинлиги ҳисобга олинса, қандай катта ҳажмда иш олиб борилишини тасаввур этиш мумкин.

Кон одатда бир ёки бир неча томир ёхуд ўзгарган жинслар зоналаридан иборат бўлиб, улар кварц, карбонатлар, албит, хлорит каби минераллардан ташкил топади. Олтин шу минераллар билан бирга соф ҳолатда ёки пирит, халкопирит ёки арснопирит каби рудали минерал ичида қўшимча шаклларда учрайди. Олтин зарралари кўпинча майда бўлиб, уни оддий кўз билан жуда камдан кам кўриш мумкин





(бу йириклиги 1-2 мм келадиган доналар), Мурун-тов рудаларидаги олтин зарраларининг 50-60 фоиз ҳиссаси 00,1– 00,2 мм бўлиб, микроскопда зўрға кўринади. Шунинг учун қадимги замон кончилари уни қазимаганлар. Бу қадар майда олтинни тошдан ажратиш олиш жуда ҳам машаққатли бўлган. Рудали томирлар ёки ўзгарган жинсларнинг қалинлиги бир неча сантиметрдан 50-60 метрларгача, узунлиги эса бир неча метрдан то 2 километргача бўлади. Шунинг билан жинслар туб жинслар негизига қараб, тик ёки қия ётган девор шаклида бир неча юз метрларгача чуқурга кетган бўлади

“Мурунгов” қонида олтин қазиб олиш умумдорлигини ошириш мақсадида доимий равишда илмий-техник тадқиқотлар олиб борилиши натижасида конларда кўплаб кашфиёт ва илмий ишланмалар жорий этилиб келади. Масалан, ўзининг ноёблиги билан жаҳондаги олтин ишлаб чиқариш компанияларида мавжуд бўлмаган Тик-қия конвейери комбинат муҳандисларининг катта ютуғи бўлди. Мазкур циклик-оқимли технология-руда мажмуаси 2011 йил 17 март куни ишга туширилди. Кўтарилиш бурчаги 37 даражани ташкил этувчи Тик-қия конвейерининг лойиҳавий йиллик иш умумдорлиги 16 млн тоннага тенг бўлиб, унда қазиб олинган руда конвейер билан 270 метр юқорига кўтариб чиқариб берилади.

2013 йилда “Мурунгов” қарверидан тоғ жинсларини ташиш учун кон транспорт тизимини модернизациялаш дастури доирасида ўн учта “БелАЗ” тип-

даги 220 тонналик юк кўтарувчи автосамосваллар, 2014 йили иккита ЭКГ-20К электр экскаваторлари ҳамда 2017–2018 йилларда 20 та 240 тонналик “БелАЗ” сотиб олинди. Бугунги кунда “Мурунгов” қарвери бешинчи навбати бўйича ишлар олиб борилмоқда ва келгусида ундан 800 метр ва ундан ҳам чуқурроқда олтин қазиб олиш режалаштирилган.

2002 йили “Ўзбекистон” ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ерости конлари бўлган Зармитан, Маржонбулоқ ва Қорақўтон олтин конлари комбинат таркибига ўтказилди. Уларнинг комбинат таркибига киритилиши натижасида олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг хомашё базасини кенгайтириш имконияти туғилди. Комбинат томонидан уларни янада ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилди. Чормитан ва Гужумсой олтин конларининг истиқболлари янада кенгайди. Зармитан қонида олиб борилган тадқиқотларда олтиннинг аниқланган захиралари унда 2052 йилгача барқарор қазिश ишлари таъминланишини тасдиқланди.

\* \* \*

Кон ҳақидаги маълумотлар билан танишиб, сўнг ўз бағрида дунё бойликларини яшириб ётган улкан қарверга яна бир бор чуқур нигоҳ ташлаймиз. Энди қарвер бизга гўзал ва ҳайратли иншоот сифатида эмас, балки юртимиз, миллатимиз тараққиётининг ўчоғи, фарзандларимизнинг эртанги куни, меҳнаткаш халқимизнинг матонат рамзи сифатида гавдалана бошлади.

**Саъдулло ҚУРОНОВ**





# ТИЛЛАНИ ТОВАЛАГАН ПЕШОНА ТЕРИ

**Й**илда уч-тўрт марта турли байрам ва тўйлар муносабати билан туғилиб-ўсган юртим Бухорога йўл олар эканман, ғазал мулкининг султони бўлмиш улуғ шоиримизнинг номи билан аталувчи Навоий вилояти кесиб ўтаман. Бу йўл Буюк ипак йўлининг бир қисми. Улуғ йўл бўйида меҳнаткаш, ишбилармон, танти одамлар яшайди. Қачон ўтсам, навоийлик одамларни иш билан банд бўлганини кўрарман: кимдир қорамолларни ҳайдаб кетади, кимдир кун тифида далада тер тўкади, яна кимлардир янги иморат тиклаётган бўлади, хуллас, қишин-ёзин деярли барча тирикчилик, рўзғор ташвишида юради...

Навоийни биринчи марта кесиб ўтадиган одам Навоий шаҳри яқинига келганда димоғига аччиқ ҳаво урилади. Сезадик, яқин-ўртада завод ё қандайдир корхона бор. Менам ҳар ўтганимда шу аччиқ ҳавони ютиб, ўйлайманки, бу ерда яшаш оғир – соғлиққа зарар; кунига милён сўм берганда ҳам бу жойда яшамасдим – пичирлайман ўзимга ўзим. Лекин... мен, ўз жонини севадиган одам, унутаманки, бу ерда кунига милён сўм даромад топмаса ҳам кун кечираётган, уй-жой солиб фарзанд ўстираётган, тўй қилаётган, келажакка катта умид билан интилаёт-

ган меҳнаткаш Халқ бор. Шу халқ орасида эса бир кунлик умрининг ярмидан кўпи катта-катта завод ва комбинатларда, кону шахталарда кечадиган Қаҳрамонлар бор...

\* \* \*

Навоий вилоятига хизмат сафари билан боришга тўғри келди. Қаерга денг, Ўзбекистоннинг фахри бўлган, юртнинг фаровонлигига катта ҳисса қўшиб турган Навоий кон-металлургия комбинати, олтин конларига, шахталарга, заводларга. Режамизда комбинатда ўз меҳнати билан касбдошлари орасида ажралиб турадиган, бошқаларга ўрнак бўла оладиган ишчи-хизматчилар билан ҳам танишиб, суҳбатлашимиз керак эди. Менинг суҳбатдошим қорамғиз, юз-кўзларидан анча вазмин ва босиқ экани кўриниб турадиган тилла қувчи эди...



Исрофил. Бу сўзни эшитган одам борки, рўзи Қиёматда сур чаладиган фариштани эсга олади. Лекин шу ном кимнингдир исми дейилса, кўпчилик ишонмайди. Менинг суҳбатдошим айнан шу ноёб исм эгаси эди. Исрофил аканинг фақат исми ноёб эмасди. Унда бугунги кунда ноёб бўлган ғурур, номус, тақдирдан розилик, ҳалоллик каби хислатлар ҳам жам эди. Бу унинг кўзларида, гап-сўзида, фикр-лашида акс этарди.

...Ёш Исрофил болалигида ота-онасининг етовида ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида бир неча марта нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда машҳур бўлган Зарафшон шаҳрига меҳмондорчиликка келади. Хатирчида туғилиб, кенг адир ва тоғлар бағрида яшаган болакайга Зарафшон орзусидаги шаҳардай кўринади. Ҳар сафар келганида Зарафшонга бўлган муҳаббати алангаланган Исрофил “Катта бўлсам, шу ерда яшайман, ишлаб уй ва машина оламан, ота-онамни ҳам шаҳарга олиб келиб, бирга яшайман”, дея эзгу ниятни ўша пайтларда дилига тугиб қўяди.

Исрофил ака 1986 йили ишчи-хизматчи оиласида туғилган. Оилада тўнғич фарзанд, уч синглиси бор. Оилада битта ўғил фарзанд бўлса, одатда, эрка, сал боқибегам ўсади. Ота-она ҳам “Худодан тилаб олган яккаю ягона арслоним” деб, алоҳида меҳр билан улғайтиради. Эрка фарзанд бўлиб ўсган бўлсангиз керак, дегандай Исрофил акага маъноли қарайман.

– Фарзанд тарбияси билан, асосан, отам шуғулланган. Назорат, тартиб-интизом жойида бўлган доим. Ўқиш, уй-дала ишларини доим отам билан бирга бажарардим. Отамдан кўп нарсани ўрганганман: эркаклик ғурури, ор, ҳамият, ҳалоллик. Баъзан оиладаги ўзимни отам билан солиштираман: отамга қанчалик ўхшаяпман, деган ўй билан...

– Отангиз ҳам кончи бўлганларми? Ўзи қандай келиб қолгансиз бу ерга.

– Йўқ, отам бутун умр қишлоқ хўжалигида ишлаганлар. Ёшлигимдан менга фалон касбни эгалла, кончи бўл ҳам демаганлар. Коллежнинг техника йўналишини битиргач, тақдир тақозоси билан Зарафшонга келдим. Малака суҳбатларидан ўтгач, иккинчи металлургия заводига ишга кириш насиб этди. Мана, 12 йилдан бери ишляпман...

Навоий кон-металлургия комбинати мамлакатимиз саноатининг нуфузли корхоналаридан бири ҳисобланиши барчамизга маълум. Олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик мажмуалардан бири бўлган Марказий кон бошқармасига қарашли 2-Гидрометаллургия заводи эса ана шундай йирик комбинатнинг қонтомирларидан бири. Қаҳрамонимиз айна шу ерда меҳнат қилади.

2-Гидрометаллургия заводининг қурилиши 1967 йилнинг май ойида бошланган бўлиб, асрий Қизилқум бағрида кўркам воҳа, замонавий шаҳар, қатор корхоналар бунёд этилишига пойдевор яратган. Заводнинг биринчи навбати қисқа муддатда – икки йилу икки ойда қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилган эди. 1969 йилнинг 21 июли нафақат завод, балки чўллар қаърида яшириниб ётган табиий бойликларни қидириб топиш ва уларни юрт истиқболи, инсонларнинг фаровон турмуши йўлида ўзлаштиришга жидду жаҳд қилган Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ҳаётида ҳам абадий битилиб қоладиган сана бўлди. Шу куни заводда оғирлиги 11 килограмм 820 грамм бўлган биринчи олтин ёмбиси қуйилади.

Бугунги кунда олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик корхоналардан ҳисобланган 2-Гидрометаллургия заводи фаолият кўрсатаётган ўтган 50 йиллик даврида 1,1 миллиард тонна рудани қайта ишлади.





Улкан замонавий саноат мажмуасида матонатли, мустаҳкам иродали, мураккаб техникавий ва муҳандислик масалаларини ҳал этишга қодир турли миллат вакилларида иборат фидойи инсонлар, устозу шогирдлар меҳнати билан таркибида қимматбаҳо металл бўлган рудани майдалашдан бошлаб, ундан тайёр маҳсулот ажратиб олиб, олий сифатли қуйма олтин ҳосил қилишгача бўлган технологик жараёнлар тўлиқ амалга оширилади.

Қаҳрамонимга зимдан диққат билан қарайман: турли кислота ва кимёвий моддалар сабаб қўллари куйган, қорайган, доғлар бордек; юзларида бир неча йиллик толиқиш сезилиб туради. Ҳа, меҳнати оғир, дейман. Беэтибор ўзимнинг қўлларимга кўзим тушади: шаҳарнинг нуқси урган – оқ ва нозик, кесилган, куйган, қабарган жой йўқ. Ўзимча хаёлан чамалашга ўтаман: ким юртга кўпроқ наф келтиряпти – енгил тош босадиган нимарсалар ёзиб, 500-600 кишига (обуначиларга) мақола ёзаётган журналистми ёки ер қаъридан олинган тупроқ орасидан зарраларни саралаб, зарга айлантираётган замонамиз алкимёгарими?

– Тилла билан ишлаш қизиқ бўлса керак-а?

– Ҳа, қизиқ. Лекин меҳнати оғир. Айтайлик, БелАЗ машинаси темир аравасига сиғадиган маъданли тупроқни кимдир қовлаб олади, уни кимдир машинада белгиланган жойга олиб бориб тўқади, ўша тупроқ поездда чақиримлар босиб заводга келади. Турли жараёнлардан ўтиб, ярим тайёр маҳсулот ҳолида келади. Биз эса уни турли кимёвий жараёнлар воситасида соф олтинга айлантираемиз. Бир “БелАЗ” машина орқалаган тупроқдан, фараз қилинг, бир сиқим тайёр маҳсулот чиқади. Тайёр бўғунича бир неча юзлаб одамларнинг пешона тери тўкилади...

Дарҳақиқат, Исрофил ака рост айтаётган эди. Сухбатнинг эртаси куни бизга заводларни таништиришди, иш жараёнлари, техникаларнинг ишлаш механизмлари ҳақида тушунчалар беришди. Қўллар, бўйинлар, қулоғу тишларимизни безаб турган олтиннинг чиғириқдан ўтиб, олтинга айланарди. Гўёки маъданга пешонадан оққан тер жило ва тиниқлик берарди, у олтин қўллардан ранг оларди.

2-Гидрометаллургия рудани тайёрлаш, майдалаш, қуюлтириш, тайёр маҳсулотлар, таъмирлаш – механика цехлари, завод марказий лабораторияси ва саккизта ёрдамчи участка ишчи-хизматчилари, муҳандис – техник ходимлари ана шундай масъулиятли ва шарафли вазифани сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Улар орасида, шак-шубҳасиз, Исрофил аканинг ўрни ҳам бор.

Корхона маҳсулотининг олий сифатлилиги халқаро ташкилотларнинг юксак даражадаги эътирофига



сазovor бўлаётир, бу, албатта, аҳил жамоанинг яна бир катта ютуғидир. 1994 йили Лондон Қуймалар бозори ассоциацияси Арбитраж лабораторияси томонидан 2-Гидрометаллургия заводи олтинида оптимал маҳсулот мақоми берилди. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган олтин жаҳон стандартлари талабига тўла жавоб беришининг тасдиғидир. Эндиликда Ўзбекистоннинг олтин қуймалардаги тамғаси бутун дунёда маҳсулот юқори сифатининг нишонаси бўлиб тан олинмоқда. 1998 йили Навоий кон-металлургия комбинати олтинида Токио саноат маҳсулотлари биржасининг сифат сертификати берилди. 2012 йилда ўтказилган синовда ҳам корхона маҳсулоти сифати яна қайта юқори баҳоланди.

– Об-ҳаво сал ёмонроқ экан бу ерларда дейман суҳбатимиз давом этаркан. Заҳарли тутун чиқади, турли кимёвий жараёнларнинг зарарли таъсири бор. Қолаверса, айтишларича, бу ерда қиш ҳаддан зиёд совуқ, ёз эса жуда иссиқ бўларкан. Ҳеч хаёлингиздан ўтганми, 5-10 йил ишлаб, оилавий иқтисодимни яхшилаб, бирор бизнес ёки бошқа касбни танлаб, қишлоғимда, тоза ҳаволи тоғлар қўйнида яшайман, деб?

– Йўқ, асло. Чумчуқдан кўрққан тариқ экмайдим, деган гап бор-ку! Заҳарли ҳаво ютасизми-тоза

ҳавоми, барибир инсон тақдиридаги битилган умрни яшайди. Мана, дунёнинг энг ривожланган давлатларига қаранг, ҳаммасида катта-катта заводлар, корхоналар ишлаб ётибди. Экологик жиҳатдан бизникдан ўн чандон хавфли ҳудудлар бор. Эртаси аниқ бўлмаган атом станция ва заводларни айтинг! Бизнинг ҳудудлар, ҳарҳолда, чўл ўртасида, одамлар яшайдиган ҳудудлардан анча олис. Лекин нима борки, тер тўкмасдан, заҳмат чекмасдан роҳатга эришилса. Кон-металлургия тизимида 70 мингдан ортиқ ортиқ одам ишлайди. Яратган эгамиз шу минглаб инсонлар қатори менинг ризқимни ҳам шу маъданлар орасига сочган экан, шукр қилиб, ишлайверамиз.

Дарҳақиқат, комбинат тизимида 70 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Шу етмиш минг киши юртмизнинг деярли барча ҳудудларидан келишган, уларнинг топган ризқи ортидан эса оиласи, ота-оналари туз тотати (ўрта ҳисобда олти киши. Энди ҳисоблаб кўраверинг:  $70\ 000 \times 6 = 420\ 000$ . Демак, ушбу завод салкам ярим миллион кишининг қорнини тўқ, устини бут қиляпти).

Навоий кон-металлургия комбинати ўз ходимларининг меҳнати қадрлайдиган ташкилотлардан энг кўзга кўрингани (буни менга шерик бўлиб борган ҳамкасбларим ҳам тан олиб айтишди). Юртимизнинг энг сўлим ва хушманзара жойларининг тоғ-ён бағирларида санаторий-оромгоҳлари, дам олиш масканлари, шифохоналари бор. Ҳар бир ишчи-ходим йилда бир марта хоҳласа ўзи, хоҳласа оиласи билан дам олиб келиши мумкин.

Шундай тизим яратилганки, кон-металлургия соҳаси ходимининг фарзандлари она қорнида пайдо бўлганидан комбинатга қарашли поликлиника ва касалхона назоратида бўлади. Туғилиб, тетапоя бўлгач боғчага қўймоқчи бўлган ота-оналарга комбинатнинг мактабгача таълим муассасалари мунтазир. Кончи-металлургнинг фарзанди мактаб ва олийгоҳда ҳам ота-онаси меҳнат қиладиган ташкилот сийловидан бебаҳра қолмайди. Ҳатто катта бир муассасага бутун бошли университет берилган.

Шулар ҳақида ҳаяжонланиб гапираётганимда Исрофил ака яна ҳайратимни оширди:

– Ҳатто комбинат тизимида меҳнат қилган фахрийларга байрам ва танталарида моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатилади, ўзимиздаги санаторийлар билан бирга Иссиққўл,



Ялта каби курорт шаҳарларга ҳам йўлланма асосида жўнатишади. Комбинат бир оиладек гап, дўстим. Ҳамма ҳаётдан, меҳнатидан, шарт-шароитлардан рози – оила фаровон-да.

Ҳозир олтмишга кирган ва ота-онаси шу тизимда ишлаган комбинат ходимлари билан бир суҳбатлашинг, ҳаётининг ҳар бир они шу ташкилот билан боғлиқ. Туғилганидан бошлаб комбинат сийловида ўсган киши агар ўзи ҳам улғайиб шу ерда ишлаб, нафақага чиққан бўлса, нафақадаям комбинат уларни ташлаб қўймайди: моддий ёрдамлар бериб туради, байрамларда йўқлайди, дам олиш масканларига жўнатиб туради.

Исрофил аканинг гапларида ёлғон йўқ эди. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун яратилган шароитларни кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Кейинги йилларда комбинат ташаббуси билан Зарафшон шаҳрида “Нептун” сув ҳавзаси капитал таъмирланди, Навоий шаҳридаги “Сўғдиёна” стадиони реконструкция қилинди, Зафаробод кўрғонига “Янги ҳаёт” спорт мажмуаси ва ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Учқудуқда барпо этилган “Орзу” истироҳат боғи бугун шаҳарликларнинг энг сеvimли дам олиш масканига айланди. Ёшларнинг дам олиши, эҳтиёжи, қизиқиш ва интилишлари ҳисобга олиниб, Учқудуқда “Келажак” ёшлар маркази кўркам маскани ишга туширилди. Зарафшон ва Зармитанда болалар аквапарки, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Зафаробод кўрғонига барпо этилган бири-бирдан гўзал мусиқали фавворалар барчага завқ ва ҳузур бағишламоқда. 2018-йилда Нуробод шаҳрида “Кўзмунчоқ” болалар боғчаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Корхонада болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ёзги таътил мавсумида ишчи-ходимларнинг ўн мингдан ортиқ фарзандлари шаҳар ташқарисидаги ва шаҳарда жойлашган 11 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида мириқиб дам олишаркан. Айтишларича, оромгоҳларда болалар мазмунли ва мароқли дам олиши, бўш вақтларида турли тўгаракларда қатнашиб, ўз билим ва салоҳияти-

ни мустаҳкамлаши учун ҳар томонлама қулайликлар яратилган. Дарҳақиқат, комбинатнинг “Паҳлавон”, “Болажон”, “Сармиш”, “Сўғдиёна”, “Зарафшон” ва “Келажак” болалар соғломлаштириш оромгоҳлари табиатнинг сўлим ва хушманзара жойларида жойлашган бўлиб, улар мамлакатимиздаги энг яхши масканлар қаторида эътироф этилган.

– Оилангиз ҳақида ҳам гапириб беринг.

– Икки қизим бор. Каттаси мактабда ўқийди, кичиги боғчага боради. Аёлим ҳам шу комбинат тизимида ишлайди. Шукр, топганимиз рўзгоримизга етади. Қишлоққа борсак, ота-онамга, сингилларимга совға-саломлар элтамиз, рўзгорнинг кам-кўсти бўлса, тўлғазиб қўямиз.

– Ҳафтада неча кун ишлайсиз?

– Беш кун.

– Демак, оилавий дамолишга, болалар тарбияси билан шуғулланишга шанба-якшанба кунлари вақтингиз бўларкан. Дарвоқе, фарзандларингиз тарбиясида ўрнингиз қандай?

– Фарзандлар тарбияси билан кўпроқ аёлим шуғулланади. Менинг асосий вақтим ишда ўтади-ку. Шу сабаб бу борада аёлимга ишонаман ва суянаман.

Очиғи, ўзимни идеал ота деб айтолмайман. Сабаби, эрталабдан кечгача ишда бўламан. Ишдан кеч чарчаб қайтгандан сўнг, тўғриси, болаларга ҳам вақт ажратолмай қоламан баъзан. Лекин дам олиш кунлари қизларим билан кўпроқ бирга бўлишга ҳаракат қиламан. Истироҳат боғларига обораман, дўконларга кириб, совғалар олиб бераман. Баъзан қишлоққа кетамиз: ҳам ота-отамни хурсанд қиламан, ҳам болаларимни.

– Исрофил ака, сўз ортида ишлаётган одам сифатида барчадан битта нарсани, албатта, сўрайман. Сизга ҳам шу саволни берсам... Мана, болаларингиз энди ёзув-чизувни ўрганиб, илм ёшига етибди. Уларга китоблар ҳам олиб берасизми? Умуман, оилангизда маънавий муҳит қандай?

– Олий таълимда ўқимаганман, ўзимни зўр китобхон ёки газетхонман ҳам деёлмайман. Лекин қизларимга тез-тез янги эртак китоблар олиб бераман. Ўзимизнинг ташкилотнинг каттагина кутубхонаси ҳам бор. Аъзо бўлганман. Шу ердан ҳам китоблар олиб бораман уйга. Ишонсангиз, кичкина қизим ҳар кеча эртак эшитмаса, ухламайди. Қиз бола отага меҳрибон бўлмайдими, мен айтиб беришимни истайди. Бола – пошшо, пошшонинг амри эса бош устига. Ҳар кун эртак ўқийвериб, рости ўзим ҳам анча эртакларни ёд олганман. Қизим баҳонасида ўзим ҳам китобхон бўпқолдим.

– Уларнинг ўқиши, ёзув-чизувугига аёлингиз масъул бўлса керак-а? Сиз барибир эртак айтиб, қутилиб қолсангиз керак?

Исрофил ака кулиб, гапини давом эттиради:

– Ҳа, аёлим шуғулланади. Аёлим ҳам олий маълумотли эмас, аммо келажак учун керак, фарзандларимизга ҳам тарғиб қиламиз, деб инглиз тилини ўрганди. Ҳозир инглизча яхшигина гапира олади. Онасининг талаби ва ёрдами билан катта қизим тил ўрганишга қизиқиб қолди. Ҳозир у ҳам мактабда аълочи, энг яхши чет тили ўрганувчиси...

Исрофил ака билан суҳбатимиз анча давом этди. Унинг меҳнати, заҳмати, ҳақиқатан таҳсинга лойиқ. Ҳавас қиларли касб эгаси. Меҳнатидан рози, оиласидан кўнгли хотиржам, фарзандлари келажакдан умидвор ҳамсуҳбатимиз “Шуҳрат” медали соҳиби. У камтарона меҳнатимга жуда катта эҳтиром бўлди бу медал, деди суҳбатимиз сўнгида. Ниятимиз шуки, ватан тараққиёти, юрт истиқболи, халқ фаравонлиги учун сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилаётган Исрофил акадек кончилар, механиклар, олтин қуювчилар – барча комбинат ходимларининг ҳар бири қаҳрамон, ҳар бири буюк жасорат эгаларидир. Қўллари дард кўрмасин, деймиз!

**Хусан МАҚСУД**





## ТОЛЕИНГДАН АЙЛАНАЙ, ВАТАН!

Ватан, сени суйдим жонимдан,  
Ватан, сени саждагоҳ билдим.  
Фурурландим, шавкат-шонингдан,  
Қучоғингда мен яйраб кулдим.  
Дилдан армон кетганга, шукур.  
Шу кунларга етганга, шукур.

Ўзбекистон – жаннатмонанд ер,  
Тупровида дур-гавҳар унгай.  
Заҳматкаш халқ ҳалол тўқар тер,  
Кафтларига барака қўнгай.  
Истиклолга топа олди йўл,  
Чорвадору бободехқон – эл.

Бовларингга қилдим тавалло,  
Сархил мева болидан тотдим.  
Тоғларингга қилдим тавалло,  
Овушингда ўзни йўқотдим.  
Кўрганларим – мисли оппоқ туш,  
Кекса-ёшинг замондан сархуш.

Қуёш сочар ҳовуч-ҳовуч нур,  
Таратади ой ёғду сим-сим.  
Ҳар ўтган кун бағишлар ҳузур,  
Яшаи бахти бокира тилсим.  
Бу ҳаётда умр – олий бахт,  
Шукроналик – улкан тожу тахт.

Толеингдан айланай, Ватан,  
Улуғлагум ҳамиша, ҳар он.  
Юксакларга шайланай, Ватан,  
Менга бергин заррача имкон.  
Меҳнатлардан толмасин билак,  
Ватан учун яшасин юрак!

ДАВРОН ОШАЁТГАН  
ДОВОНЛАР

**Ю**ртимизнинг турли жабҳаларида иқтидори, истеъдоди, билимини намойиш этган, Ватан равнақиға хизмат қилаётган, тенгдошларига намуна бўлаётган навқирон йигитларни рағбатлантириш борасида таъсис этилган “Мард ўғлон” давлат мукофотининг бу йилги тақдирлаш маросимини ойнаи жаҳонда кузата туриб, фидойи ёшлар орасида Даврон Намозовга кўзим тушди. Тўғриси, мукофотни ўзим олгандек қувониб, дилим ҳаяжонга тўлиб кетди.

Даврон билан Зарафшон шаҳрига борганда, Марказий кон бошқармасининг Маънавият хонасида анча суҳбатлашган эдик. Ушанда бошқарманинг ахборот хизмати ходими Нафосат Зиёева кўзларида самимиёт балқиб турган, новча-норгул йигитни “комбинат тизимиға инновация олиб кирган ёш ихтирочимиз” деб ифтихор билан таништирганди. Бу мақтовдан Давроннинг юзлари қизариб, ерга боққанди. Камтаринлик – инсон дилининг ойнаси: йигитга ҳурматим ошганди ўша лаҳзада...

Даврон Намозов Марказий кон бошқармаси Тармоқлар ва подстанциялар цехида муҳандис бўлиб ишлайди. Навоий давлат кончилик институтида таҳсил олган. Олийгоҳда ҳам доимо фаол ёшлар қаторида бўлиб, кўплаб изланишлар қилган. Шу боис ҳам битирув малакавий ишини “Муқобил энергия бўйича подстанция қуриш” мавзусида ёзган. Бунда Навоий кон-металлургия комбинати тизимида қуёш энергиясидан оқилона фойдаланишни жорий қилишнинг афзаллиги хусусида илмий-назарий қарашлари акс этган. Айни дам ҳам унинг ихтиролари иш жараёниға татбиқ қилинмоқда.

Даврон ёш бўлса ҳам, ўз ишининг ҳадисини олган. Тадқиқот ишларини лўнда қилиб, маромиға етказиб тушунтиради.

Сунъий тоғлар ҳосил бўлган қум уюмидан ишқорли эритмалар асосида олтин олинади. Атрофда чанг-ғубор кўтарилади. Юқори кучланишли қурилмаларға қўнган чанг ёғингарчилик мавсумида лойға айланади. Бу ҳолатда туташувлар юзага келиб, ёнғин оқибатида ҳалокатлар содир бўлади. Бу дилхираликлар йиллар мобайнида кўплаб салбий оқибатларға олиб келган, ҳаттоки, инсон ҳаёти фожиали яқун топиши ҳодисаларини ҳам келтириб чиқарган. Даврон бу борада изланиш олиб бориб, ўткир зеҳни ва зийраклиги билан оддий ечим топди. Юқори кучланишли қурилмаларда электр тоқини ўтказувчи дастакларда ўрнатилган чинни “чойнак”лар устиға резина қопламали “қалпоқча”лар кийдириш жоизлигини тавсия этди. Бу тасаввуримизда кўзқоринни эслатади. Ушбу ҳолатда резина “қалпоқча”лар қор-ёмғирдан келадиған намликдан электр узаткичларни тутиб турган чинни “чойнак”ларни ҳимоя қилади, туташувлар содир бўлмайди. Оқибатда қанча хавф-хатарнинг олди олинади.

Ёш ихтирочининг яна бир изланиши коммуникация воситалари юксак даражада ривожланаётган даврда, ундан оқилона фойдаланиш, иш жараёниға камхарж усулларни жорий этишға қаратилган.

Қум денгиздек мавжланиб турган Қизилқумнинг адоқсиз кенгликлари узра дуторнинг торидек тортилган электр тоқи узаткичлари шаҳарларға бемисл ёруғлик, заводу корхоналарға куч-қувват бахш этиб туради. Ушбу ҳаёт томирларининг қай бир жойида узилишнинг содир бўлиши меҳнат жараёнининг тўхтаб қолишиға, оқибатда катта миқдорда зарар кўрилишиға сабаб бўлади. Шу боис улкан электр узаткичлар бўйлаб назоратчилар доимий кузатув олиб борадилар. Чўлнинг изғирин совуғи, жазирама иссиғида неча жоннинг саргардон саҳро бўйлаб тинимсиз кезиши, носозлик келиб чиқиши мумкин бўлган манзилни аниқлаш – кўп ишчи кучи ва катта техник харажатларни талаб қилади. Иқтидорли ёш ихтирочи Даврон Намозов электр узатиш қурилма-



ларининг доимий кузатув ва назоратини учар қурилмалар – дронлар орқали амалга оширилишини энг камхарж ва қулай усул сифатида тавсия этади ва бу жараённинг амалга оширилишида инновацион таклиф ва мулоҳазаларини билдиради.

Даврон билан суҳбатлашар экансиз, унинг тиниқ фикрлари, бой тафаккури, илми ва зиёси орқали юртга, касбига муҳаббатини ҳис қилиб руҳингиз озик, танингиз қувват олади:

– Ихтиролар эҳтиёжлар сабаб юзага келади, – дейди дадиллик билан қаҳрамонимиз. – Ҳаёт мавжуд экан, эҳтиёж ҳам ҳамиша бор, ихтиролар учун изланишлар давом этаверади.

Давроннинг отаси Зокир Намозов Темир йўл транспорти бошқармасида чилангар бўлиб ишлайди. Онаси Дилбар Каримова Марказий кон бошқармаси тасарруфидаги 3-санитария қисмида стоматолог-врач бўлиш ишлаган, айна дамда нафақада. Даврон оилада учинчи фарзанд: акаси Суннат Намозов Навоий давлат кончилик институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Укаси Дониёр Роббимов Жанубий Кореяда ахборот технологиялари йўналишида таҳсил олади. Оиланинг барча фарзандларида илмга, янгилик ва изланишга иштиёқ биланд.

Даврон шу йили оила аталмиш қўрғонга пойдевор қўйди. Йигит киши борки, ўзига ёр танлаётганда, унинг амалини ҳам, феъл-атворини ҳам волидаи муҳтарамасига ўхшашини чин дилдан истади. Ақли расо йигит Шохидада ана шу фазилатларни кўрди ва уни бахт қасрига ойдек келин қилиб

олиб кирди. Турмуш ўртоғи Шохида Шойимова айна дамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таҳсил олади.

– Болалигимда ҳарбий соҳада ишлашни орзу қилар эдим, – дейди беғубор чоғларни хотирлаб Даврон. – Юртга чинакам хизмат қилиш учун ҳарбий бўлиш керак деб ўйлардим, чоғи. Халқнинг, Ватаннинг қорига яраш учун касбу қор ажратилмас экан. Мамлакатимизнинг улкан тармоқларидан бирида ишлаётганимдан фахр-ифтихор туяман. Ҳали бу меҳнатларим танлову мукофотларга арзимаса ҳам, бир неча бор рағбат олдим. Бу мукофотларни киф-тимга қанот деб биламан, қанотнинг ҳам масъулияти бўлади.

Даврон Намозов 2017 йилда Навоий кон-металлургия комбинати тизимида “Энг ёш энергитик”, 2018 йилда “Энг ёш инноватсион ғоя” тановлари ғолиби бўлди. Республика Ёшлар иттифоқи томонидан “энг ёш ихтирочи” деб топилди. Жорий йилнинг июл ойи сўнгида “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

Саҳрода довонлар йўқ, бироқ йигит киши борки, унинг олдида ҳаётнинг, тирикликнинг улкан довонлари бўлади. Бу довонларни ошган инсоннинг тафаккури теранлашиб, онги равшанлашиб, куч-қувватга тўлиб бораверади. Демак, довонлар – синов, эр-йигитни тоблайти, чиниқтиради. Даврон ошаётган довонлар ортида аминмизки, офтобдек балқиб турган ойдин манзиллар кутиб турибди.

**Шерзод ХУДОЙҚУЛОВ**







## УМР ҲИКМАТИНИ АНГЛАШ БАХТИ

*Тонг отмоқда. Улузвор қоялар бағридан кўтарилиб чиқаётган азим қуёш атроф-жавонибга ҳарир нурларини соча бошлаган.*

**К**ўксига офтоб теккан қоя-тошлар, қир-адирлар энтикиб, бироз эринчоқлик билан уйқудан тураётгандай, иссиқдан танаси қовжираб қолган янтоқлар эса тонгги майин шамол ҳавога кўтарган кум зарралари билан ўйнашиб, рақсга тушаётгандай, гўё. Нақадар гўзал манзара! Иш вақтининг айни шу лаҳзалари машинист ёрдамчиси Охунжонга олам-олам ҳузур бағишлайди.

Туни билан мижжа қоқмай, ўнлаб қурилмаларнинг созлигини текшириб, уларга ўрнатилган кўрсаткичлардан нигоҳини узмай чиққан йигитнинг ҳорғин танаси шу лаҳзалардан қувват олади. У тепловоз дарчасидан бошини чиқариб саҳройи еллар ташиётган ажиб ислардан тўйиб-тўйиб нафас олади. Темир йўл ва тепловоз гилдиракларидан чиқаётган товушлар унинг қулоқларида худди мусиқадай жаранглайди. Шу онда қуёш нурларидан куч олиб уйғонаётган она табиат сингари йигит чехрасига ҳам нур оралайди. Қабарган кўзлари, ёноқларида табассум акслана бошлайди.

Охунжон Носиров “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг Марказий кон бошқармасига қарашли Темир йўл транспорти бошқармаси Локомотив хизматида тепловоз машинисти ёрдамчиси бўлиб иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин у шу қисқа вақт ичида катта ишлар қилишга, ўз ғоя ва ихтиролари билан НКМК корхонасининг, алалхусус, давлатнинг харажатларини қисқартиришга эришди. Охунжоннинг биргина лойиҳаси эвазига энди комбинат ҳар йили 80 миллион сўмни тежаб қолади. Машинист ёрдамчисига эса бундай лойиҳадан бештаси бор!

Ҳар нарсага қизиқувчан Охунжон турли ускуна ва буюмлар яшашни болалиқдан бошлаган. У болалиқда ўзининг содда ихтиролари билан уй юмушларини, хўжалик ишларини осонлаштиришга ҳаракат қиларди. Охунжон мактабда ҳам аълочилиги, ташаббускорлиги ва тиришқоқлиги билан бошқа ўқувчилардан ажралиб турарди.

Қаҳрамонимиз мактабни тугатганидан сўнг ҳарбий хизматга кетди. Хизматдан кейин эса Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ўқишга кирди. У фақат ўқиш билан чекланиб қолмади. Устозларидан олган қимматли сабоқларини тезроқ амалиётда ҳам қўллаб кўргиси келди ва Тошкент Темир йўл транспорти таъмирлаш ташкилотига ярим иш ўрнида ишлай бошлади.

“Ҳозир ўйласам, – дейди Охунжон, – Тошкентда ҳам ишлаб, ҳам ўқиб жуда тўғри қилган эканман. Аслида, ўшанда ишга мажбурият юзасидан киргандим. Ўқишга контракт асосида қабул қилинганман – оз бўлса-да оиламга ёрдамим тегсин дегандим.

Лекин кўпчилик ўқишининг қолиб кетади, олдин фанларни яхшилаб ўзлаштириб ол, дея мени қайтармоқчи ҳам бўлганди. Лекин, мана, бунинг ҳузурини ҳозир кўряпман. Ўқишни битириб бу ерга келишим билан бошим гангиб, қийналиб қолганим йўқ. Тез фурсатда ишга ўрганиб, шўнғиб кетдим, устозларимнинг, корхона раҳбарларининг эътиборига тушдим”. Чиндан ҳам ўқиш бошқа, иш бошқа экан.

Бошқа курсдошлари ўз билимларини амалиётда тузукроқ қўллаб улгурмай, Охунжон олдинроқ йиғган тажрибаси билан катта марраларни забт эта бошлади. Устигаустак, Охунжон комбинатнинг энг тажрибали, энг моҳир машинистига шогирд бўлиб тушгани йигитнинг омади келганидан дарак бериб турарди.

Тажрибали машинист Мусо Комилов эса қўл остига зийрак ва тиришқоқ шогирд келганидан хурсанд бўлиб, бор билимларини Охунжонга ўргата бошлади. Шогирднинг айтишича, устози билан илк кўришган куни Мусо ака унинг қўлидан ушлаб, худди биринчи синф боласидай тепловозни айланиб, қурилмалар билан таништириб чиққан. Шу ўринда, Мусо акадан НКМКда машинист ва унинг ёрдамчи фаолияти нималардан иборат эканини сўрадик.

“Мен машинист, Охунжон эса менинг ёрдамчим. Биз шу кон фаолияти учун махсус қурилган темир йўлда тепловозни бошқарамиз. Содда қилиб айтганда, руда конидан вагонларга ортилган рудани заводга элтиб берамиз. Тепловозга 11 та вагон боғланган. Бир мартада 1200 тонна рудани элтиб беришимиз мумкин. Мен бу касбда шунчалик кўп ишладимки, вагонга ортилган руданинг рангига қараб унда олтин кўп ёки кам эканини ҳис қиладиган бўлиб қолдим, – кулади тажрибали қаҳрамонимиз. – Бундан ташқари, комбинат учун зарур бўлган ёқилғи ва озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам ташиймиз. Қисқаси, темир йўл тизими заводнинг ўқ томири ҳисобланади. Бемалол, бизнинг ишимиз энг муҳими деб айтишим ҳам мумкин. Бизнинг фаолиятимиз тўхтаб қолса, заводдаги иш ҳам тўхтайдди. Хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Битта кичик хато заводга миллиард сўм зарар келтириши ҳеч гап эмас. Тепловоз бир соат юрмай қолса бас, шу кунга белгиланган план топширилмай қолади. Шу бир соатлик “танаффус”нинг жазосини бир йил давомида кўришимиз ҳеч гап эмас”.

Мусо аканинг гапида чиндан ҳам жон бор.

Ўзбекистон бюджетининг катта қисмини ташкил қилувчи завод руда – хомашё йўқлиги учун атиги бир соат ишламай қолса нима бўлади?! Хуллас, бу қаҳрамонларимиз жуда масъулиятли вазифада ишлар экан.

Кондаги темир йўлларда тепловознинг ҳаракати туну кун тўхтамайди. Машинист ва машинист ёрдамчилари бир суткадан ўрин алмашиб ишлашади. Бир кун иш, бир кун дам. Ишчиларни олиш учун эрталаб 6:10 За-рафшон шаҳрига автобус етиб келади. Заводга келган ишчилар аввало нонушта қилдилар. Бу жуда ҳам муҳим. Уйдаги овқат билан завод ишчи-ходимлари учун тайёрланган махсус овқат рационани анча фарқ қилади.

*Мен бу касбда  
шунчалик кўп  
ишладимки,  
вагонга  
ортилган  
руданинг рангига  
қараб унда  
олтин кўп ёки  
кам эканини ҳис  
қила-  
диган бўлиб  
қолдим*



Завод мутахассислари иқлимий шароит ва ишчиларнинг саломатлигини ҳисобга олиб “меню”даги овқатнинг ҳар бир граммига жиддий эътибор қилади. Дастурхонга тортилган таомнинг ҳар бир граммида етарлича калория ва витаминлар бўлиши таъминланган. Бу эса ишчиларнинг ноқулай об-ҳаво шароитида фаолият юритишига қарамай соғлом турмуш кечиришини кафолатлайди, айти дамда, иш самарадорлигини оширади.

Иш вақти соат 8:00 да бошланади. Биринчи галда, тепловоз улардан олдинги навбатчи гуруҳдан қабул қилиб олинади. Тепловоз ишга соз ҳолатда эканини аниқлаш учун барча қурилмалар текширилади, вагон филдиракларига махсус болга билан уриб, уларнинг ёқимли товушига қулоқ тутилади. Қаҳрамонларимиз ҳаммаси кўнгилдагидек эканига амин бўлишгандан кейингина ишни бошлайдилар...

Хўш, энди Охунжон шу шароитда нималарни ихтиро қилган экан. Бу ҳақида унинг ўзидан эшитган маъқул:

– Саҳронинг шароити оғир экан. Бу ерга келган янги ишчи, аввало, жазирама иссиқ ва қаҳратон совуққа чидаш керак. Мен ҳам

бошида бироз қийналдим, аммо эътибор қилганим, бундай шароитга ҳатто темир қурилмалар дош бера олмас экан. Гап шундаки, жазирама иссиқ ва саҳродан кўтарилган қум электр қурилмаларни тез ишдан чиқаради. Масалан, биз бошқарадиган тепловознинг тормоз тизимига тегишли бўлган қурилмалар иссиқдан ҳамда ичига қум кириб қолишидан тез ишдан чиқиб қолади. Ускуналарнинг ички тизими ҳаво босими ёрдамида бошқарилади, яъни ускунани ўчириб-ёқувчи тугмалар ҳавонинг кучи ёрдамида ишлайди. Ичкарига кириб қолган чанг эса ускунадаги ҳаво йўллари тўсиб, босимнинг бир меъёрида бўлишига тўсқинлик қилади. Ўз вақтида ўчирилмаган ускуналар эса қизиб ёниб кетиши мумкин. Менининг ихтиром бўлса, ҳаво босимини бир меъёрида ушлаб турадиган содда, аммо самарадор қурилма эди”.

Юқорида таъкидланганидай тепловознинг соз туриши корхона учун жуда муҳим. Биргина шу кичик қурилма эса ҳар ойда бир неча марта ишдан чиқар, оқибатда тепловознинг ҳара-

кати бир неча соатга тўхтаб қоларди. Ҳар ой қурилмаларни таъмирлаш, янги эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун ўртача 235 000 сўм маблағ сарфланади. Охунжоннинг ихтироси эса мана шу муаммога чек қўйди. Ҳозирда бу кичик мосламани корхона муҳандислари цехда ўзлари ишлаб чиқариб, ҳар бир тепловозга ўрнатиб чиқишган. Асосийси, бу мослама тезда ишдан чиқиб қолмайди. Маълум бир вақт ўтганидан сўнг уни текшириб, тозалаб қўйилса бас, яна узоқ муддат ишлайверади. Муҳими, энди тепловоз қурилмаларининг ёниб кетиш муаммоси йўқ. Бу ихтиро эвазига корхонада бир йилда 80 миллион сўм пулни тежаб қолишга эришилмоқда.

Охунжон шу биргина қурилма билан чекланиб қолмади. Ўзи фаолият олиб бораётган йўналиш бўйича муаммоларни ўрганиб чиқди. У арзимаган кичик муаммоларни ҳал қилиш билан корхона бюджетига катта фойда келтириш мумкинлиги англаб етти. Гап шундаки, НКМК нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу корхонада бирор йўналишдаги иш-фаолиятнинг самарадорлиги атиги бир дақиқага орттирилса ёки бирор қурилмани таъмирлашда атиги 3-4 минг сўм пул иқтисод қилинса, бунинг натижаси йил сўнгидаги ҳисоб-китобларда бир неча миллион сўмлик даромад сифатида кўрсатиши мумкин. Бошқача айтганда, “тома-тома кўл бўлур” деган халқ нақли бу корхонада ўзининг чин исботини топади. Охунжон эса айти шу жиҳатга эътибор қаратди. Математикани жуда яхши ўзлаштирган қаҳрамонимиз муаммоларни таҳлил қилиб, уларнинг





қайси бирини тузатиш мумкину, қайсисини тузатиш имконсиз, қайси тузатиш даромад келтиради-ю қайсиси аксинча, хуллас, барини ҳисоб-китоб қилиб кўрди. Шундан кейин ўз лойиҳаларини бирин-кетин заводнинг етук муҳандисларига тақдим эта бошлади.

Шу тариқа Охунжон жами бешта лойиҳани тақдим қилди ва уларнинг аксари ҳозирда корхона фаолиятига жорий этилди. Келинг, қолган ихтироларга ҳам бирма-бир тўхталиб ўтсак.

Қарамонимизнинг кейинги ихтироси бевосита тепловознинг ички қурилмаларига дахлдор эмас. Тепловознинг эҳтиёт қисмлари ҳам унинг ўз ҳайбатига мос равишда жуда катта бўлади. Шундай экан, эҳтиёт қисмларининг таъмирланиши ҳам кўп меҳнат ва вақтни талаб қилади. Яна бир муаммо шундаки, таъмирланган эҳтиёт қисмни муайян синовлардан ўтказмай ишга тушириб бўлмайди. Акс ҳолда, иш жуда қизгин бўлиб турганда яқиндагина таъмирдан чиққан эҳтиёт қисм яна ишдан чиқиши ва корхонага катта зарар келтириши мумкин. Шунинг учун таъмирдан чиққан эҳтиёт қисм олдин тепловозга ўрнатилиб ишга туширилади, муайян синов амалиётидан ўтказилади. Агар ҳаммаси соз бўлса хўп-хўп, лекин бирор камчилик сезилса, эҳтиёт қисм тагин жойидан ечиб олиниб, қайта таъмирланади. Бу эса жуда-жуда кўп иш

соатининг ҳавога совурилиши демакдир. Охунжон эса айни шу муаммонинг ечимини топди. Таъмирлаш устахонаси учун эҳтиёт қисмларини синовдан ўтказиб берадиган махсус стенд ихтиро қилди. Бу стендни тепловоз механизмининг муқобили дейиш мумкин. Стендга таъмирдан чиққан тепловоз эҳтиёт қисмларини осонгина ўрнатиб синовдан ўтказиб олиш мумкин. Асосийси, бу жараён жуда тез ва осон, устахонанинг ўзида бажарилади. Бу эса иш самарадорлигини бир неча баробарга ошириб, жуда кўп иш вақти тежалишига сабаб бўлди. Корхонада эса ҳар дақиқа чин маънода олтинга тенг. Ихтиро сабаб корхонанинг даромади янада орта бошлади.

Охунжоннинг кейинги икки ихтироси ҳам бевосита таъмирлаш жараёнлари билан боғлиқ. Яъни улар моҳиятан юқоридаги стендга жуда ўхшаб кетади. Фақат таъмирлаш жараёнидаги бошқа амалиётларда қўлланилади.

Бешинчи лойиҳа эса поезд филдиракларининг емирилиши олдини олишга қаратилган. Маълумки, темир йўлда поезднинг филдираги мустаҳкам ҳаракатланиши учун ўзига хос кўриниш ва қурилиш касб этган бўлади. Пўлат филдиракнинг икки ёнида бўртиқ тишлари мавжуд бўлиб, бу тишлар темир йўл релсига мустаҳкам ўрнашиб, унинг изидан чиқиб кетмаслиги учун жуда муҳим. Аммо саҳро шароитида темир йўлга ўрнашиб қолган қум филдирак ва релс ўртасидаги ишқаланиш вақтида филдирак тишларининг тез емирилишига сабаб бўлади. Яъни саҳрода филдирак тишлари оддий шароитга нисбатан тезроқ емирилади. Афсуски, бундай филдираклар ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Битта филдирак учун, тахминан, 10 000 АҚШ доллари пул сарфланиб, Россия Федерациясидан импорт қилинади. Охунжоннинг ихтироси эса филдиракнинг емирилишини секинлатади. Бунда филдиракка яқин жойга махсус пуркагич ўрнатилади. Пуркагич эса вақти-вақти билан филдиракка мой пуркаб туради. Натижада мой темирнинг ишқаланишини камайтиради, филдираклар нисбатан узоқроқ хизмат қилади. Ҳозирда бу ихтиро синов босқичида бўлиб, филдиракнинг ишқаланиш даражаси, сарф этиладиган мой ва бошқа харажатлар амалиётда ҳисоб-китоб қилинмоқда. Агар Охунжоннинг ихтироси ўзини оқласа, бу унинг фаолиятидаги энг муҳим лойиҳалардан бири бўлиши мумкин. Зеро, бу лойиҳа самараси ўлароқ корхона ҳар йили бир неча юз минг долларни тежаб қолиши мумкин.

Албатта, Охунжон бу лойиҳаларни ўзича, йўқдан бор қилаётгани йўқ. Унинг ёнида доим тажрибали маслақдоши – устози Мусо Комилов ҳам турди. Мусо ака ўз вақтида шогирдига керакли тавсия-



ларни берди, ундаги иқтидорни вақтида пайқаб, фаолиятидаги мавжуд камчиликлар билан шогирдини таништирди.

Шу ўринда Охунжондаги қобилиятнинг юзага чиқишида катта рол ўйнаган Мусо ака билан яқиндан танишгимиз келди. Мусо Комилов асли Бухоронинг Фиждувон туманидан бўлиб, Зарафшонга 90-йилларнинг бошларида ишлаш мақсадида келган.

– Мен 1992 йили 18 ёшимда Зарафшонга келдим, – дея эслайди Мусо ака. – Умримнинг асосий қисми шу ерда ўтди. Шу ерда уйландим, бола-чақали, уй-жойли бўлдим. Бошқача айтганда, Зарафшон менинг чин ватанимга айланиб кетди. Кўпчилик нафақага чиқиб Бухорога қайтасизми деб сўрайди. Нега энди кетишим керак? Нафақага чиққандай кейин ҳам кетиш ниятим йўқ. Энди бошқа жойга мен ҳам, оилам ҳам кўника олмаймиз. Зарафшоннинг бошқа шаҳарлардан нима фарқи бор? Мана, қарийб 30 йилдан бери бирор марта свет ўчганини билмайман. Қишда уйларимиз иссиқ, ёзда эса салқин. 8-10 миллион сўм атрофида маош оламан. Ҳар йили

оилавий дам олиш учун турли курортларга борамиз. Ўзим икки марта ҳаж зиёратига борди. Фарзандларимни эса энг нуфузли олий ўқув юртларида ўқитишга қурбим етяпти. Бир одам ҳаётда эришиши мумкин бўлган бахт шундан ортиқ бўладими?!

Бир қарашда Мусо аканинг бахти, ўз ҳаётидан мамнунлиги унинг нурли юзида акс этиб турар, унга қараб, беихтиёр, мен ҳам қариллик остонасида мана шундай мамнуният, тақдири азалдан розилик туйғулари билан яшармиканман деб ўйлаб қолади киши.

Мусо ака узоқ йиллар давомида турли лавозимларда фаолият юритаркан завод учун жуда кўплаб яхши кадрларни тарбиялаб берди. Ҳозирда унинг шогирдлари НКМКнинг энг юқори раҳбарлик лавозимларида ҳам фаолият юритиб келишмоқда. Мақола аввалида таъкидланганидек, Охунжоннинг омади унинг Мусо акага ёрдамчи этиб тайинланганида эди. Зеро, Мусо ака шогирдига, энг аввало, инсоний фазилатлари билан устозлик қилди. Ҳали жуда ёш, тажрибасиз бўз йигитни саҳродаги оғир ишларга кўниктириш, унда сабр, тоқат, матонат каби гўзал сифатлари шакллантириш устознинг биринчи галдаги вазифаси эди. Бу ҳақида Мусо аканинг ўзи шундай дейди:

– Заводга келиб ниманики ўрганган бўлсам, устозларимдан, уларнинг инсоний фазилатларидан. Устозларимни қаттиққўл бўлган дея олмайман, аммо, талабчан бўлишгани рост. Бирор хатога йўл қўйсам, бунинг оқибатини оғир-босиқлик билан яхшилаб тушунтиришар эди. Энди билсам, улар ўз ишимга виждонан ёндашишни ўрганишимни исташган. Энг тўғри йўл ҳам шу. Қаттиққўллик билан, уришиш билан катта натижаларга эришиб бўлмайди. Ҳар соҳада ҳам ходим ўз вазифасини виждонан, масъулият билан бажаришни ўрганиши зарур экан.

Охунжон ҳам устозидан ана шу фазилатларни юқтирди. Қилаётган иши бутун юртга катта манфаат келтираётганини ич-ичидан англай бошлади. Бу ҳис уни янги ихтиролар қилишга ундади. Она-Ватани ва халқига чин дилдан хизмат қилиб, эвазига келажақда худди устозидай ўзидан, ҳаётидан мамнун кайфиятда яшашини англаб етди. Энди у умрининг, ўзига тақдир қилиб берилган касбнинг ҳикматини билади. Биз эса, аниқ мақсади ва ҳаёт ҳикматини англаган ёш йигитнинг келажаги қуёшдай порлоқ эканига шубҳа қилмаймиз!

**Саъдулло ҚУРОНОВ**

